5. В целях дальнейшего развития туристского потенциала Самаркандской области, подготовки региона к проведению престижных международных мероприятий и приему большего количества гостей из зарубежных стран, ускоренного развития современной туристской инфраструктуры и создания новых мест досуга для туристов, расширения экономического потенциала региона и его доходной базы, а также организации новых рабочих мест было принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 828 от 30 сентября 2019 г. «О дополнительных мерах по эффективному использованию и развитию туристского потенциала Самаркандской области».

В Дорожной Карте по дальнейшему развитию туризма в Самаркандской области, утверждённой приложением № 2 к данному постановлению приведены

меры по развитии этно, агро, экстремального, горного и экологического туризма на территории отдельных посёлков Самаркандской области:

✓ Развитие этнотуристических направлений на территории поселков «Эрганакли», «Фозил Йулдош», «Коратери», «Сойгус», «Гиждувон», «Конигил», «Кулчара-2», предусматривающее улучшение состояния автомобильных дорог, организацию пешеходных маршрутов, создание семейных гостевых домов и пунктов общественного питания.

✓ Развитие агротуризма в селах «Кук-ота», «Саричашма», «Газира», «Джуйи аббос», «Мавлум» с созданием благоприятных условий для ознакомления туристов с уникальными объектами природы и агротуризма.

✓ Развитие экстремального и горного туризма в селах «Джом», «Миронкул», «Агалык», «Пангат», «Кизилбел» с созданием туристкой инфраструктуры, в том числе организацией гостевых домов, кемпингов, юрт, мест для скалолазания и т.д.

✓ Развитие экологического туризма в селах «Аманкутан», «Каратепа», «Юкори Терсак», «Урта Терсак», «Терсак» с созданием экотуристских комплексов, пунктов общественного питания и других.

6. В целях развития экотуризма в пределах водоохранных зон водохранилищ, активного использования водных ресурсов для отдыха населения и зарубежных гостей было принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 978 от 03.12.2018 г. «О мерах по развитию экотуризма и совершенствованию порядка выделения земельных участков в пределах водоохранных зон водохранилищ».

И так, анализ нормативно-правовых актов в сфере туризма показывает, что в Узбекистане специальное законодательство по вопросам агроэкотуризма на сегодняшний день находится в развивающемся состоянии и нуждается в дельнейшем совершенствовании. Разработка соответствующей нормативно-правовой базы агротуристической деятельности является необходимым условием успешного развития этого сектора туриндустрии в Узбекистане.

Нафиса Тошназарова - магистр, СамИСИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ БОШҚАРУВИДА ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: *Ушбу мақолада ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувида қиймат занжири ва етказиб бериш занжирининг моҳияти ҳамда таркибий қисмлари очиб берилган.*

Калитли сўзлар*: қиймат занжири, етказиб бериш занжири, тадқиқот ва ишланмалар, маҳсулот ва тадқиқотлар дизайни.*

Аннотация: *В этой статье раскрывается сущность и составная часть цепочки стоимости и цепочки поставки в управления производственных предприятий*

***Ключевые слова**: цепочки стоимости, цепочки поставки, исследования и разработки, дизайн продукции и исследований.*

***Annotation:** This article reveals the essence and constituent part of the value chain and supply chain in the management of manufacturing enterprises*

***Key words:** value chains, supply chains, research and development, product design and research.*

Бошқарув қарорларининг сифати кўп жиҳатдан менежерларни ўз вақтида, сифатли, объектив ва тезкор ахборотлар билан таъмин этиш даражасига боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида ушбу соҳа мутахассислари олдига янгича вазифалар қўймоқда. Менежерларни қабул қилаётган қарорларини асослаш мақсадида корхона харажатлари, бюджетлари, баҳоларини белгилаш ва корхонанинг келгусидаги ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича объектив, сифатли ва тезкор ахборотлар билан таъмин этиш масалалари долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда инновацион рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарувни жорий қилиш, бошқарувда халқаро стандартларни жорий қилиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмларини такомиллаштириш, бошқарув қарорларининг сифатини таъминлаш мақсадида объектив ахборотлар билан таъминлаш тартиб тамойилларини такомиллаштириш ўз ечимини кутаётган масалалардан ҳисобланади. Бу борада хориж тажрибаларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Хорижлик олимларнинг ишларида бошқарувни ахборот билан таъмин этишда қиймат занжирининг турли қисмлари ўрганилган. Уларнинг моҳияти билан танишиб чиқайлик.

Ч.Ҳорнгрен “қиймат занжири”, “етказиб бериш занжири” ва “муваффақият омилларининг калити” таҳлилини ўтказиш бошқарув ҳисобининг асосий функциялари эканлигини таъкидлайди.

Қиймат занжири (Value chain). Қиймат занжирининг қисмлари қуйидагилардан иборат (1-расм):



1-расм. Қиймат занжирининг турли қисмлари

Тадқиқот ва ишланмалар (Research and development) – бу янги маҳсулотлар, хизматлар ёки жараёнлар билан боғлиқ ғояларни амалда жорий қилиш ва экспрементлар ўтказишдир.

Маҳсулот ва жараёнларнинг дизайни (Design of products and processes) – бу маҳсулотлар ва жараёнларнинг деталли режалари, инжинеринги ва синаб кўрилишидир.

Ишлаб чиқариш (Production) – бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ресурслар хариди, транспортга жойлаштирилиши, сақланиши (криш логистикаси) ва координацияси ҳамда териб тахланиши (операцияси) дир.

Маркетинг (Marketing (Including sales) – бу маҳсулот ва хизматларнинг харидорларга ёки потенциал харидорлар томон ҳаракатланиши ва сотилишидир.

Дистрибуция (Distribution) — бу буюртмаларга ишлов бериш ҳамда маҳсулот ва хизматларнинг хиридорларга етказиб берилиши (чиқиш логистикаси)га оид тизимдир.

Харидорларга хизмат (Customer service) — бу харидорларга сотилгандан кейинги хизматларни таъмин этишдир."[1]

Етказиб бериш занжири (Supply chain). Маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан боғлиқ таннархи занжирининг таркибий қисми – ишлаб чиқариш ва дистрибуция – бу етказиб бериш занжири ҳисобланади. Етказиб бериш занжири – бу маҳсулотларни харидорларга етказиб бериш бўйича метериаллар ва хизматларнинг бирламчи манбасидан харидорларга ушбу фаолият айнан ушбу ташкилот ёки бошқа ташкилот томонидан амалга оширилишидан қатъий назар товарлар, хизматлар ва ахборотларнинг оқимини тавсифлайди. Масалан, Coke ва Pepsi концентратини кўпчилик компаниялар ишлаб чиқарувчига етказишда маълум роль ўйнайди. Ушбу амалий тажрибалардан келиб чиқиб, 2-расмда "етказиб бериш занжири" тавсифи тасвирланган.



2-расм. Cola Bottling Company учун етказиб бериш занжири.

Таннарх менежменти бажарилишларни яхшилаш ва таннархни қисқартириш учун занжирдаги барча компаниялар фаолиятини интеграциялаш ва координация қилишга урғу берилди. Масалан, Coca-Cola Company and Pepsi Bottling Group компанияларининг иккаласи ҳам материалларни сақлаш ва ортиб-тушириш харажатларини қисқартириш мақсадади таъминотчилардан (жумладан, пластик ва алюминий компаниялари ва шакар ишлаб чиқарувчиларидан) материалларни кичик миқдорларда тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш цехига етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қиймат занжири", "етказиб бериш занжири"ни таҳлил қилиш бошқарувнинг асосий функцияларидан ҳисобланади. Бу занжирнинг ишлаши маҳсулотлар ва хизматлар қийматини бир тизим остида назорат қилиш имкониятини беради. Амалдаги тартибда бошқарувда маҳсулот харажатларни қисқартириш деганда фақат уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни камайтириш назарда тутилар эди. Бу таклиф этилаётган тизимда эса қиймат занжири тадқиқот ва ишланмалардан бошланиб, маҳсулотни харидорларга

[1] Horngren's Cost accounting a Manageral Emphasis, Sixteenth Ed. 2018 /Charles T. Horngren, Srikand M. Dater, Madhav V. Rajan. 4-5-p.

етказиб беришгача амалга оширилган харажатларни қамраб олади. Харажатни қайси босқичда қисқартиришга эришиш умумий натижаларга ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари худди шундай таҳлил етказиб бериш занжирида ҳам ўтказилиши, занжирнинг қайсидир бўғинида харажатларни қисқартириш имкониятларини топишга хизмат қилади.

Ушбу таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқариш корхоналари бошқарув тизимига жорий этилиши маҳсулотлар, иш ва хизматлар қийматини назорат қилиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

2. Horngren’s Cost accounting a Manageral Emphasis, Sixteenth Ed. 2018 /Charles T. Horngren, Srikand M. Dater, Madhav V. Rajan. 4-5-p.

А.Р.Насимов – свободный соискатель СамИЭС

ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЙ КЛАСТЕР – ДЕЙСТВЕННЫЙ МЕХАНИЗМ РЕАЛИЗАЦИИ КОНЦЕПЦИИ «УНИВЕРСИТЕТ-3.0» В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. *В статье научно обоснована важность формирования образовательного кластера, как действенного механизма реализации концепции «Университет-3.0».*

Ключевые слова: *образовательный кластер, Университет-3.0, научные исследования, коммерциализация.*

Annotation. *The article scientifically substantiates the importance of the formation of an educational cluster as an effective mechanism for implementing the concept of "University-3.0".*

Keywords: *educational cluster, University-3.0, scientific research, commercialization.*

Аннотация. *Мақолада «Университет-3.0» концепциясини амалга оширишнинг самарали механизми сифатида таълим кластерини шакллантириш аҳамияти илмий асосланган.*

Калит сўзлар: *таълим кластери, Университет-3.0, илмий тадқиқотлар, тижоратлаштириш.*

В настоящее время национальное богатство развитых государств на 5% составляют природные ресурсы, на 18% - произведенный капитал, а 77% занимают знания и умение эффективно их применять. Важная роль во всех воспроизводственных процессах отводится качеству рабочей силы, человеческого капитала, развитию человеческих ресурсов, их производительной силы. Надо отметить, что до 40% валового национального продукта наиболее развитые страны получают за счет эффективной системы образования. Развитие инновационной деятельности в стране напрямую связано с состоянием фундаментальной и

прикладной науки и коммерческой востребованностью научно-технических разработок.

В Узбекистане в целях коренного пересмотра содержания подготовки кадров в соответствии с приоритетными задачами социально-экономического развития страны, создания необходимых условий по подготовке специалистов с высшим образованием на уровне международных стандартов было принято постановление Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования».

Данным постановлением утверждена Программа комплексного развития системы высшего образования на период 2017-2021 годы по качественному и кардинальному совершенствованию уровня высшего образования, укреплению и модернизации материально-технической базы высших образовательных учреждений, оснащению современными учебно-научными лабораториями, информационно-коммуникационными технологиями.

Вместе с тем полностью не решен ряд актуальных вопросов своевременной подготовки высококвалифицированных специалистов, отвечающих современным требованиям, для социально-экономического развития регионов республики с учетом потребностей отраслей и сфер экономики в необходимых специальностях, формирования содержания высшего образования в соответствии с программами перспективного развития и производственными, техническими и технологическими отношениями непосредственно на предприятиях, в учреждениях, трудоустройства в соответствии со специализацией и профессией.

Кроме того, не отвечает требованиям участие отраслей экономики в процессах формирования заказов на подготовку кадров в перспективе, разработке квалификационных требований к выпускникам, обеспечении качества подготовки специалистов, необходимых для отрасли. Работодателями не осуществляется системная работа по обеспечению соответствия программ высшего образования требованиям меняющегося рынка труда.

Имеются разрывы в системе взаимосвязи высшее образование - наука - производство, не обеспечена их интеграция. Научно-исследовательские институты не привлечены на должном уровне к процессу подготовки кадров в высшем образовании, научные исследования осуществляются без учета реальных потребностей отраслей экономики. Отсутствие системной подготовки квалифицированных научных и научно-педагогических кадров приводит к снижению научного потенциала высших образовательных учреждений.

В целях определения приоритетных направлений системного реформирования высшего образования в Республике Узбекистан, поднятия на качественно новый уровень процесса подготовки самостоятельно мыслящих высококвалифицированных кадров с современными знаниями и высокими духовно-нравственными качествами, модернизации высшего образования, развития социальной сферы и отраслей экономики на основе передовых

образовательных технологий была утверждена Концепция развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года, в которой предусмотрено поэтапное внедрение концепции «Университет 3.0», предусматривающей тесную связь образования, науки, инноваций и деятельности по коммерциализации результатов научных исследований в высших образовательных учреждениях.

Давайте рассмотрим сущность концепции «Университет-3.0»

Университет 1.0 – учреждения образования, которые готовят специалистов для профессиональной деятельности в отдельных секторах экономики и социальной сферы. Основная миссия – образование;

Университет 2.0 – учреждения образования, в которых важную роль играют исследовательская работа и выполнение НИР. К основной миссии – образованию, присоединяется новая функция – проведение научных исследований для промышленного сектора.

Современный этап развития требует от университетов более активного вклада в развитие экономики, основанной на знаниях, посредством коммерциализации результатов научно-исследовательской деятельности и создания новых наукоемких предприятий. Этим задачам в полной мере отвечает модель предпринимательского университета (Entrepreneurial university) или Университет 3.0.

Концепция «Университет 3.0» была разработана в 1998 г. Бертоном Р.Кларком и им же введен в научный оборот сам термин «Entrepreneurial Universities» (в русскоязычной литературе чаще используется термин «Университет 3.0»). Однако однозначного определения этого понятия до сих пор выработано не было. Большинство исследователей придерживаются мнения, что Университет 3.0 – это учреждение высшего образования, способное привлечь дополнительные финансовые ресурсы для обеспечения своей деятельности, университет, использующий инновационные методы обучения, вуз, налаживающий тесное взаимодействие с бизнес-сообществом, где внедряются разработки университетских исследователей[1].

И так, университеты третьего поколения предназначены для расширения функциональных областей от экономического образования и исследований до предпринимательства и сотрудничества в решении экономических проблем. Переход к системе University 3.0 не только побудит университеты нашей страны предоставлять образовательные услуги, но и позволит им проводить исследования в текущих сферах жизни нашего общества, получать доход за счет коммерциализации своих исследований и, таким образом, играть важную роль в

[1] https://nihe.bsu.by/index.php/ru/university-3

экономике страны. Одним словом, важно, чтобы он стал «Университетом Предпринимателем»[1].

Трансформация образовательной среды в рамках концепции «Университет 3.0» предполагает множество направлений – не только образование и научную сферу, но и такой вектор, как коммерциализация научных разработок, неотъемлемая от технологических направлений образования[2].

Как показывает опыт зарубежных стран образование, наука и инновация - это мост, по которому многие страны перешли к новому уровню устойчивого развития, и обеспечивают конкурентоспособность нации. Переход экономики в новое качественное состояние предопределяет значимость активизации инновационной деятельности, что в свою очередь требует фундаментальных изменений в образовании, науке и подготовке кадров. Важное значение при этом имеет реализация концепции «Университет-3.0».

Впервые термин «кластер» ввел в научный обиход Майкл Портер. В его классическом определении «кластер – это сконцентрированные по географическому признаку группы взаимосвязанных компаний, специализированных поставщиков, поставщиков услуг, фирм в соответствующих отраслях, а также связанных с их деятельностью организаций в определенных областях, конкурирующих, но вместе с тем и ведущих совместную работу».[3]

Действенным механизмом реализации данной концепции могут сужить образовательные кластеры.

С позиции системного подхода кластер – это совокупность субъектов хозяйственной деятельности взаимосвязанных различных отраслей, объединенных в единую организационную структуру, элементы которой находятся во взаимосвязи и взаимозависимости, совместно функционируют с определенной целью.[4]

М. Портер показал, что конкурентоспособность компании во многом определяется конкурентоспособностью ее экономического окружения, которая, в свою очередь, зависит от базовых условий (общего ресурса) и конкуренции внутри кластера.

Образовательный кластер - это совокупность взаимосвязанных учреждений профессионального образования, объединенных по отраслевому признаку и партнерскими отношениями с предприятиями отрасли; это система обучения, взаимообучения и инструментов самообучения в инновационной цепочке «наука - технологии - бизнес», основанная преимущественно на горизонтальных связях

---

[1] https://www.bsmi.uz/index.php/ru/reformy-obrazovaniya/1019-perspektivy-vnedreniya-kontseptsii-universitet-3-0-v-uzbekistane

[2] https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/236337/1/52-93.pdf

[3] Портер М. Международная конкуренция: Конкурентные преимущества стран. М.: Международные отношения, 1993.

[4] Ларионова Н. А. Кластерный подход в управлении конкурентоспособностью региона // Экономический вестник Ростовского гос. ун-та. 2007. № 1.

внутри цепочки. Именно инструменты, свойственные данному механизму служат эффективной реализации концепции «Университет-3.0»

Ахтамова М.Э. – старший преподаватель СамИЭС
Рустамова Шахзода – студентка группы МН-220 СамИЭС

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ, БЛАГОСОСТОЯНИЯ, КАЧЕСТВА И УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация: *В данной статье рассматриваются вопросы повышения занятости, качества и уровня жизни населения Республики Узбекистан. Так же предложены возможные изменения и рекомендации по улучшению благосостояния уровня жизни населения в условиях инновационной и цифровой экономики.*

Ключевые слова: *цифровая экономика, проблемы внедрения цифровой экономики, улучшение качества жизни, занятость населения, уровень жизни населения, «Цифровой Узбекистан 2030».*

Annotatsiya: *Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasi aholisining ish bilan ta'minlanishi, sifati va turmush darajasini oshirish masalalari muhokama qilinadi. Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida aholining turmush darajasi farovonligini oshirish bo'yicha mumkin bo'lgan o'zgarishlar va tavsiyalar ham taklif qilingan.*

Kalit so`zlar: *raqamli iqtisodiyot, raqamli iqtisodiyotni joriy etish muammolari, hayot sifatini oshirish, aholi bandligi, aholining turmush darajasi, "Raqamli O'zbekiston 2030".*

Abstract: *This article discusses the issues of increasing employment, quality and standard of living of the population of the Republic of Uzbekistan. Possible changes and recommendations for improving the well-being of the standard of living of the population in the conditions of an innovative and digital economy are also proposed.*

Key words: *digital economy, problems of introducing a digital economy, improving the quality of life, employment of the population, living standards of the population, "Digital Uzbekistan 2030".*

В течение нескольких десятилетий одной из основных сфер развития экономики и общества в целом является введение информационных технологий в различные сферы жизнедеятельности человека. Цифровая экономика - это всемирная сеть экономической деятельности, коммерческих операций и профессиональных взаимодействий, которые основаны на информационно-коммуникационных технологиях (ИКТ). Её можно кратко описать как экономику, основанную на цифровых технологиях. В первые дни своего существования цифровая экономика называлась интернет-экономикой, новой экономикой или веб-экономикой из-за её зависимости от подключения к интернету. Однако экономисты и бизнес-лидеры утверждают, что цифровая экономика является более развитой и

комплексной, чем интернет-экономика, которая просто означает экономическую ценность, полученную из интернета и интернет - ресурсов. На сегодняшний день развитие информатизации в первую очередь подкреплено внедрением цифровых коммуникационных технологий, фундаментом для которых являются Интернет и мобильные устройства.

В стратегии развития информационного общества в Республике Узбекистан на последние 10 лет уделяется особое значение постановлению президента Ш. М. Мирзиёева о стратегии «Цифровой Узбекистан 2030», где всецело охватываются проблемы развития информационных технологий и даётся пошаговый план улучшения положения на сегодняшний день. «В последние годы проводимые в Узбекистане реформы сопровождаются активным внедрением в процесс современных информационно-коммуникационных технологий, расширяется доступ населения к услугам телекоммуникаций, государственные услуги поэтапно переводятся в электронный вид и предоставляются по принципу «одного окна». Это послужило толчком в принятии президента Республики Узбекистан постановления «о мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан». Следствием этого послужило становлению и укреплению позиции Республики Узбекистан в рейтинге ООН по развитию электронного правительства.

Если оценить возможности и угрозы цифровизации экономики для населения с точки зрения занятости рабочей силы, то можно выделить ситуации, в которых можно цельно проанализировать всю ситуацию. Анализируя влияние информационно-коммуникационных технологий на рынок труда и предпринимательскую деятельность, можно выделить два главных последствия: во-первых, в цифровой экономике эффективность взаимодействия работника и работодателя перестает зависеть от их местоположения; во-вторых, цифровая экономика меняет принятый при традиционной форме взаимодействия жесткий распорядок рабочего дня, делая гибким использование персональные ресурсы работника.

Возможностями цифровизации экономики для населения являются следующие:

1. Рост доходов работников различных организаций от информационной деятельности за счет удаленной работы и увеличение занятости, так как отдаленность от экономического центра перестает ограничивать спрос на информационный труд. При этом происходит сокращение в разрыве между заработной платой работников, проживающих в центре, и трудовыми доходами работников периферии, поскольку последние являются более конкурентоспособными из-за низкой цены предложения труда. Более точно, данный процесс приводит к увеличению заработной платы информационных работников по сравнению с неинформационными на периферии и к её относительному уменьшению в центре.

2. Важно отметить, что управленческая деятельность также имеет информационный характер, а значит, эффективность взаимодействия между административным персоналом и подчиненными благодаря новым цифровым технологиям становится менее зависимой от физического расстояния между ними. Следствием данного процесса становится перенос из центра на периферию части бизнес-процессов ради экономии на рабочей силе, аренде и пр., что, естественно, положительно сказывается на местных рынках труда.

3. Снижение барьеров на рынке труда и ослабление монопольной власти некоторых групп специалистов. Интернет-технологии снижают входные и выходные барьеры на рынке труда, связанные с географическим местоположением, что усиливает конкуренцию и уменьшает монопольную власть дефицитных специалистов. Положительным результатом данного процесса становится повышение качества услуг, предлагаемых на рынке, и появление у работников мотивации к повышению эффективности труда и саморазвитию.

Угрозы цифровизации экономики для населения:

1. Усиление ценовой конкуренции. С одной стороны, работникам с периферии, обладающим приблизительно равным уровнем квалификации с работниками из центра, выгодна ценовая конкуренция, поскольку они готовы трудиться за меньшую заработную плату, но с другой — интернет-технологии позволяют выйти на рынок работникам из еще более бедных территорий (например, из других стран), что развязывает ценовую конкуренцию.

2. Рост киберпреступности и мошенничества. Высокий уровень анонимности при взаимодействии исполнителя и заказчика работ в интернет-среде по сравнению с традиционными формами занятости вызывает такие проблемы, как обман заказчиком исполнителя и наоборот.

Таким образом, президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев неоднократно высказывался по поводу повышения благосостояния и качества жизни населения, отмечая важность внедрения цифровых технологий в повседневную жизнь населения. Постепенно начали улучшать удобные для населения формы информатизации.

В числе наиболее значимых и приоритетных — сфера здравоохранения. Это само собой разумеющееся действие, учитывая то, насколько важное внимание в государственной политике нашей страны уделяется сохранению здоровья граждан, обеспечению санитарного благополучия в республике.

Цифровая реформа системы здравоохранения, в первую очередь, предусматривает качественное изменение всех процессов и форм взаимоотношений между пациентом и медицинским учреждением. Все процессы, будь то обработка вызовов скорой помощи, регистрация появившихся на свет младенцев, выдача рецептов и ведение медицинских дел — будут переведены на цифровую платформу. Это не только позволит проводить комплексный мониторинг системы

здравоохранения, но самое главное, значительно облегчит труд медработников, сэкономит время и деньги наших граждан.

Особое место в развитии городов играет транспортная инфраструктура, являющаяся одним из критериев качества жизни и оценки уровня развития городов. В этом направлении предусматривается перевести систему на цифровые рельсы — создать возможность приобретать в онлайн-режиме авиа-, железнодорожные, автобусные билеты, а также внедрить систему автоматической оплаты за услуги городского транспорта путем установки валидаторов и интеграции в действующие национальные платёжные системы HUMO и UZCARD.



По данным на таблице можно заметить, что Республика Узбекистан уделяет больше внимания уровню цифровизации страны, увеличив расходы на ИКТ лидирует по данным показателям среди стран Средней Азии. Президент Шавкат Мирзиёев 28 апреля 2020 года подписал постановление «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства», в которой планируется долю цифровой экономки в ВВП Узбекистана увеличить в 2 раза к 2023 году. При этом, во всех регионах страны ожидается открытие инновационных центров обучения цифровым знаниям.

Таким образом, одной из ключевых тенденций, происходящих в мировой глобальной экономике на протяжении последних десятилетий, является её стремительная цифровация. Цифровые преобразования меняют структуру экономики, совершенствуя привычные бизнес-модели, приводят к расширению рынков и возможностей, становятся важнейшим двигателем мирового экономического роста. Результаты проведенного анализа показывают, что с большой долей вероятности уже в ближайшем будущем уровень цифровизации будет определять конкурентоспособность не только бизнеса, но и целых стран. При

этом устойчивого конкурентного преимущества достигнут только те страны и компании, которые смогут наиболее быстро адаптироваться и максимально использовать преимущества происходящих изменений. Для успешной адаптации к преобразованиям и сокращения технологического разрыва с развитыми в цифровом плане странами, Узбекистану необходимо выработать действенные решения для запуска и совершенствования новой цифровой эпохи. В частности, требуется разработка долгосрочных научно обоснованных стратегий цифровизации с учётом необходимости обеспечения опережающих темпов развития в данном направлении как на уровне государства, так и в разрезе отраслей и предприятий.

Одним из ключевых элементов государственной политики должны стать подготовка и переподготовка кадров. В данном контексте потребуется совершенствование образовательной системы и инфраструктуры к новым требованиям цифровой эпохи. Также, прежде всего необходимо внедрение принципиально новых подходов к обучению и обеспечение высокого уровня базовой цифровой грамотности населения.

Список использованной литературы:

1. Постановление «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства» от 28 апреля 2020 года
2. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису
3. Выступление Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.press-service.uz/ru/lists/view/111 (дата обращения: 13.08.2017).
4. https://www.gazeta.uz/ru/2020/04/29/digital/

Ш.Я.Абдусаидова – базовый докторант МУТ "Шёлковый путь"

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲМОНХОНА ИНДУСТРИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ХУСУСИЯТЛАР

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона индустриясининг ривожланиш ҳолатига хос хусусиятлар ва тенденциялар тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *туризм, меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг бошқа муқобил воситалари, хостел, меҳмон уйи, тенденциялар, юлдузлар, классификациялаш тизими.*

Аннотация: *В статье исследуются особенности и тенденции развития гостиничной индустрии в Республике Узбекистан.*

Ключевые слова: *туризм, отели и другие альтернативные способы размещения, хостел, гостевой дом, тенденции, звезды, система классификации.*

Annotation: *The article examines the features and trends in the development of the hotel industry in the Republic of Uzbekistan.*

Keywords: *tourism, hotels and other alternative means of accommodation, hostel, guest house, trends, stars, classification system.*

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жойлаштириш қувватини 26147 хона ва 62302 жой фондига эга 2071 та жойлаштириш воситалари (жумладан: 847 та меҳмонхона; 214 та ҳостел; 886 та меҳмон уйлари; 127 та бошқа жойлаштириш воситалари [1]) намоён этмоқда. Жойлаштириш воситаларини алоҳида турлари бўйича таҳлил қилиб ўтсак.

Мамлакатимиз миқёсида фаолият юритаётган 847 та меҳмонхоналарнинг жойлаштириш сиғими 21790 та хона, 42891 жойдан иборат. Самарқанд вилоятида мамлакат миқёсида фаолият олиб борувчи меҳмонхоналар умумий миқдорининг 16,4%и жойлашган. 2020 йил 1 январ ҳолати бўйича Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакат миқёсида жойлаштириш муассасаларининг асосий қуввати тўртта ҳудудга: Тошкент шаҳри (35%); Самарқанд (11%); Бухоро (13%); Хоразм (8%) вилоятларига тўғри келмоқда (1-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари асосида.

1-расм. Мамлакатимизда фаолият юритаётган меҳмонхоналар жойлаштириш сиғимининг ҳудудлар кесимидаги тақсимоти

Аммо туризм соҳасининг ривожланиш тенденциялари, туристик хизматларнинг ҳудудий дифференциацияси ва диверсификацияси меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг бошқа муқобил муассасалари (МЖБММ) жой фондининг ҳудудий тақсимотига ҳам таъсир этган. Хусусан, 2010-2019 йиллар давомида Тошкент шаҳрининг мазкур кўрсаткичлардаги улуши 3,4 бирликка, Бухоро

[1] 2020 йил 1 январь Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра. Бунда, бошқа жойлаштириш воситалари - ётоқхона, кемпинг, сайёхлик база, дам олиш зона ва ўтовли лагаерлар

вилоятининг улуши 0,4 бирликка, Самарқанд вилояти бўйича эса 0,8 бирликка камайган.

2010-2019 йиллар давомида мамлакатимиз меҳмонхона инфратузилмаси ривожланишида қуйидаги ижобий тенденцияларни, яъни МЖБМ сонининг 2,33 маротаба, жой фондининг 2,07 маротаба кўпайганлигини кузатиш мумкин (2-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

2-расм. Мамлакатимизда меҳмонхона инфратузилмасининг ривожланиш тенденциялари

Миллий туристик маҳсулотларга талабнинг ўсиши бўйича ижобий тенденцияларга қарамай, мамлакат миқёсида жойлаштириш муассасалари ва жойлаштиришнинг бошқа муассасаларида жой фондидан фойдаланиш даражаси нисбатан паст даражани намоён этган ҳолда, яъни ушбу кўрсаткич 28%ни ташкил этмоқда. Республикамизнинг алоҳида ҳудудлари бўйича мазкур кўрсаткич: Тошкент шаҳри (41%); Андижон (29%); Сирдарё (36%) вилоятларида нисбатан юқоридир (2-жадвал). Европа мамлакатлари ва АҚШда меҳмонхоналарида жойлар юкламасининг ўртача йиллик коэффициенти 70%ни ташкил этади. Юқори даражадаги мавсумийлик омили ҳудудий меҳмонхоналарнинг самарали фаолиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси меҳмонхоналар хизматларидан фойдаланувчиларнинг 50,2 % Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланади. Республикамиз ҳудудларида хостел шаклидаги жойлаштириш муассасалари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги ички туристик оқимнинг ошишига ижобий таъсир қилган муҳим омиллардан биридир.

Республика ҳудудларининг туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, ҳудудларда замонавий туризм инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш, меҳмонхона хизматларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, меҳмонхона соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш, шунингдек, жойлаштириш обектларининг мавжуд камчиликларини бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 24-ноябр 954-сон “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнесини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда меҳмонхона индустриясининг сезиларли даражада ривожланишига шароитлар яратди. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг лойиҳалашнинг ижобий хорижий тажрибасини, шу жумладан, биринчи навбатда Туркия ва Корея республикалари тажрибасини ҳисобга олиб намунавий лойиҳалар бўйича ишлаб чиқилган сиғими 8-50 номерли кичик меҳмонхона ва хостеллар қурилиши йўлга қўйилди.

Ушбу Қарорга илова қилинган “Меҳмонхона хўжалиги фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” Низомга кўра, янги меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларини қуриб, 2019-йил 5-январдан бошлаб 2022-йил 1-январга қадар фойдаланишга топширган тадбиркорлик субъектига ушбу меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат буджетидан маблағ ажратиш, шунингдек, 2019-йил 5-январдан бошлаб таниқли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан фойдаланиш бўйича франчайзинг тўғрисида шартнома тузган Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган тадбиркорлик субектларини қисман молиялаштириш тартиби белгиланди.

Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида 214 та хостел фаолият юритиб, уларнинг жойлаштириш сиғими 2 238 та хона, 6 931 жойдан иборат. Хостелларнинг асосий жой қуввати Тошкент шаҳри (52%), Бухоро (12 %), Самарқанд (9%), Навоий (7%), Тошкент (11%) вилоятларида жойлашганлиги янги йўналишлардаги туристик маҳсулотларнинг шаклланишига етарли шароит яратмасдан, туристик оқим юкламасининг маълум бир ҳудудларга тушишига сабаб бўлган (3-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари асосида.

3-расм. Мамлакатимизда фаолият юритаётган хостелларда жойлаштириш сиғимининг ҳудудлар кесимидаги тақсимоти

Мамлакатимизда оилавий меҳмон уйларига хос жойлаштириш инфратузилмасининг шакллантирилиши мамлакат ҳудудлари бўйлаб жойлаштириш воситаларининг тенг тақсимланмаганлиги (2020 йил 1 январь ҳолати бўйича, республика бўйича 7503 ўринга эга 886 та оилавий меҳмон уйлари фаолият юритган), ҳамда оқибатда туристик маҳсулотлар дифференциациясининг сусайиши каби масалаларнинг самарали ечими бўлди (4-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари асосида.

4-расм. Мамлакатимизда фаолият юритаётган меҳмон уйларида жойлаштириш сиғимининг ҳудудлар кесимидаги тақсимоти

Туризм фаолияти субъектларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, минтақаларнинг туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, дам олиш ва туризм учун шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек, туризм хизматлари кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 631-сон “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарори қабул қилинди. Унга кўра: оилавий меҳмон уйлари ушбу меҳмон уйларида уй эгасининг оила аъзолари билан бирга яшаш тамойили бўйича бир вақтнинг ўзида 10 нафаргача ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, ҳар бир яшовчига 3 м^2 ҳисобидан тўғри келадиган зарурий тураржой майдонига эга бўлган хусусий уй-жой ҳисобланиши; оилавий меҳмон уйлари хизматлари оилавий меҳмон уйи ташкил этиш учун яроқли тураржой биносига эга бўлган ва унда яшовчи хусусий тадбиркорлар ёки оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилиши белгиланди.

Хулоса ва таклифлар. Жойлаштириш муассасига тақдим этилган «юлдуз», истеъмолчи учун мазкур муассаса томонидан таклиф этиладиган хизматлар ва

уларнинг сифати тўғрисидаги муҳим маълумотдир. Республика бўйлаб 390 та меҳмонхонага тегишли “юлдузлар” тақдим этилган (5-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

5-расм. Меҳмонхоналарнинг тақдим этилган «юлдуз» бўйича тақсимоти

Аммо, мазкур классификацияга эга бўлмаган меҳмонхоналарнинг даражаси ва ўрнини белгилаш мушкулдир. Ҳозирда саёҳатини мустақил ўзи ташкиллаштирувчи турист Интернетнинг https://ostrovok.ru, https://www.tripadvisor.ru, https://ru.hotels.com, http://www.orexca.com каби саҳифаларида жойлаштирилган, аниқ ҳудудий меҳмонхона хизматларининг реал истеъмолчилари томонидан ушбу меҳмонхона тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ва баҳоси билан танишиб, ўзига мақбулини танлаш имкониятига эга. Аммо, баъзан реал истеъмолчилар томонидан айнан бир хил меҳмонхона хизматларини турли хил баҳолаш ҳолатлари кўп учрайди. Шу сабабли, ҳудудий туризм бозорида фаолият олиб борувчи меҳмонхоналарни классификациялаш тизимини такомиллаштириш асосида юлдузсиз меҳмонхоналар, хостел ва оилавий меҳмон уйларини гуруҳлашнинг янги стандартларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг назаримизда, меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг бошқа муассасаларини классификациялаш тизимини такомиллаштириш келажакда:

– меҳмонхоналарда хизмат кўрсатишнинг замонавий стандартларига риоя қилиш ҳамда таклиф этилаётган хизматлар сифатининг ўсишига;

– “мустақил туристлар” оқимининг кўпайишига;

– меҳмонхона хизматларининг нархи ва сифати ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлашга;

– туристларга ўзига мақбул сифат ва нархдаги хизмат турларини танлашга (хизматларнинг тегишли сифати уларга нархнинг тўғри белгиланганлигини намоён этади) кўмак беради.

И.О. Мадаминов - УрДУ, “Иқтисодиёт” кафедрси катта ўқитувчиси

ИҚТИСОДИЁТДА ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. *Ушбу мақола иқтисодиётда инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлашга қаратилади. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаш масаласи доимий равишда долзарб ҳисобланади. Инвестицион ва инновацион самарадорлик ва улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *глобал иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, инновация, инвестиция, самарадорлик, барқарорлик, инвестиция лойиҳалари.*

Аннотация. *Данная статья посвящена обеспечению инвестиционной и инновационной активности в экономике. Вопрос обеспечения инвестиционной и инновационной активности в экономике Узбекистана постоянно актуален. Были рассмотрены возможности повышения эффективности инвестиций и инноваций и доступа к ним, подготовки и реализации инвестиционных проектов.*

Ключевые слова: глобальн*ая экономика, национальная экономика, инновация, инвестиция, эффективность, устойчивость, инвестиционные проекты.*

Annotation. *This article is devoted to ensuring investment and innovation activity in the economy. The issue of ensuring investment and innovation activity in the economy of Uzbekistan is constantly relevant. The possibilities of improving the efficiency of investments and innovations and access to them, preparation and implementation of investment projects were considered in this work.*

Key words: *global economy, national economy, innovation, investment, efficiency, sustainability, investment projects.*

Кириш. Ҳозирги замонавий бозор иқтисодиёти янги турдаги товар ва маҳсулотлар, хизматлар, техник ва технологик қисм ҳамда ускуналарни яратишни таъминловчи илмий, илмий-техникавий ва инновацион фаолиятга асосланиши зарур. Қулай инвестиция муҳитида инновацияларни яратиш ва уларни иқтисодиёт тармоқларида жорий этишда янги имкониятлар ва механизмларни қўллаш алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан иқтисодиёт тизимини либераллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларига айланди. Бу борада қабул қилинган бир қатор қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кафолатлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ҳамда ҳудудларига

хорижий сармояларни фаол жалб этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган [1].

Жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараёнлар қатор тараққий этган мамлакатларда давлат қарздорлиги муаммосининг ортиши, халқаро миқёсда ишсизлик муаммосининг кескинлашуви каби салбий ҳолатларни юзага келтирмоқда. Мамлакатлар глобал пандемия вақтида ўз иқтисодиёти барқарорлигини сақлаб қолишга уринмоқда. Бу эса Ўзбекистонда ҳам белгиланган сиёсатни изчил давом эттириш заруратини кўрсатмоқда. Бугунги кунда жаҳон амалиётида молиявий маблағларни жалб этишнинг турли хилдаги инновацион манбалари аниқланган. Ўзбекистонда молиявий маблағлар жалб этиш бўйича жаҳон амалиётида аниқланган барча инновацион усулларни қўллаш имкониятлари мавжуд. Мазкур усулларни жорий этиш ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг изчил давом этишини молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Танланган мавзу борасида МДҲ мамлакатлари ва хорижий иқтисодчи олимларнинг, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг ҳам бу борада ўз назарий қарашлари мавжуд. Ф.Б.Шакирова, Н.Рахматов, А.Мирзаев, М.Амонбоев ва бошқаларнинг тадқиқотларида инновацион фаолиятнинг Ўзбекистонда иқтисодиётида ривожлантириш масалалари, йўналишлари ҳамда корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш масалаларига урғу берилган. Лекин айнан инновацион иқтисодий ўсишга эришиш масалалари четда қолиб кетган [2]. Бизнингча, ҳозирги кунда миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш жараёнида инновацияларни кенгроқ қўллаш, инвестициялар орқали инновацион фаолликка эришиш масаласи кўпроқ аҳамиятлидир. Чунки мамлакат инвестицион муҳитини янада яхшилаш орқали инновацион иқтисодий ўсишга эришиш мумкин.

Ғарб тамойилига кўра жамиятдаги муаммолар, масалан, қашшоқлик, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари, иқлим ўзгариши кабиларни ҳал этиш биринчи масала ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳал этишда эса инновацион ғояларнинг ўрни жуда муҳимдир. Келажакда мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланишида айнан мана шу муаммоларни ечишга қаратилган инновацион ғояларни тадбиқ этиш талаб этилади. Ўзбекистон ҳам, шу тариқа, инновацион илғор давлатлар сафига қўшилиш истагида инвестицияларни жалб қилиш орқали иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини ошириши лозим бўлади.

Ўзбекистонда ҳам ҳозирги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда инновация масалаларига эътибор қаратилаяпти. Бу борадаги ишларнинг амалий тасдиғи сифатида 2017 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилганлиги, 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш *йили*”, 2019 йилнинг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” йили бўлганлиги ҳамда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси қабул қилинганлиги инновацион ривожланишга бўлган алоҳида эътибор эканлигидан далолат.

Мамлакатнинг инновацион салоҳияти ёки инновацион имкониятига қараб унинг иқтисодий имкониятларига баҳо бериш мумкин. Инновацион имкониятлар таркибига қуйидагиларни киради:

- ишлаб чиқаришнинг инновацион имконияти
- тармоқнинг инновацион имконияти
- халқнинг инновацион имконияти
- ҳудуднинг инновацион имконияти
- корхонанинг инновацион имконияти
- фаннинг инновацион имконияти

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш учун қуйидаги индикаторларга эга бўлиш зарур:

- ✓ иқтисодий эркинликнинг юқори индекси;
- ✓ таълим ва фан ривожланишининг юқори даражаси;
- ✓ иқтисодиётнинг 4-6 технологик укладга мувофиқ келиши;
- ✓ юқори рақобатбардошли яшаш (ҳаёт) сифати;
- ✓ инсон капиталининг юқори сифати ва қиймати;
- ✓ иқтисодиётнинг юқори рақобатбардошлик даражаси;
- ✓ инновацион корхоналар ва маҳсулотлар улушининг 60-80 фоизини ташкил этиши;
- ✓ паст инфляция даражаси (3 фоизгача);
- ✓ билимлар индустриясининг ривожланиши;
- ✓ қулай тадбиркорлик иқлими;
- ✓ диверсификациялашган иқтисодиёт;
- ✓ инноватор кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш;
- ✓ жозибали инвестиция иқлими;
- ✓ ривожланган, давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган венчур молиялаш тизими;
- ✓ иқтисодий барқарорлик;
- ✓ фундаментал фанлар ривожи ва бошқалар.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш–янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаштириш, тадқиқ этиш ва ташкил қилиш, ишланмалар ва ташкилий жараёнларни, янги турдаги техника ва технологияларни, иш ва хизматларни, шунингдек, бошқарувнинг янги шакл ва услубларини яратиш ва жорий этишга йўналтирилган пул маблағларидан фойдаланишдир. Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг оқилона тизимини яратиш орқали молиявий ресурсларни жамлаш ва уларни инновацион жараёнларнинг устувор соҳаларига йўналтириш имкониятлари пайдо бўлади.

Инновацион жараёнларни молиялаштириш механизми инвестицион ресурсларнинг тақсимланиши ва иқтисодиёт инновацион йўналишга ўтишининг асоси сифатида тартибга солиш вазифасини бажаради. Инновацион жараёнларнинг ажралмас қисми сифатида уларни молиялаштириш механизми доимий равишда

амалга ошириб борилади. Улар икки таркибий қисмга бўлинган ҳолда амалга оширилади. Биринчидан, жараённинг анъанавий функциялари: инвестицион, аналитик, тартибга солиш, консолидация ва назорат қилиш; иккинчидан, интеллектуал капитални фаоллаштириш талабларини ўзига хос тарзда акс эттирувчи махсус билим.

Инновацион жараёнларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизми тузилиши жиҳатидан иккита асосга эга:

- функционал–инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими, инновацион субъектларнинг инвестицияларга бўлган эҳтиёжини қондириш жараёнида молиявий ресурсларнинг ҳаракатланиш шаклларини акс эттирувчи–тор маънодаги инновацион молиялаштиришдир;
- институционал, инвестиция ва ахборот оқимларининг ҳаракатланиш моделлари тўғрисидаги шакли бўлиб, бунда–инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими иқтисодиётни инновацион жараёнлар ва муносабатларнинг воситаси, инвестиция ресурсларини шакллантириш, улардан фойдаланишни тартибга солиш, норматив, ҳуқуқий ҳамда ахборот-аналитик тизимни қўллаб-қувватлашда давлат етакчиси сифатида намоён бўлади.

Бу эса кенг маънода инновацион молиялаштириш жараёнини англатади.

Асосий қисм. Ўзбекистон инновацион соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Илмий-техник кадрларни ривожлантириш даражаси мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. 2017 йилда Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни бажарган тадқиқотчи мутахассислар сони 1 миллион аҳолига ўртача 1000 кишини ташкил этди, бу эса жаҳондаги ўртача даражага мос келади. Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни бажарган ташкилотлар умумий сонида тадбиркорлик сектори улуши 2017 йилда 31,1 фоизни ташкил этган. Қайд этиш жоизки, хусусий нотижорат секторининг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажаришга бўлган қизиқиши ортмоқда. Унинг салмоғи 3,6 баравар ошди ва 2,3 фоизни ташкил этган. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланган харажатларнинг умумий ҳажми 1,3 баравар ошди ва 471 миллиард сўмга етди. Ўзбекистонда илмий-тадқиқот фаолиятида давлат бюджети бундан буён ҳам жиддий роль ўйнайди. Унинг улуши 2017 йилда 56,1 фоизни ташкил этган. Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари аҳамияти бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришнинг иккинчи манбаси ҳисобланади–29,4 фоиз. Охирги ўн йилда реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми 4 баравар ошди ва 18025,9 миллиард сўмга етди. 2017 йилда инновацияларнинг барча турлари учун харажатларнинг умумий ҳажми (технологик, маркетинг ва ташкилий) ўз навбатида тахминан 2,4 баравар ошди ва унинг улуши ЯИМга нисбатан 1,7 фоизни ташкил этган.

Жаҳон мамлакатларини баҳолаш ва уларни инновациялар ривожланиши даражаси бўйича таққослаш учун Корнел университети, INSEAD бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) Глобал инновацион индексни (Global innovation Index) ишлаб чиқди. Охирги эълон қилинган тадқиқотда (Global innovation Index 2018) экспертлар интеллектуал мулк ҳуқуқи учун аризалар сонидан ва яратилган мобил иловалардан бошлаб то таълим учун харажатлар ҳажми ва илмий-техник эълонлар сонигача 80 та турли параметр асосида 126 та мамлакатни баҳолади. Швейцария 1-ўринни, Россия 46-ўринни эгаллади. Хитой йил давомида энг катта сакрашни амалга оширди: мамлакат 22-ўриндан 17-ўринга кўтарилди. Бунда Ўзбекистон 2018 йилги Глобал инновацион индексга киритилмади. Охирги марта мамлакатимиз бу индексда 2015 йилда иштирок этган эди. 2015 йилги индексда Ўзбекистон 141 та мамлакат орасида 122-ўринни эгаллади. Бунда индекс яратиш учун кўриб чиқилган 80 та кўрсаткичдан 39 таси бўйича Ўзбекистонга оид маълумотлар мавжуд эмас эди. Глобал инновацион индексда фойдаланилган методологияга кўра 11 та кўрсаткич бўйича Ўзбекистон энг заиф хусусиятларга эга. Ўз навбатида, Ўзбекистон қуйидаги кўрсаткичлар бўйича юқори ўринларга эга: бизнес ташкил этишнинг оддийлиги (55-ўрин), фаолият кўрсата олмасликни ҳал этишнинг оддийлиги (банкротликни тан олиш) (72-ўрин), ўрта таълимда олимлар ва ўқитувчилар нисбати (47-ўрин), илм-фан ва техника соҳасидаги битирувчилар сони (47-ўрин), капиталнинг ялпи жамланиши (19-ўрин), микромолиявий ташкилотлар кредит портфели (39-ўрин), келиб чиқиши бўйича патент аризалар (48-ўрин), келиб чиқиши бўйича фойдали модел иловаси (24-ўрин), бир кишига ЯИМ ўсиш суръатлари (6-ўрин), яратилган миллий бадиий фильмлар (49-ўрин).

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини инновацион ўстирадиган локомативлар улкан ишлаб чиқариш-техник салоҳиятга эга, бу ерда малакали кадрлар ишлашади, экспорт маҳсулотларининг асосий қисми уларда ишлаб чиқарилади ҳамда уларда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун яхши шарт-шароитлар мавжуд. Улар орасига “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг компанияси, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ, “Ўзбекистан темир йуллари” АЖ, “Ўзбекистон ҳаво йуллари” МАК, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ ва бошқа шу каби йирик корпоратив корхоналарни киритиш мумкин. Аммо кўпчилик фундаментал тадқиқотларнинг ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий этилмаётганлиги, долзарб эмаслигини ҳам қайд этиш лозим.

Юксак тараққий этган давлатлар (Канада, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур) тажрибаси шуни кўрсатдики, давлат асосий эътиборни инвестиция сиёсатини шакллантириш ва миллий иқтисодиётдаги энг асосий корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлайдиган самарали механизмларини яратиш ва муваффақиятга

эришиш учун йирик даражадаги миллий, тармоқ ва ҳудудий инновацион лойиҳаларни амалга оширишга қаратади.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш, инновацион фаолликни таъминлаш албатта осон бўлмаслиги табиий. Чунки дунёнинг тараққий топган мамлакатлари ҳам бу борада узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтгани тарихдан маълум. Биз ҳам ушбу йўлдан борар эканмиз, юзага келиши мумкин бўлган баъзи камчиликлар, қийинчиликлар, жумладан, молиявий воситаларнинг етишмаслиги, малакали инноватор ва венчурист кадрларнинг камлиги, янги техника ва технология ҳақидаги ахборотларнинг етишмаслиги, инновацион маҳсулотлар бозорининг торлиги, янгиликни жорий этиш харажатларининг юқорилиги, корхоналарнинг инновацион тизимга ўтишга тўлиқ тайёр эмаслиги каби ҳолатларни бартараф этиш керак бўлади.

Статистик таҳлилий қисм. Юқоридаги амалий статистик кўрсаткичлар таҳлили инновацион салоҳият ва инновацион фаолиятни ривожланиши паст даражада эканлигини кўрсатмоқда. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ҳозирги молиялаштирилиши илмий-техник ишланмаларнинг зарур катта ўсишини таъминламайди.

Масалан, мамлакатдаги илм-фан молиялаштириш ҳажмлари билан чекланган. Республикада илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш 2017 йилда 70,7 миллион АҚШ долларини ташкил этган. (Швецияда–16,2 миллиард АҚШ доллари, Россияда–39,9 миллиард АҚШ доллари, АҚШда–599 миллиард АҚШ доллари). Таҳлилимиз илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун харажатлар улуши ўсишида унинг ЯИМ ҳажмидаги улуши ўзгармай қолганлигини кўрсатди–яъни, 0,2 фоиз. Бу қийматни етарли деб бўлмайди, чунки ушбу қиймат жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидагидан анча паст (жаҳонда 2-3 фоиз). Бунда ЮНЕСКО ривожланаётган мамлакатларга илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун харажатларни ЯИМга нисбатан 1 фоизга етказишга тавсия қилади.

Инновацияларни жорий этган корхоналар даражаси мамлакатда жаҳондаги баҳоларга нисбатан анча кам–0,34 фоиз (жаҳонда ўртача 40 фоиз). Янги технологияларни тижоратлаштиришдаги қийинчиликлар технологиялар трансферининг ривожланган тизими, тегишли норматив-ҳуқуқий база ҳамда илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги тажрибаси сустлиги билан боғлиқ.

Инновацион ишланмаларга инвестициялар жалб қилиш механизмлари ҳали ҳам такомилига етказилмаган. Жаҳон амалиётида бизнес-инкубаторлар, технопарклар, технологиялар трансфери бўйича агентликлар энг самарали механизмлар ҳисобланади. Республикада бу механизмлар деярли мавжуд эмас, ёки тўлиқ фаолияти йўлга қўйилмаган.

Фикримизча, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда инновацион иқтисодиётга ўтиш ва инновацион фаолликни таъминлаш учун зарур чораларни кўриш лозим. Яъни, Глобал инновацион индексда мавқени яхшилаш учун

Ўзбекистонда индекс кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш методикасини ўрганиб, индекс тузадиган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик механизмлари ишлаб чиқиб ва уларга ахборот бериш жараёнлари йўлга қўйилади. Биринчи навбатда диққат-эътибор аввал индексда маълумотлар мавжуд бўлмаган ва Ўзбекистон паст ўринларни эгаллаган кўрсаткичлар бўйича вазиятни яхшилашга қаратилади.

Хулоса. Шундай қилиб, инновацион фаолият ва фаоллик аниқ мақсадлар, тамойиллар, турли методлар, механизмлар ва ихтисослашган институтлар асосида ишлаб чиқилган инновацион тадбиркорликни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тадбирларининг мувозанатга солинган тизимини акс эттириши лозим. Бозор иқтисодиётини шакллантириш вақтида давлатнинг инновацион тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига аралашуви кучли, қатъий, кенг миқёсларда бўлиши лозим, бозор ислоҳотларининг амалга оширилишига кўра у аста-секин эркинлашиб боради. Давлат томонидан инновацион фаолият инфратузилмасини яратишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш устувор бўлиши лозим:

маҳаллий ишлаб чиқариш томонидан инновацияларнинг “юқори талаблилигини” оширишнинг ташкилий ва иқтисодий механизмларини яратиш, фундаментал фанлар, муҳим амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг жадал ривожланишини таъминлаш;

илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш;

илмий-техник мажмуаларнинг бозор иқтисодиёти шароитларига мослашуви, фан, технология ва техникани ривожлантириш мақсадларида давлат ва хусусий капиталнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

давлатнинг тартибга солиш ва бозор механизмларининг оқилона уйғунлигини, фан, технология ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишда илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни бевосита ва билвосита рағбатлантириш тадбирларини яратиш;

фан ва техника соҳасида олий малакали илмий ва муҳандис ходимларни тайёрлаш тизимини мукаммаллаштириш;

олий мактабнинг илмий-тадқиқот секторини кучайтириш.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль.

2. Ш.Шодмонов, У.Ғофуров. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент: Иқтисод-молия, 2010. 347 бет., Юлдашев Р.З.Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Моногфия. Т.: Иқтисодиёт, 2009. — 93-С., Шакирова Ф. Б. Развитие экономики Узбекистана на основе инновационной деятельности. // Евразийский

международный научноаналитический журнал Проблемы современной экономики, N 3 (55), 2015. // http://www.meconomy.ru/art.php.

3. Рахматова Н, Мирзаев А. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўналишлари// Бозор, пул, кедит. – Тошкент, 2013.-№4(191).–Б.42-44.

4. Амонбоев М. Корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.-Т.: ТДИУ, 2011 йил.-148 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг расмий сайти.

проф. Д.Х. Асланова – проректор СамИЭС
А.Р. Насимов – свободный соискатель СамИЭС

ПРЕДПОСЫЛКИ ФОРМИРОВАНИЯ РЕГИОНАЛЬНОГО ТУРИСТСКОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО КЛАСТЕРА В САМАРКАНДЕ

Аннотация: *В статье научно обоснована значимость формирования регионального туристского образовательного кластера в Самарканде.*

Ключевые слова: *образовательный кластер, туризм, квалифицированные конкурентоспособные кадры.*

Annotation: *The article scientifically substantiates the importance of the formation of a regional tourist educational cluster in Samarkand.*

Key words: *educational cluster, tourism, qualified competitive personnel.*

Аннотация: *Мақолада Самарқандда ҳудудий туристик таълим кластерини шакллатириш аҳамияти илмий асосланган.*

Калит сўзлар: *таълим кластери, туризм, малакали рақобатбардош кадрлар.*

В условиях рыночной экономики особое значение приобретают вопросы практического применения современных форм управления персоналом и подготовки квалифицированных кадров в сфере туризма. Квалифицированные, обученные, мотивированные люди в большей степени определяют успех в бизнесе.

Реализация современной модели профессионального туристского образования в Узбекистане, нацеленной на обеспечение туристской отрасли квалифицированными конкурентоспособными кадрами, сдерживается по ряду причин. Остаются нерешенными проблемы, связанные с качеством подготовки специалистов. Ниже рассмотрим некоторые из них:

✓ При нехватке квалифицированных кадров для туристской индустрии имеет место невостребованности выпускников профильных вузов, из-за отсутствия у них практических навыков и должных знаний по конкретным специализациям. Исследования показывают, что в подавляющем большинстве случаев предприятия (работодатели) ориентируются на подготовленную (имеющую практические навыки) рабочую силу.

✓ В связи с увеличением количества высших и средне-специальных учебных заведений, выпускающих специалистов туристского профиля, возрастает потребность в формировании квалифицированного преподавательского состава, обладающего современными профессиональными знаниями и опытом практической работы в отрасли. В этой связи еще мало привлекаются наиболее подготовленные работники туристской индустрии к проведению мастер-классов, чтению лекций и проведению семинаров, к участию в научно-практических конференциях, научных исследованиях по проблемам туризма, к руководству различного вида практик на предприятиях туризма.

✓ Возрастает потребность учебных заведений в адекватном методическом обеспечении учебного процесса, в освоении инновационных технологий профессионального образования, внедрении методов и средств дистанционного обучения. Отсутствует координация в вопросах обеспечения системы профессионального туристского образования современными учебниками и учебными пособиями, учебными программами по многим дисциплинам. Как правило, программы переподготовки и повышения квалификации специалистов, реализуемые в системе профессионального туристского образования, не дают слушателям необходимых современных практических профессиональных знаний и навыков, носят формальных характер.

✓ Кроме того, не отвечает требованиям участие отраслей экономики в процессах формирования заказов на подготовку кадров в перспективе, разработке квалификационных требований к выпускникам, обеспечении качества подготовки специалистов, необходимых для отрасли. Работодателями не осуществляется системная работа по обеспечению соответствия программ высшего образования требованиям меняющегося рынка труда.

✓ Имеются разрывы в системе взаимосвязи высшее образование - наука - производство, не обеспечена их интеграция. Отсутствие системной подготовки квалифицированных научных и научно-педагогических кадров приводит к снижению научного потенциала высших образовательных учреждений.

✓ Качественно новый уровень развития туризма невозможно обеспечить без соответствующего законодательного сопровождения кадровой политики в туризме и профессиональном туристском образовании, без тесного взаимодействия образовательных учреждений с органами государственной власти, с заинтересованными министерствами и ведомствами, научными организациями, представителями туристкой индустрии (работодателями), региональными государственными структурами.

Специфика туристского образования заключается в его многогранности. Оно готовит кадры разных специальностей и направлений экономического, технического, технологического, управленческого, научного и других профилей. В результате туристское образование представляет собой сложный, постоянно совершенствующийся механизм, позволяющий активно внедрять инновационные

программы для подготовки туристских кадров и использовать зарубежный опыт. В практической подготовке кадров для сферы туризма важную роль играют региональные туристские кластеры, представляющие собой систему, включает в себя разноуровневые профессиональные учебные заведения, предприятия, расположенных в географической близости. В случае отсутствия какого-либо из уровней профессионального туристского образования необходимо его создание как системного элемента, без которого полноценная подготовка профессиональных кадров не может быть обеспечена.

Одним из таких механизмов в развитии системы профессионального образования наиболее важным является кластерный подход на основе взаимодействия, партнерства, сотрудничества, диалога между заинтересованными субъектами: образовательными учреждениями, работодателями, органами управления, общественными организациями. Одной из форм сотрудничества является создание образовательных кластеров в регионах.

Приведем определения образовательного кластера, найденные в источниках:

1. Образовательный инновационный кластер – объединение представителей отрасли: вузов, научно-исследовательских центров, промышленности, посредством создания локальных зон с определенными преференциями, где все участники цепочки от начала разработки до инновационного готового продукта (научные учреждения, маленькие инновационные компании, центры испытаний, центры коллективного пользования дорогостоящим оборудованием, специализированные сертифицированные лаборатории, вузы и центры обучения, поставляющие нужных именно этим компаниям специалистов, патентные конторы) находились бы в постоянном взаимодействии.[1]

2. Образовательный кластер – система обучения, взаимообучения и инструментов самообучения в инновационной цепочке образование – технологии – производство, основанная преимущественно на горизонтальных связях внутри цепочки (построение целостной системы многоуровневой подготовки специалистов для предприятий на основе интеграции образовательного учреждения и предприятий-работодателей, обеспечивающей повышение качества, сокращение сроков подготовки, закрепление выпускников на предприятиях, создание гибкой системы повышения квалификации квалифицированных специалистов предприятиям с учетом текущих и прогнозных требований производства).[2]

3. Научно-образовательный кластер – это единая система непрерывного образования от школы до производства.

[1] Терешин Е. М., Володин В. М. Современная дефиниция понятия «кластер» и подходы к формализации этого явления // Экономические науки. 2010. № 2 (63).

[2] Растворцева С. Н., Череповская Н. А. Идентификация и оценка региональных кластеров // Экономика региона. 2013. № 4. С. 123–133.

4. Под образовательным кластером понимают «соединение работодателя и образовательных учреждений при помощи комплекса сквозных программ».[1]

При формировании модели образовательного кластера, исходя из принципов единства исследовательского, научного, инновационного и образовательного процессов, достигаются следующие цели:

- повышение эффективности и качества образования;
- подготовка высококвалифицированных кадров по заказу работодателей и эффективное использование их по назначению;
- создание крупных программ и проектов образовательного, экономического, социального и технологического характера, активизация научных исследований и инновационной деятельности, а также обеспечение условий и возможностей для их реализации;
- повышение эффективности использования интеллектуальных, материальных и информационных ресурсов при подготовке специалистов и проведении научных исследований по приоритетным направлениям развития образования, науки, культуры, техники и социальной сферы.

В образовательном кластере на условиях партнерства образовательных учреждений, работодателей и органов исполнительной власти, совместного использования научного, образовательного, производственного, ресурсного, инфраструктурного потенциала, привлечения административных ресурсов достигается социально-экономическое развитие территории.

Ш.А.Бахронов– СамИСИ укитувчиси
А.О. Бахоромов– СамИСИталабаси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотатция: *Ҳозирги вақтга келиб, рақамлаштириш ёки ракамли иқтисодиёт орқали биз кўплаб муаммоларни бартараф этишимиз мумкин. Бу маколада эса, хизмат кўрсатиш соҳалари учун бир неча таклифлар ва устунликлар ёритиб берилган.*

Калит сўзлар*: Рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, истеьмолчилар, IT, корхоналар, талаб, таклиф, мижозлар, ҳаридорлар, Омничанел муносабати, Келажак-исботи, вақт-тежовчи, самарали, рақобат бардош, маҳсулот.*

Аннотация*: Сегодня с помощью цифровизации или цифровой экономики мы можем решить множество проблем. В этой статье освещается ряд предложений и преимуществ для сферы услуг.*

Ключевые слова*: Цифровая экономика, цифровизация, потребители, ИТ, предприятия, спрос, предложение, клиенты, покупатели, подход Omnichanel,*

[1] Анисцына Н. Н. Инновационный научно-образовательный кластер как способ организации инновационной деятельности в вузе // Креативная экономика. 2010 № 4 (40). С. 91–97.

ориентированный на будущее, экономящий время, эффективный, конкурентоспособный, продукт.

Abstract: *Nowadays, through digitalization or digital economy, we can solve many problems. This article highlights a number of suggestions and benefits for the service sector.*

Keywords: *Digital economy, digitization, consumers, IT, enterprises, demand, supply, customers, buyers, Omnichanel approach, Future-proof, time-saving, efficient, competitive, product.*

Ҳозирги замонга келиб Ўзбекистон учун Рақамли Иқтисодиёт, давлат ривожланиши учун муҳим омил сифатида ҳизмат қилмоқда. Умуман олганда Рақамлаштириш Ўзбекистондаги барча соҳаларда муҳим рол ўйнай бошлади, ва Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёйев ҳам Давлатимиздаги барча соҳаларда уни жорий қилиш хакида ўзларининг қатор нутқларида ва қарорларида у хакида алохида тўхталиб ўтмоқдалар. Мисол учун Президентимизнинг 28.04.2020 даги“Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4699[1] қарорларида йоки 2018-йил 19-февралдаги “Аҳборот техҳнологиялари ва коммуникатсиялари соҳасини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисда”ги фармонлари[2] давлатимиз учун Рақамли иқтисодиётнинг канчалик муҳимлигини кўрсатади. Шуни таькидлаш лозимки ҳақиқатдан ҳам у кўплаб соҳалардаги муаммолар учун ечим бўлиб келмоқда. Хўш Рақамли иқтисодиёт ва Рақамлаштириш ўзи нима ?

Кўпгина одамлар Ракамли иқтисодиётни эшитишганда, уни Интернетга боғланган иқтисодиёт деб тушунишади, аммо у жуда ҳам кенг тушунча ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт[3] бу – Аҳборот ва коммуникатсия техҳнологияларининг иқтисодиётда кенг қўлланилишидир, ва у ўз ичига Тадбиркорлик соҳаларидаги ҳар ҳил ички амалиётларни ўз ичига олади. Мисол учун корҳоналар орасидаги пул ўтказмалар, одамлар орасидаги пул ўткамалари, йоки сотувчи ва корҳоналарнинг истеьмолчи билан шартномалари ҳамда бошка ҳаракатларни киритишимиз мумкин.Яна бошқача қилиб айтганда у ракамли[4] техҳнологияларга асосланган электрон бизнес ва электрон тижорат билан чамбарчас боғлиқ иқтисодий фаолият ҳамда шу фаолият натижасида ишлаб чиқарилган ва сотиладиган товарлар ва хизматлар йиғиндисидир. Энди эса рақамлаштириш хақида қисқача тўхталиб ўтамиз, Рақамлаштириш бу – ҳаётнинг турли соҳаларида, жумладан иқтисодиёт, таьлимнинг барча босқичлари, маданият, тиббиёт, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларида рақамли техҳнологияларнинг қўлланилишидир.

Бундан 100йил олдин арзон ва қаттиқ пўлатни ишлаб чиқариш иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим рол ўйнагани каби, ҳозида ахборот техҳнологиялари орқали маьлумотларни яратиш, бошқариш, тартибга солиш, узатиш ва сақлаш ҳам иқтисодиётнинг тез ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Шуни таькидлаш керакки, IT хозирги кўпгина истеьмолчиларнинг кир ювиш машиналари,

машиналари, кредит карталари ва саноатдаги компютер билан рақамли бошкариладиган асбоб-ускуналар, роботларда ўз аксини кўрсатади. Дарҳақиқат, 2006-йилда микропротсессорларнинг 70 фоизи компютерларга эмас балки машиналар, самолётларга ўрнатилмоқда. Ушбу IT воситаларни улаш – бу мустаҳкам ва ўсиб бораётган симсиз ва симли телекомуникатсия тармоғини ривожлантиради, бундан ташкари Теҳнология бу барча нарса аммо статик.

У ривожланиши, арзонлашиши, тезлашиши ва яхшиланиши давом этиши сабабли, ташкилот ва корхоналар ҳар куни доимий равишда IT дан унумлирок фойдаланиш йўлларини қидирмоқдалар.Замонавий истеьмолчилар рақамлаштиришнинг уларга олиб келадиган қулайликларни осонгина англайдилар ва уларнинг умидлари шунга мос равишда ривожланиб боради. Энди улар бир неча дақиқада маҳсулот, нархлар ва шарҳларни таққослаб, улардан бирини танлаш имконига эга бўлиш билан бир қаторда ўзларининг саволларига ҳам жавоб олиш имконига эга бўлишади.

Шундай қилиб, корхоналар уларнинг истеьмолчилари ҳоҳишларига мослашишлари учун, корхона томонидан таклиф қилинаётган хизматлар ва тажрибаларни кейинги босқичига ўтишлари керак бўлади. Ижтимоий тармоклар платформалари ҳаридор ёки истеьмолчиларга махсулот ёки хизматларга изоҳ қолдириш ва баҳо кўйиш орқали бу ўтишга ёрдам беради. Аммо бу, факат ўтиш жараёнига ёрдам беради. Шунинг учун корхона йоки ташкилотлар олдинга силжишни давом эттириши, аниқроқ режалар тузиши ва мижозларга ёки истеьмолчиларга хизмат кўрсатиш жараёнини янада соддалаштириши керак. Бундан ташқари корхоналар, ҳар қандай қарама-қаршиликларни бартараф этишлари ва хатоларга йўл қўймасликлари керак, барчаси мижозларни қўллаб-қувватловчи барқарор тизимни ўрнатиши керак.

Таклиф: Таклифим, ҳақиқатдан ҳам барча хизмат кўрсатиш соҳаларида бу ҳаракатларни жорий қилишлари керак. Бунинг оқибатида улар 5та устунликка эга бўлишади.

Биринчидан. Мижозлар билан Омничанел муносбатини ўрнатиш. Истеъмолчилар фойдаланадиган жуда кўп турли хил алоқа каналлари ва қурилмалари билан турли хил мижозлар билан узоқроқ ёзишмалар ва тарихларни кузатиб бориш қийин бўлиши мумкин. Мижозларга хизмат кўрсатишни рақамлаштириш ёрдамида корхоналар мижозларга Омничаннел ёндашувни таклиф қилиш орқали мижозларга (мобил қурилмалар, онлайн каналлар, чақириқ марказлари ва бошқалар орқали) ўзаро алоқалардан барча маълумотларни рўйхатдан ўтказадиган ва сақлайдиган марказлашган тизимни тақдим этишади. Хизмат компанияларни янада кенгроқ соҳаларни қамраб олиши ва қониқишни сақлаб қолиш билан бирга мижозларга кўпроқ ёрдам беришлари мумкин.

Иккинчидан. Янги қоидаларга қарши Келажак-исботи. Анъанавий мижозларга хизмат кўрсатиш усуллари кўпинча ўта мураккаб электрон жадваллар, шакллар ёки назорат рўйхатларидан фойдаланишга тўғри келади, ва ҳар бир янги

тартибга солиш ёки процедура билан ушбу форматларнинг ҳар бирига риоя қилиш янада мураккаблашади. Бу, айниқса, корхона мижозлардан асосий маълумотларни бир неча бор сўраганда, асабийлаштиради. Бундай ёндашув одамларнинг хатолари сабабли хатолик даражаси 70 фоизни ташкил қилиши мумкин, бу эса мижозларнинг ёмон таъсуротига олиб келади.

Рақамлаштириш билан сиз маълумотлар тўплаш ва янги шакллар ва процедураларни тўлдиришда қайта ишлатиш орқали мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг узлуксиз оқимини таъминлашингиз мумкин . Натижада, мижозлар сизга бир хил маълумотни қайта-қайта тақдим этишидан қочасиз. Бу, шунингдек, корхоналарга кўпроқ мижозларнинг эътиборинқозонишга ва қоидаларнинг камайишига имкон беради.

Учинчидан. Вақт-тежовчи ва самарали. Мижозларга қўлда хизмат кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш орқали компания узоқ муддатда вақт ва ресурсларни тежайди . Ушбу жараёнда, янги маҳсулотларнинг янгиликларига ва мавжудларини такомиллаштиришга кўпроқ маблағ сарфлаш учун фойдаланиши мумкин. Бу шуни англатадики, корхоналар ўзларининг мижозлар эҳтиёжини қондириш даражасини сақлаб, шу билан бирга саноатнинг замонавий тенденцияларидан хабардор бўлишлари ва рақобатда фақат олдинда боришлари мумкин.

Тўртинчидан. Рақобатбардош устунликни таъминлайди. Замонавий мижозлар тажрибаси ҳақида гап кетганда статистика юқори даражада ўрнатилади ва мижозлар буни билишади. Рақамли каналларга киришимиз билан биз ўз тажрибамизни турли компаниялар ва иловалар билан таққослашимиз мумкин. Шундай қилиб, ўз жойлари ва рақобатчилар доирасидан ташқарига чиқишни истаган корхоналар ўз мижозларининг ўз бизнеслари билан ўзаро алоқалари тажрибасини яхшилашнинг янги усулларини излашлари керак. Мижозларга хизмат кўрсатишни рақамлаштиришга қадам қўйган ҳолда, сиз ўзингизнинг бизнесингизни соҳангиздаги инновацион куч сифатида намойиш этасиз . Бу сизга тенденциялар ва ўзгаришларга секин мослашувчан компанияларга қарши рақобатбардош устунликни беради.

Бешинчидан. Мижозларнинг таъсуротини кескин яхшиланди. Тижорат мижозларидан сўраган ҳар бир қўшимча саъй-ҳаракатлари билан камбағал тажриба туфайли уларни йўқотиш хавфини туғдиради. Шахсий маълумотлар шаклларини қайта топшириш, уларнинг шахсини юзма-юз текшириш ёки тайинланиш вақтини ўзгартириш, буларнинг барчаси таъсир қилади. Бироқ, рақамлаштириш билан буларнинг барчаси анча содда ва бошқариш осонроқ бўлади. Мижозлар ўзларининг шахсий ҳисоблари ва маълумотларини сақлаш ва янгилаш эркинлигига эга . Шахсий маълумотлар ва тасдиқлаш дастурларидан фойдаланган ҳолда, биз энди юзма-юз маслаҳатлашувларни режалаштиришимиз шарт эмас. Ва ҳатто e-signature(электрон имзо) имкониятларидан фойдаланган ҳолда вақтни тежашимиз мумкин.

Шундай қилиб, Мижозлар бундан бирнеча устунлик ютиши ва корхонанинг ҳам даромади кенгайиб, ҳаражат камайиши таьминланиши мумкин.

Urazov S.Sh. -SamISI “Menejment” kafedrasi assistenti
Vaxobov Z.- SamISI, KMH-118 guruh talabasi
Tugalov E. - SamISI, KMH-118 guruh talabasi

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA KADRLARNI TO’PLASH VA TANLASHNING INNOVATSION YONDASHUVLARI

Annotatsiya. *Maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida kadrlarni to’plash va tanlashning innovatsion yondashuvlari ilmiy jihatdan o’rganilgan. Nomzodlarni jalb qilishda tashkilotlarning afzaliklari va kamchiliklari qiyosiy tahlil qilingan. Kadrlarni tanlashda turlicha yondashuvlar muhokama qilindi.*

Kalit so’zlar: *raqamli iqtisodiyot, innovasiya, kadr, kadrlarni to’plash, kadrlarni tanlash, innovasion yondashuvlar.*

Аннотация. *В статье научно исследуются инновационные подходы к подбору и отбору персонала в условиях цифровой экономики. Проведен сравнительный анализ преимуществ и недостатков организаций при подборе кандидатов. Были обсуждены различные подходы к отбору персонала.*

Ключевые слова. *цифровая экономика, инновации, персонал, набор персонала, подбор персонала, инновационные подходы.*

Annotation: *The article scientifically explores innovative approaches to the selection and selection of personnel in the digital economy. A comparative analysis of the advantages and disadvantages of organizations in the selection of candidates has been carried out. Various approaches to staff selection were discussed.*

Keywords: *digital economy, innovation, personnel, recruitment, recruitment, innovative approaches.*

Zamonaviy korxonalarda boshqaruv samaradorligi birinchi navbatda inson omiliga bog’liq ekanligi barchamizga ma’lum. Biroq, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, iqtisodiyot va jamiyat hayotining turli jabhalarini raqamlashtirish bilan bog’liq sa’y-harakatlar insonning omilini yanada qisqartirishga qaratilmoqda.

Raqqamli iqtisodiyot sharoitda kadrlarni tanlash, yollash va joy-joyiga qo’yishda korxonalar ko’plab muammolarga duch kelmoqda. Chunki mehnat resurslarining ko’pligi, turli kasb va malakaga ega ekanligi hamda biznes muhitining doimiy o’zgarib turishi xodimning muhim bo’lgan jihati – avval nima qilganini emas, balki endi nima qila olishi mumkinligini baholaydi. Bugungi kunda “...lavozimlarga samarali ishni ta’minlaydigan, munosib kadrlarni tanlash bo’yicha oldimizda muhim vazifa turibdi”[1]. Shu ma’noda, kadrlarni tanlash va ishga qabul qilish, boshqarish va salohiyatidan unumli foydalanish jarayonida jahonning turli kompaniyalarida qo’llab kelinayotgan texnologiyalarni tadqiq

[1] Sh. M. Mirziyoyev 2016 yil yakunlari bo’yicha Oliy Majlisga Murojaatnomasi.

etib, ulardan milliy iqtisodiyotimizda foydalanish yo'nalishlarini o'rganish dolzarb masala bo'lib qolmoqda.

Bugungi kunda ish beruvchilar xodimlarni tanlashda muammolarga tobora ko'proq duch kelmoqda. Muammo shundan iboratki, talabgorlarga ko'pincha kerakli malaka, ishga va jamoaga tez va oson kirishib ketish imkonini beradigan bilimlar, ko'nikmalar va tajriba yo'q. Oxir-oqibat ish beruvchi ishga bo'sh o'rin uchun belgilangan talablarga ko'proq mos keladigan xodimni ishga oladi, keyin esa uni moslashtirish va o'qitishga yana ko'p vaqtni sarflashga to'g'ri keladi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasida "Biz yangi ish o'rinlarini yaratadigan tadbirkorlarni har tamonlama qo'llab-quvvatlashimiz, ta'bir joiz bo'lsa, ularni yelkamizda ko'tarishimiz kerak" deb iste'dodli kadrlar masalasiga yetarlicha tuxtalib utdilar. Bunda kadrlar tayyorlash tizimida milliy malaka tizimi ishlab chiqilishi va ushbu tizimda 9 mingga yaqin kasblar bo'yicha kadrlar tayyorlash imkoniyatlari haqida ta'kidlab o'tdilar.

Ko'plab mahalliy olimlarimiz va tadqiqotchilarning asarlari kadrlarni tanlash va to'plash usullari bo'yicha ilmiy asoslash muammolariga bag'ishlangan bo'lib, ular orasida Shoyusupova N. T. [1] boshqaruvchi kadrlarni tanlab olish, nomzodga qo'yish va joylashtirishning asosiy mexanizmlarini ishlab chiqgan. Barcha tashkilotlarda ma'lum darajada yangi kadrlarga ehtiyoj seziladi, ular zarur bilimlar va ko'nikmalarga (malakaga), ijobiy shaxsiy va ish fazilatlariga ega bo'lgan nomzodlami izlash va tanlab olish vazifasini hal qiladi.

Kadrlarni jalb qilishdagi dastlabki holat muayyan lavozimlarga va ish joylariga vakansiyalarning paydo bo'lishi hisoblanadi, bunday vakansiyalar xodimlarning ishdan ketishi, xodimlaming ishga ko'milib ketganligi, ulaming, masalan, tashkilotfaoliyatida yangi yo'nalish ochilganligi munosabati bilan boshqa ish joyiga o'tkazilishi tufayli yuzaga kelishi murnkin.

Kadrlarni jalb qilishda turlicha yondashuvlar qo'llanilishi mumkin. Jumladan:

1. **O'z kadrlariga tayanish,** tashkilot qadariyatlariga xayrixoh bo'lgan manfaatdor xodimlarni tashkilot ichida harakatlantirish. Asosiy motivastion omil-xizmatda o'sish;

2. **Turli darajadagi kadrlarni**-oddiy xodimlardan tortib rahbarlargacha-tashkilot tashqarisidan **jalb qilish.** Bu yerda asosiy motivatsion omil-ish haqining yakka tartibdagi natijalar va malakaga bog'liqligi.

3. **Doimiy xodimlar va vaqtincha jalb qilinadigan xodimlar o'rtasida maqbul uyg'unlikni saqlab turish.** Bunday yondashuv mavsumiy ishlar bilan bog'liq tashkilotlarga, shuningdek ish yuki bir tekis taqsimlanmagan tashkilotlarga yoki loyihalar bo'yicha ishlaydigan tashkilotlarga ko'proq mos keladi.

[1] Sh. M. Mirziyoyev 2020 yil yakunlari bo'yicha Oliy Majlisga Murojaatnomasi

[1] Shoyusupova N. T – Kadrlar menejmenti. Toshkent-2016. 92-bet.

Korxonalaming yangi xodimlami tanlash borasidagi strategiyadan ko’zlagan maqsad biznesga eng iqtidorli va qobiliyatli mutaxassislami jalb qilishdan iborat. Masalan, “BAT O’zbekiston” kompaniyasining xodimlami tanlash borasidagi asosiy maqsadi-80 foiz bo’sh menejerlik o’rinlarini kompaniyaning ichidagi xodimlar hisobidan, 20 foizini tashqaridan tanlash hisobidan to’ldirishdan iborat. Bunday yondashuv kompaniya tomonidan tayyorlangan “British Amerikan Tobakko” faoliyati sohasida chuqur bilimlarga ega bo’lgan kuchli kadrlar tarkibini boshqa kompaniyalar tajribali menejerlar olib kelgan yangi g’oyalar oqimi bilan uzviy bog’lashni kafolatlaydi. Kompaniya yangi xodimni ishga qabul qilishda eng iqtidorli nomzodlarni tanlashga intiladi. Kundalik iste’mol mollarini ishlab chiqaruvchi yirik kompaniyalardan (FMCG) keladigan mutaxassislarga, shuningdek nafaqat bo’sh o’rin talablariga mos keladigan, balki «British Amerikan Tobakko»ni rivojlantirish salohiyatiga ega bo’lgan nomzodlarni tanlaydi.

“BAT O’zbekiston”dagi bo’sh o’rinlar uchun nomzodlarni tanlash jarayoni quyidagi bosqichlami o’z ichiga oladi:

1. Rezyumeni sinchiklab tahlil qilish mazkur bo’sh o’ringa eng ko’p mos keladigan nomzodlarni tanlash imkoniyatini beradi. Kompaniya nomzodlardan o’z ish maqsadlarini ilova xatida yoki rezyumening o’zida ko’rsatishni so’raydi.
2. Testdan o’tkazish, nomzodning menejerlik salohiyatini baholash markazlari, imitastion o’yinlar va boshqa hammaga ma’lum usullar nomzodning texnik bilimlari hamda ko’nikmalarini, shuningdek uning boshqarish qobiliyatlarini aniqlash imkonini beradi.
3. Xodimlar bilan ishlash bo’limi xodimlari bilan suhbat. Suhbatdan ko’zlangan maqsad nomzodning kasbiy va shaxsiy sifatlarini baholash, shuningdek kompaniya to’g’risida qisqa hikoya qilib berish va nomzodning savollariga javob qaytarishdan iborat.
4. Bo’lim boshlig’i bilan suhbat nomzodning aniq faoliyat sohasidagi qobiliyatlarini aniqlash imkonini beradi.
5. Ijobiy qaror nomzod tanlovning barcha bosqichlaridan muvaffaqiyatli o’tgan taqdirdagina qabul qilinadi.

Tanlovning odatdagi jarayoni-suhbatlashish. Suhbatlashish orqali uning malakasi haqidagi va boshqa ma’lumotlar aniqlanadi, nomzod shaxsi haqida tasavvur hosil qilinadi. Ish xarakteriga qarab nomzodga test yoki bir nechta testlardan o‘tish taklif qilinadi. Suhbatdan so‘ng ular bilan bevosita boshliq tanishib, rahbariyat bilan kelishgan holda eng kerakli xodimni tanlab oladi. Shunday qilib, nomzod unga taklif qilingan shartlarga ko‘nganda va haqiqatan ham berilgan ma’lumotlarga mos kelganda, talabgorlarni izlash va o‘rganish jarayoni tugallangan hisoblanadi.

Nomzodlarni jalb qilishda tashkilot bir qancha qulayliklar va kamchiliklarga ega bo‘lgan qator usullarni qo‘llashi mumkin:

1-jadval

Manbalar	Afzalliklar	Kamchiliklar
Ichki	Xizmatchilar amalga oshirilgan imkoniyatlarning namunasini ko‘radi. Muvaffaqiyatli ishning rag‘batlantirishning eng samarali usullaridan foydalaniladi. Kompaniya o‘zi biladigan xizmatchilar bilan ishlashda davom etadi. Ishga olishdagi moliyaviy xarajatlar kamayadi	Murakkab shaxsiy munosabatlar paydo bo‘lish xavfi mavjud. Turg‘unlikka olib keluvchi “oilalilik” yuzaga keladi. Uning sobiq hamkasblari tomonidan hasad va salbiy munosabat yuzaga kelishi mumkin
Tashqi	Ko‘p sonli nomzodlar orasidan tanlab olish imkoniyati mavjud. Yangicha ish yuritish g‘oya va usullari paydo bo‘ladi	Yangi xizmatchining uzoq vaqt moslashishi lozimligi. Oldindan ishlayotganlar orasida ma’naviy-ruhiy iqlimning yomonlashishi mumkinligi

Xulosa qilib shuni aytish joizki, zamonaviy kompaniyalarda olib borilayotgan kadrlar siyosatining mohiyati qisqartirilgan ish vaqti yoki vaqtincha ishga qo‘llash amaliyotini qo‘llashdan iborat bo‘lmoqda. Inson resurslarini samarali boshqarishda xodimlarni to‘g‘ri tanlash va yollash katta ahamiyatga ega.

Yangi xodimning samarali ish bajarishi uchun tashkilotda ularni o‘qitish va malakasini oshirish dasturlari amalga oshiriladi. Ilgari kadrlar bilan ishlash faqat ish kuchini to‘plash va tanlash tadbirlari bilan chegaralanar edi. Boshqaruv ishi yaxshi yo‘lga qo‘yilgan zamonaviy tashkilotlar kerakli kishilarni to‘plash faqat boshlash deb hisoblaydi. Tashkilotlarning moddiy resurslari qiymati vaqt o‘tishi bilan amortizatsiya hisobiga kamayib borsa, inson resurslari qiymati ortishi mumkin va zarur. Shunday qilib, tashkilotning hamda xodimlarning shaxsiy farovonligi uchun ham rahbariyat doimo kadrlar imkoniyatlarini har tomonlama o‘stirish ustida ish olib borish lozim.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida kadrlarni to’plash va tanlashning innovatsion yondashuvlarini o’rganish jarayonida quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

- yangilanishni o’zining majburiyatlarini sitqidildan bajaruvchi ishchilarni bo’shatish usuli sifatida tushunmaslik lozim
- rahbar va mutaxasislarni boshqa lavozimlarda ishlashi uchun ularning manfaatlarini va imkoniyatlarini hisobga olishi lozim
- xodimlar tamonidan oldingi ish joyida to’plangan boshqaruv tajribalarini yangi lavozimlarda qo’llash uchun imkoniyatlarni yaratib berilishi lozim

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Sh. M. Mirziyoyev 2020 yil yakunlari bo’yicha Oliy Majlisga Murojaatnomasi
2. Shoyusupova N. T - Kadrlar menejmenti. Toshkent-2016
3. Г.К.Абдурахманова. Меҳнат иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: Инновацион ривожаниш нашриёт-матбаа уйи. 2020.-138 б.
4. Долженкова Ю.В. Основы рекрутмента: монография АТИСО, 2011
5. Клюева Н. В., Башкин М. В., Карпов А. В. Технологии управление развитием персонала. - М.: Проспект, 2016

6. https://ijiemr.org/public/uploads/paper/826441615552879
7. http://lex.uz - O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi
8. http://www.gov.uz - O‘zbekiston Respublikasining Hukumat portali.

проф. Д.Х. Асланова – проректор СамИЭС
А.Р. Насимов – свободный соискатель СамИЭС

СТРУКТУРА РЕГИОНАЛЬНОГО ТУРИСТСКОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО КЛАСТЕРА САМАРКАНДА

Аннотация: *В статье раскрыта значимость формирования и организационная структура регионального туристского образовательного кластера Самарканде.*

Ключевые слова: *образовательный кластер, туризм, высшие учебные заведения, сотрудничество, конкурентоспособность.*

Аннотация: *Мақолада Самарқандда ҳудудий туристик кластерни шакллантириш аҳамияти ва унинг ташкилий тузилмаси очиб берилган.*

Калит сўзлар: *таълим кластери, туризм, олий таълим муассалалари, ҳамкорлик, рақобатбардошлик.*

Annotation: *The article reveals the significance of the formation and organizational structure of the regional tourist educational cluster in Samarkand.*

Keywords: *educational cluster, tourism, higher education institutions, cooperation, competitiveness.*

Формирование регионального туристского образовательного кластера начинается с определения структуры и границы его функционирования.

В состав туристского образовательного кластера должны войти все учреждения образования – от общеобразовательных школ до высших учебных заведений (рис.-1.). Основные задачи этих образовательных учреждений в составе регионального туристского образовательного кластера – повышение качества подготовки кадров для сферы туризма: повышение кадрового потенциала в школах региона, учащихся профильных образовательных учреждений региона и студентов высших учебных заведений.

В рамках туристского образовательного кластера будет организовано сотрудничество образовательных учреждений с предприятиями туристской отрасли, что позволит учитывать практический аспект образовательного процесса, а также привлекать к процессу обучения специалистов, которые могут помочь приобрести обучающемуся новые умения и навыки.

Межотраслевой и межведомственный характер образовательного кластера предполагает вхождение в его состав учреждений следующих типов:

– органов власти (региональных, муниципальных), курирующих вопросы соответствующих экономических отраслей и образования (Хокимият

Самаркандской области, Департамент по развитию туризма Самаркандской области);



1-рис. Структура туристского образовательного кластера Самаркандской области

– образовательных учреждений, профильных для отраслевых видов деятельности (Самаркандский институт экономики и сервиса, Самаркандский государственный университет, Самаркандский филиал Ташкентского университета информационных технологий, Самаркандский государственный архитектурно

строительный институт, Самаркандский государственный институт иностранных языков);

– «опорных» организаций (коммерческих структур), являющихся крупными работодателями в данных сферах экономической деятельности;

– некоммерческих профессиональных структур, объединений, ассоциаций, осуществляющих деятельность в профильных направлениях;

– коммерческих организаций, фондов и др., осуществляющих поддержку развития соответствующих отраслей экономики.

Особое внимание при формировании туристского образовательного кластера необходимо уделять взаимосвязям между его субъектами. В предложенной нами структуре главным инструментом взаимосвязей между элементами кластера служит информационная база. Она создаётся на основе системного подхода накопления, обработки и передачи по определённым каналам, в определённом объёме информации, в зависимости от доступа к информационной базе субъектов кластера.

Перспективы развития сферы туризма, а также связанных с ними кадровых потребностей, а также имеющийся потенциал и ресурсы, для развития сферы туризма в Самаркандской области, позволяет сделать вывод о своевременности и актуальности развития предлагаемого кластерного подхода сотрудничества для повышения качества образования в системе туризма.

Решение задачи создания в Самаркандской области регионального туристского образовательного кластера выдвигает на первый план вопросы качества кадров и наличия у них требующихся профессиональных компетенций.

Достижение данной цели возможно только с использованием системного подхода к процессу образования. Поэтому крайне важной является реализация мероприятий, направленных на становление специалиста на каждом этапе его обучения от системы среднего общего образования до послевузовского.

В состав регионального туристского образовательного кластера должны войти все учреждения образования – от школы до высших учебных заведений. Основные задачи этих образовательных учреждений в составе регионального туристского образовательного кластера – повышение качества подготовки кадров для сферы туризма: повышение кадрового потенциала в школах региона, учащихся профильных образовательных учреждений региона и студентов высших учебных заведений.

В рамках регионального туристского образовательного кластера повысится эффективность координации и взаимодействия между участниками образовательного процесса: общего и среднего профессионального образования, высшего образования и профильных научных институтов, научной и образовательной сферы с туристским бизнесом с целью обеспечения качественной подготовки различных категорий персонала, в т. ч. для органов управления туризмом.

Все субъекты, входящие в кластер, преследуют определенные интересы.

Для органов власти и управления региона предметом интереса являются:

– рост налоговых поступлений в бюджетную систему (рост числа налогоплательщиков и налогооблагаемой базы); - появление новых форм взаимодействия с бизнесом на основе принципов государственно-частного партнерства;

– появление реальных условий для диверсификации экономического роста в регионе;

– социально-политическая значимость: туристский кластер как форма социальных обязательств перед населением;

– способность реально эффективно управлять социально- экономическими процессами в туристской сфере региона.

Для предпринимательского сектора предметом интереса являются;

– активное продвижения на новых рынках и упрочнения позиций на старых;

– появление новых хозяйствующих субъектов предпринимательского сектора;

– рост конкурентных сил и деловой активности предпринимательского сектора;

– содействие выходу предприятий на внешние рынки и реализации коллективных маркетинговых проектов.

Для научно образовательных учреждений предметом интереса являются:

– подготовка высококвалифицированных специалистов для сферы туризма на основе развития сотрудничества образовательными учреждениями, наукой и производством;

– взаимодействие учебных заведений с научными центрами для повышения уровня подготовки персонала;

– доступ к иностранным партнерам, с которыми возможны реализация совместных научных программ, обмен студентами и организация стажировок;

– возможности проведения научных исследований и трансфера технологий.

Для финансовых учреждений (банков, фондов) участие в региональный туристский образовательный даст возможность удовлетворить следующие интересы:

– увеличение продаж и покупок акций финансовых учреждений;

– увеличение частных инвестиций в создание новых компаний;

– использованию оборотных средств предприятий;

– увеличение лизинговых операций;

– возврат инвестиций с процентами.

Интересами предприятий туризма являются:

– создание для туристских фирм и предприятий туристской инфраструктуры необходимых товаров и услуг;

– увеличение объёмов целенаправленных заказов;

– создание брендовых товаров и услуг, необходимых на рынке.

Для организаций сферы аттракций создается возможность удовлетворить следующие интересы:

– создание новых, необходимых направлений, видов туристских продуктов и услуг;

– увеличение количества туристов, продаж.

Деятельность регионального туристского образовательного кластера должна координироваться специальным Советом. Целью Координационного совета является создание условий для успешной работы регионального туристского образовательного кластера. В рамках Совета решаются вопросы формирования условий для продвижения турпродукта области, выхода на новые ниши рынка, налаживания долговременных связей с наиболее перспективными партнерами, максимизация прибыли, получение дополнительной маркетинговой информации, стимулирование наиболее перспективных направлений бизнеса.

Банк по своему определению должен являться одним из наиболее надежных институтов общества, представляет основу стабильности экономической системы. При этом профессиональное управление банковскими рисками, оперативная идентификация и учет факторов риска в повседневной деятельности приобретают первостепенное значение. Современный банковский рынок немыслим без риска. Риск присутствует в любой операции, только он может быть разных масштабов и по-разному "смягчаться", компенсироваться. Было бы в высшей степени наивным искать варианты осуществления банковских операций, которые бы полностью исключали риск и заранее гарантировали бы определенный финансовый результат.

Управление рисками является основным в банковском деле. Особого внимания заслуживает процесс управления кредитным риском, потому что от его качества зависит успех работы банка. В исследовании риска целесообразно разграничить два ключевых направления -распознавание и оценка уровня риска и

принятие решений в области риска. В процессе своей деятельности банки сталкиваются с совокупностью различных видов рисков, отличающихся между собой местом и временем возникновения, внешними и внутренними факторами, влияющими на их уровень, и, следовательно, на способы их анализа и методы их описания. Под банковскими рисками принято понимать вероятность, а точнее угрозу потери банком части своих ресурсов, недополучению доходов или произведения дополнительных расходов в результате осуществления определенных финансовых операций. Стремление коммерческих банков получить прибыль, как правило, ставит их перед необходимостью принять на себя определенные риски.

Существует зависимость между степенью риска и уровнем ожидаемого банком дохода. Чем выше степень риска, тем больший доход может получить банк. Но при этом, чем выше уровень ожидаемого дохода, тем меньше шансов его получить, и наоборот, шансы получения дохода велики, когда его ожидаемый уровень не высок. Современный рынок банковских услуг, достаточно часто подвергающийся кризисным явлениям, наглядно иллюстрирует актуальность рассматриваемого вопроса. Все банковские риски по факторам возникновения бывают или политические, или экономические. Политические риски - риски, обусловленные изменением политической обстановки, отрицательно влияющей на результаты деятельности предприятий (военные действия на территории страны, закрытие границ, запрет на вывоз или ввоз товаров и т.д.). Экономические риски - риски, обусловленные неблагоприятными изменениями в экономике страны или в экономике самого банка или страны в целом. Они могут быть представлены изменением конъюнктуры рынка, уровня управления и т.д. Эти основные виды рисков связаны между собой, и на практике их часто трудно разделить.

Эффективность организации управления банковскими рисками во многом зависит не только от четкой их формулировки, но и научно обоснованного разграничения на конкретные группы и виды по определенным признакам. Научно обоснованная классификация банковских рисков позволяет определить место каждого из них в общей системе. Она создает возможности для эффективного применения соответствующих методов и приемов управления ими.

Для банковской сферы характерны следующие виды риска: кредитный риск, валютный риск, рыночный риск, риск, связанный с процентной ставкой, риск ликвидности, операционный риск, юридический риск и риск, связанный с репутацией. Рациональнее всего классифицировать банковские риски по наиболее существенным признакам и уже в зависимости от выделенных признаков разбивать их на отдельные категории, группы, подгруппы, виды и разновидности.

Процентный риск возникает из-за колебаний процентных ставок, а это приводит к изменению затрат на выплату процентов или доходов на инвестиции, а значит изменяется величина прибыли (или потере) по сравнению с ожидаемой. С этим видом рисков, как правило, сталкиваются банки, страховые и инвестиционные

компании, а так же нефинансовые предприятия, которые занимают средства или вкладывают их в активы, приносящие проценты (государственные ценные бумаги, облигации предприятий и т.д.). Часто займы и капиталовложения осуществляются по плавающей процентной ставке, это значит, что подлежащие уплате или получению проценты периодически пересматриваются и выплачиваются в соответствии с текущей рыночной ставкой. Так же процентная ставка может быть фиксированной. Это значит, что выплачивается постоянный процент, а рыночная стоимость таких вложений колеблется в зависимости от текущей процентной ставки и, как и в случае с плавающей ставкой, приносит инвестору прибыль на капитал или убыток.

Операционный риск — риск возникновения убытков в результате несоответствия характеру и масштабам деятельности кредитной организации и (или) требованиям действующего законодательства внутренних порядков и процедур проведения банковских операций и других сделок, их нарушения служащими кредитной организации и (или) иными лицами (вследствие некомпетентности, непреднамеренных или умышленных действий или бездействия), несоразмерности (недостаточности) функциональных возможностей (характеристик) применяемых кредитной организацией информационных, технологических и других систем и (или) их отказов (нарушений функционирования), а также в результате воздействия внешних событий.

Валютный риск — риск убытков вследствие неблагоприятного изменения курсов иностранных валют и (или) драгоценных металлов Во внешнеторговых операциях — опасность валютных потерь, связанных с изменением курса валюты платежа. Убытки экспортёра связаны с понижением курса валюты платежа. Убытки импортёра связаны с повышением курса валюты платежа. Валютный риск представляет собой риск потерь в связи с неблагоприятным для финансового института изменением курсов валют. При этом структура инвестиционного портфеля может состоять из различных финансовых инструментов разных стран. В этом случае институциональный инвестор подвержен не только ценовому риску выбранного инструмента (например, акции), но и валютному риску базовой валюты своей страны к валюте, в которой деноминирован инвестиционный инструмент.

Фондовый риск - риск потерь из-за негативных последствий изменений на рынке акций, включая:

- изменения цен на акции; - изменения волатильности цен на акции;
- изменения во взаимоотношении цены на различные акции или индексы акций;
- изменения в размере выплат дивидендов.

Кредитный риск банка можно определить как максимально ожидаемый убыток, который может произойти с заданной вероятностью в течение определенного периода времени в результате уменьшения стоимости кредитного

портфеля, в связи с частичной или полной неплатежеспособностью заемщиков к моменту погашению кредита.

Надежность банка мы определили как его способность выполнить взятые на себя обязательства на определенную дату . Очевидно, что надежность банка связана с его устойчивостью к воздействию различных негативных факторов.

В настоящее время в Узбекистане действует 31 коммерческий банк, 13 из них имеют государственную долю в уставном капитале, 16 являются частными банками или банками с участием иностранного капитала. Прежде всего необходима регулярная оценка деятельности коммерческих банков, которая отражала бы позитивные изменения, происходящие в сфере, оценивала эффективность реформ и трансформационных процессов. Центр экономических исследований и реформ при администрации Президента Республики Узбекистан (ЦЭИР) разработал - «Индекс активности банков». Представленный центром «Индекс активности банков» за май 2020-го состоит из двух компонентов: индексы финансового посредничества и доступности, а также финансовой устойчивости банков.

Динамика ликвидности банковского сектора Узбекистана [2]		
Наименование показателя	**01.04.2020 г.**	**01.04.2021 г.**
Высоколиквидные активы ***(млрд. сум)***	32 608	49 640
Отношение высоколиквидных активов к совокупным активам,%	11,3%	13,8%
Коэффициент покрытия ликвидности *(мин. значение 100%)*	189,8%	152,0%
Коэффициент чистого стабильного финансирования *(мин. значение 100%)*	109,2%	111,8%
Коэффициент мгновенной ликвидности *(мин. значение 25%)*	48,7%	71,6%

Данные показывают о повышении ликвидности в банковской системе Узбекистана, что говорит о создании благоприятных условий в экономике, а также решения проблем управления рисками.

С учетом проблем в банковской сфере, определенных в Стратегии реформирования банковской системы, первым субиндексом рассчитан индекс финансового посредничества и доступности, при определении которого особое внимание уделялось соотношению сберегательных и срочных депозитов реального сектора экономики к общей сумме кредитов, доле средств других банков и финансовых учреждений в совокупных обязательствах и роли государственных средств в формировании активов банков. В этой связи, мы считаем, что необходимо сделать упор на количественные оценки финансовой устойчивости банков. Предлагается использовать следующие группы показателей:

- показатели оценки капитала, включающие показатели оценки достаточности и качества капитала;

- показатели оценки активов, включающие показатели качества ссуд и активов, размера резервов на потери по ссудам и иным активам, концентрации рисков по активам;

- показатели оценки качества управления банком, его операциями и рисками, включающие показатели прозрачности структуры собственности, организации систем управления рисками и службы внутреннего контроля;

- показатели оценки доходности, включающие показатели рентабельности активов и капитала, структуры доходов и расходов, доходности отдельных видов операций,

- показатели оценки ликвидности, включающая показатели ликвидности активов, ликвидности и структуры обязательств, общей ликвидности банка, риска на крупных кредиторов и вкладчиков.

Таким образом, необходимость обеспечения финансовой устойчивости банков является залогом сокращения и возможностью уменьшения их рисков., причем для банковской системы Узбекистана очень важным является опыт крупных международных банков в данном направлении.

Список использованной литературы:

1. Стратегия реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы.- www. Uza. Uz.
2. https: // cbu. uz/ru/statictics/bankstats

Т.Б.Имомқулов – ТошДИУ “Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиси

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: *Мақолада инвеститция фаолиятни самарали амалга оширишда молиявий тартибга солувчи механизмларини жорий этиш акс эттирилган. Мамлакатмизда асосий капиталга хорижий инвеститцияларни жалб қилишни замонавий усуллар жорий этишни ривожлантириш зарурияти мақолада ўз аксини топган.*

Калит сўзлар: *Иқтисодиёт**,** инвеститция, капитал, корхона, молиялаштириш, банк, кредит, солиқ, қимматли қоғозлар, валюта, молиявий механизм.*

Аннотация: *В статье отражено внедрение механизмов финансового регулирования в эффективное осуществление инвестиционной деятельности. В статье отражена необходимость разработки внедрения современных методов привлечения иностранных инвестиций в основной капитал в нашей стране.*

Ключевые слова: *Экономика, инвестиции, капитал, предприятие, финансирование, банковское дело, кредит, налоги, ценные бумаги, валюта, финансовый механизм**.***

Annotation*: The article reflects the introduction of financial regulatory mechanisms in the effective implementation of investment activities. The need to develop the introduction of modern methods of attracting foreign investment in fixed assets in our country is reflected in this article.*

Key words: *Economy, investment, capital, enterprise, financing, banking, credit, tax, securities, currency, financial mechanism.*

Жаҳон амалиёти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, фаол инвестиция сиёсатининг юритилиши ва шунга мос равишда ҳудуддаги мавжуд инвестиция салоҳиятидан унумли фойдаланилиши ҳар қандай давлат иқтисодиётининг барқарор ўсишига хизмат қилади. Мамлакатимизда инвестиция фаолиятини молиявий тартибга солиш бугунги куннинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда хўжалик субъектлари фаолиятидаги инвестицион капитал қўйилмалар хўжаликни ривожлантиришга қаратилган самарали воситадир. Шунинг учун, инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш жараёни Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегиясида акс этган тартибга солишнинг молиявий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ҳамда устувор соҳаларни ривожлантиришга ёндашган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши Ўзбекистонда инвестиция салоҳиятини молиявий қуллаб-қувватлаш учун тўғридан-тўғри инвестициялар фаолиятини шакллантириш ва инвестиция салоҳиятини фаолиятни оширишнинг илмий асосларини такомил-лаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикасида мамлакатимизда инвестицион фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Шундай муаммолардан бири бўлиб, олинадиган инвеститция ресурсларидан минтақавий ва корпоратив даражаларда самарасиз фойдаланиш хамда инвеститцион потенсиалга эришиш учун инвеститцион фаолиятни молиялаштиришни тартибга солувчи усулларнинг мавжуд эмаслиги,солиққа тортиш жараёнидаги камчиликлар, давлатнинг инвестицион дастурлврни амалга ошириш сиёсатидаги позитцияси ва солиқ-божхона қонунчиликдаги юкламалар мухим муоммолардан бўлиб қолмоқда.

Инвестицион фаолиятни молиявий механизмни такомиллаштиришдаги ёндашувлар иқтисоднинг динамик ривожланишига қараб унинг эгилувчанлигини оширишга ёрдам беради. Асосий эътибор хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатини оширишга, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишни тўхтатиб турувчи бозордан ташқаридаги жараёнларни тартибга солишнишига қаратилиши муҳимдир. Инвестицион фаолиятни самарали тартибга солиш мақсадида манфаатлар келишувини таъминловчи ички ва ташқи омилларни

ўзаро мувофиқлаштиришга чақириш муҳимдир. Категория сифатида **“механизм”** атамаси иқтисодий қонунлар ва тамойиллар ишлашининг объективлиги билан боғлиқ бўлиб, унинг асоси ва моҳиятини ташкил этади ҳамда инвестицион фаолиятни тартибга солишдаги ҳаракатлар табиатини белгилайдиган натижаларга эришишдаги восита ҳисобланади. Инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизми категорияси моҳиятини тўлиқ очиб беришда унинг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизмининг шаклланиш даврлари жадвалда келтирилган.

Инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизмининг бозор муносабатларига ўтгандан кейинги шаклланиш босқичлари

Босқичлар	**Мазмуни**
I босқич 1991-1996 йиллар	Иқтисодий ислоҳотлар натижасида ташкилотларнинг инвестицион фаолият юритиш соҳасидаги ҳуқуқларининг кенгайиши. Бу даврда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида сезиларли ўзгариш юз бермади. Капитал давлат эгалик ҳуқуқидан чиқарилиб, хусусий ва бошқа шаклларга берилди.
II босқич 1997 йилдан 2005 йилгача	Инвестицион фаолиятнинг номарказлашган шаклларига ҳамда институционал ўзгаришларига асос солиниши натижасида турли шаклдаги ташкилотлар ўз маблағларини инвестиция қилишда мустақилликка эришди. Ишлаб чиқариш соҳасидан инвестицион ресурслар номоддий ишлаб чиқариш ҳамда тижорат ва молиявий хизматларга киритила бошланди.
III босқич 2006 йилдан 2010 йилгача	Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг инвестицион статусидаги ўзгаришлар, мулкка эгалик қилиш шаклларидан қатъий назар инвестициялар таркибидаги ўзгаришлар кузатилди. Инвестициялар эркин иқтисодий зоналарга йўналтирилди.
IV босқич 2011 йилдан 2016 йилгача	Нафақат турли манбаларни, балки ташкилотларнинг илмий-техник базаларини бошқариш учун тегишли шароитлар яраталди. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестициялашнинг тамоман янги механизми шакллантирилди.
2017 йилдан ҳозирги вақтгача	Ўзбекистон иқтисодини мувозанатлаштириш шароитида инвестицион фаолиятни фаоллаштириш ва унинг кейинги барқарор ривожланиши давом этмоқда. Ташкилотларнинг инновацион-инвестицион фаолияти ривожлантирилмоқда. Қайта ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга хорижий инвестициялар жалб этилмоқда. 2017-2021 йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг давлат дастури доирасида 2030 йилгача инновацион-инвестицион оқимлари келишининг устувор йўналишлари белгиланди.

Молиявий тартибга солиш механизми корхоналарнинг инновацион ва инвестиция салоҳиятини оширишга, мавжуд инновацион-инвестиция ресурслардан самарали фойдаланилишига йўналтирилиши керак.

Бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг ўхшаш молиявий механизмларини яратиш ва фаолият юритишининг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг ривожланиш стратегиясини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда ҳукуматнинг ўрни жуда катта. Давлатнинг диққат марказида ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал

қилиш, самарали иқтисодиётни яратиш, инновацион салоҳиятни ривожлантириш учун молиявий тизимни шакллантириш каби масалалар ечими мавжуд бўлмаса инвеститциялар харакатини ривожлантириш мумкин эмас.

Корхоналарнинг инновацион-инвестициявий фаолиятини тартибга солишнинг молиявий механизмини шакллантириш жараёнида давлатнинг мутаносиб ва пухта ўйланган молиявий сиёсати, шубҳасиз, иқтисодиётда молиявий-бозор воситаларининг роли ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради, бу инвестиция капиталидан ҳам маълум бир ҳудуд даражасида, ҳам бутун мамлакат даражасида самарали фойдаланиш учун янги имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда 2005-2019 йилларда асосий капиталга инвестициялар (млрд. сўм)[1]



Давлат ривожланиш дастурига киритилган йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида йиллар давомида асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда. Республикада ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2019 йилда 195,9 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса, 2018 йилга нисбатан 157,0 фоизни ташкил этди. 2018 йилда эса, ушбу кўрсаткич 124,2 млрд. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 270,0 фоиз асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Ушбу гистограмма маълумотларига асосланиб, асосий капиталга инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда инвестицияларнинг ўсиш суръати йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 7,1 фоизга кўтарилган ва 37,1 фоизни ташкил этган (ушбу кўрсаткич 2010 йилда 24,6 фоизга тенг бўлган). Айни пайтда Қозоғистонда асосий капиталга инвестицияларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 14,0 фоизни, Россияда 23 фоизни ташкил этган.[2]

[1] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments
[2] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments

Инвеститция фаолиятини молиявий тартибга солишдаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш, хорижий инвестиция оқимларининг ўсишида халқаро молия институтлари қарзлари доирасида импорт алоқаларни қайд этиш тартибини соддалаштирилиши, саноат корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта таъминлаш, солиқ юкининг пасайтирилиши, маҳсулот тақсимлаш тўғрисидаги битимнинг қўлланилиши, шунингдек, хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномаларини тузиш йўли орқали орқали молиявий барқарорликка эришиш зарурлигини келтириб чиқаради. Шу сабабдан мамлакат инвеститцион тараққиѐтини таъминлаш учун инвестиция фаолиятини молиявий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириш орқали инвестиция фаолиятини молиялаштиришни тартибга солиш мумкин:

- инвестиция фаолиятининг молиявий тартибга солишда солиқларнинг тортилишини назоратини ошириш зарур;
- ички ва ташқи инвестицияларнинг саноат корхоналари инвестиция фаолиятини амалга оширишда тўғридан-тўғри иштирокини ошириш лозим;
- инвестиция фаолиятининг молиявий тартибга солиш учун зарурий молиявий ва номолиявий инстурментларни фонд бозори механизмларини орқали татбиқ этиш зарур;
- мамлакатимизга ички ва ташки инвестицияларни жалб этишда иқтисодий аҳволи ва имкониятлар, молиявий потенсиали тўғрисида аниқ ахборот ва маълумотлар олиш имкониятини яратиш лозим.

С.Р. Бобокулов – Банк-молия академияси ИББ-2 гуруҳи тингловчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ИНВЕСТИТЦИЯ ФАЛИЯТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Аннотация: *Ушбу мақолада коронавирус пандемияси сўнг тижорат банкларининг инвестиция моделлаштириш фаолияти ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, банкларнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилиб, уларни бартараф этиш қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *Банк инвестицияси, инвестицион кредит, фоиз ставкаси, валюта курси, ялпи ички маҳсулот.*

Аннотация: *В статье анализируется инвестиционная деятельность коммерческих банков и факторы, влияющие на нее после пандемии коронавируса. Также были изучены проблемы, связанные с осуществлением инвестиционной деятельности банков, и разработаны предложения по их решению.*

Ключевые слова: *банковские инвестиции, инвестиционный заем, процентная ставка, обменный курс, валовой внутренний продукт.*

Abstract: *This article analyzes the investment activities of commercial banks and the factors influencing it after the coronavirus pandemic. Also, the problems related to*

the implementation of investment activities of banks were studied and proposals were developed to address them.

Keywords: *bank investment, investment loan, interest rate, exchange rate, gross domestic product.*

Кириш. Коронавирус пандемияси дунё иқтисодиётини карахт ҳолга келтириб қўйди. Карантин туфайли давлатлар ўртасида, ҳаттоки, уларнинг ичида иқтисодий алоқалар кескин узилди. Кўпчилик компаниялар, биринчи навбатда, авиакомпаниялар, транспорт ва туризм соҳасидаги бизнес субъектлари, меҳмонхоналар, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари чакана савдоси, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар зарар кўрди. Молия бозорларида қимматли қоғозлар индекслари тушиб кетди, экспорт ва импорт ҳажми қисқарди, хом ашё товарларининг нархи пасайди, давлат бюджетига тушумлар камайди, муддали ўтган қарздорликлар ҳажми кескин ошиб кетди. Бундай шароитда тижорат банклари катта босим остида қолмоқда. Чунки кўпчилик бизнес субъектлари банклар олдидаги мажбуриятларини бажара олмаяпти, банклар кредитлар ва уларнинг фоизларини муддати узайтириб бермоқда. Айниқса, ривожланаѐтган давлатларда миллий валюталар девальвацияси эса банкларнинг молиявий салоҳиятини янада пасайтириб юбормоқда.

Мамлакатимизда банк тизимининг молиявий баркарорлигини янада ошириш. тикорат банкларининг капиталлашув даражасини ўстириш билан бир каторда уларнинг инвестициявий фаолиятини ошириш масаласига хам катта эътибор каратилмокда. Стратегик мухим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтириладиган кредитлар хажмини кўпайтириш оркали ички манбалар ҳисобидан иктисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик кайта жиҳозлаш масалалари ўз ечимини топмокда. Тижорат банклари томонидан фойда солиғи узок муддатли инвестицион кредитларнинг банк кредит портфелидаги улушидан келиб чиккан холда табакалаштирилган ставкалар бўйича тўланиши жорий килиниши тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини оширишга хизмат килмокда.

1-чизма

30 фоиздан 40 фоизгача	→	**Белгиланган ставкасининг микдорида 80 солик фоизи**
40 фоиздан 50 фоизгача	→	**Белгиланган ставкасининг микдорида 75 солик фоизи**
50 фоиздан юкори	→	**Белгиланган ставкасининг микдорида 70 солик фоизи**

Мамлакатимиз инвестицион лойиҳалар бозорини такомиллаштириш ва рақобатни ошириш суръатларининг нисбатан пастлиги, инвестицион лойихаларни баҳолашнинг самарали усулининг банкларда мавжуд эмаслиги, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боглик актив инвестицион фаолияти даражаси пастлиги каби муаммоларнинг мавжудлиги бир қатор дастурларининг ишлаб чиқилишига сабаб бўлди:

2019 йилнннг 1 ноябрь холатига тижорат банклари балансига 171 та корхона кабул килинган булиб, ушбу корхоналарни модернизация килиш, техник ва технологик жихатдан кайта жихозлаш максадлари учун тижорат банклари томонидан 460,7 млрд сумлнк инвестициялар киритиши натижасида фаолияти тикланган даврдан бошлаб бугунги кунга камазкур корхоналар томонидан 2,4 трлн сумдан ортик махсулот ишлаб чикарњлган булиб, 669,2 млн АКШ доллари мињдоридаги махсулот экспорт килинган. Бунга иктисодий ночор корхоналар негизида ташкил этилган янги корхоналарнинг активларини бошкариш максадида ТИФ Миллий банки томонидан — «НБУ Инвест Груттп», «НБУ Инвестменг»; Асака банк томонидан — «Асака Инвестмент»; Агробанк томонидан — «Агро Инвест Рекавери»; Узсаноаткурлишбанк томонидан —«ПСБ Индастриал Инвестмент» бошкарувчи компаниялари хамда алохида таркибий булинмалар ташкил этилганлиги ижобий таъсир этган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кўрсаткичлари[1]

Кўрсаткичлар номи	1.01.2018		1.01.2019		1.01.2020	
	млрд.сўм	*улуши фоизда*	*млрд.сўм*	*улуши фоизда*	*млрд.сўм*	*улуши фоизда*
Инвестиция ва бошқа қимматли қоғозлар	1 648,6	1,0	2 277,0	1,1	3 157,0	1,2
Кредит қўйилмалари	108 467,2	65,1	164 670,1	76,8	207 646,3	76,1
Жами активлари	**166 631,8**	**100,0**	**214 419,6**	**100,0**	**272 726,9**	**100,0**

Банкларнинг жами активлари таркибида инвестиция ва бошқа қимматли қоғозларга қўйган маблағлари 1,1-1,2 фоизни ташкил этмоқда.

Бу эса, банкларнинг ушбу йўналишда инвестиция фаолияти жуда сустлигини кўрсатади. Бунга бир қатор сабаблар бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: - республикамиз молия бозорида ликвидли қимматли қоғозлар тури ва ҳажми камдир; - инфляция даражаси ва миллий валюта курси девальвация даражасининг

нисбатан юқорилиги. 2018 йилда инфляция даражаси 14,3 фоиз бўлса, 2019 йилда 15,2 фоиз бўлган.

Фақатгина 2019 йил давомида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси йил бошига нисбатан 13,9 фоизга қадрсизланди (8341 сўм/долл.дан 9501 сўм/долл.гача) ; - тижорат банкларининг корхоналарга инвестиция қилишида чекловларнинг мавжудлиги. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонуннинг 7-моддасида "Банкларга юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади" деб қўйилган.

Бу чеклов қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятларига нисбатан тадбиқ этилмайди дейилган.

Хулоса ва таклифлар. Пандемия шароитида тижорат банклари инвестиция фаолиятини доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик: - пандемия шароитида тижорат банклари молиявий ресурсларини дастлаб корхоналар фаолиятини қайта тиклашга йўналтиради;

тижорат банктарининг инвестициявий фаолиятини янада такомиллаштириш учун банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш; банк хизматларининг янги турларини жорий этиш;

Марказий банкининг очик бозор операцияларини ривожлантириш; тижорат банкларига аукцион ва танлов савдолари оркали сотиладиган иктисодий ночор корхоналарни танлаш мезонларига узгартиришлар киритиш;

молия-саноат гурухларини шакллантириш оркали банк ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш; тижорат банклари карамогида мустакил фаолият юритувчи инвестицион лойихаларни молиялаштириш марказларини ташкил этиш лозим.

Адабиётлар:

1. Байдаулет, Е.А. (2019) Исломий молия асослари / Е.А. Байдаулет. – Тошкент: «O,,zbekiston» НМИУ, 9-бет.

2. Мусаев Р.А., Магомедова Ю.Д. (2018) Исламские финансовые институты в условиях глобализации. Баку-2018. Издателстьво филиала МГУ им М.В.Ломоносова в г.Баку. Стр. 58, 112.

3. Тобиасом Адрианом ва Адитья Нараин (2020) Обеспечение безопасности банковской системы в условиях кризиса COVID-19. https://blogs.imf.org/2020/03/31/maintaining-banking-system-safety-amid-the-covid19-crisis/

4. Тобиас Адриан и Фабио Наталуччи (2020) Кризис COVID-19 создает угрозу финансовой стабильности. https://www.imf.org/ru/News/Articles/2020/04/14/blog-gfsrcovid-19-crisis-poses-threat-to-financial-stability

IV ШЎЪБА. “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ МУҲИТИДА ТУРИЗМ, БУХГАЛТЕРИЯ, БАНК, МОЛИЯВИЙ ВА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ”

Р.М.Гайбуллаев - СамИСИ профессори, и.ф.д.

ТАДБИРКОРЛИК ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ РАҚОБАТДОШЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация: *Мақолада тадбиркорлик тузилмаларининг четга маҳсулот чиқариш борасида дуч келаётган муаммолари, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва маҳаллий бозорни ўрганиш, корхоналар маҳсулоти рақобатбардошлигидаги мавжуд муаммолар ва улар ечимидаги ёндошишлар, экспорт стратегияси ва бошқалар кўрсатиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *тадбиркорлик субъектлари; маҳсулот рақобатбардошлиги, маркетинг тадқиқотлари; маҳсулот экспорти, бозорни ўрганиш.*

Аннотация: *В статье описаны проблемы, с которыми сталкиваются бизнес-структуры в области экспорта, маркетинговых исследований и изучения местного рынка, существующие проблемы конкурентоспособности продукции предприятий и подходы к их решению, экспортные стратегии и многое другое.*

Ключевые слова: *субъекты предпринимательства, конкурентоспособность продукции, маркетинговые исследования; экспорт продукции, исследование рынка.*

Abstract: *The article describes the problems faced by business structures in the field of export, marketing research and study of the local market, the existing problems in the competitiveness of enterprises' products and approaches to solving them, export strategies and more.*

Keywords: *business entities; product competitiveness, marketing research; product export, market research.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш ва амалга ошаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган Фармони [1] ҳамда 2019 йилни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинганлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор даражада ривожлантиришни мамлакат иқтисодий ҳаётида давр тақозасига айлантирди.

Олиб борилаётган ишлар асносида ҳамда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳатларда республика ички бозорини маҳаллий товарлар билан тўлдириш, жаҳон бозорига товарлар экспорт қилиш сиёсати ҳам афзал ўринга қўйилган. Шу мақсадда, хорижий инвестициялар биринчи навбатда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга хизмат қиладиган агросаноат комплексини ривожлантириш, саноатнинг устувор тармоқларини, хусусан ёқилғи-энергетика мажмуасини жадал ривожлантириш, иқтисодиётнинг илмталаб соҳаларида янги

қувватларни барпо этиш, ҳозир ишлаб турган корхоналарни янгилаш, республиканинг импортга қарамлигини камайтириш, республиканинг экспорт имкониятларини кучайтириш, маҳсулотларнинг рақобатдошлигини кўтариш, экспортда машинасозлик ва кимё саноати маҳсулотлари, ҳиссасини кўпайтириш, хом ашё экспортидан тайёр маҳсулотлар экспортига ўтиш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, қадимги ҳунармандлик ва анъанавий касб-корларни тиклаш, Марказий Осиё бозорини ривожлантиришда иштирок этиш, минтақадаги корхоналарнинг ҳамкорлиги учун иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни ҳамкорликда яратиш йўналишларида сарфланмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда бозор тадқиқотларини олиб боришни, назаримизда, ўзаро қарама-қарши бўлган 2 йўналишга ажратиш мумкин. Биринчи йўналиш, маҳаллий корхоналарнинг ўз товарларини фақат экспорт қилишнинг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш. Мантиқ жиҳатдан бу жуда ҳам оддий: ташқи бозорда рақобатчилар кўп ва уларнинг аксарият кўпчилиги маркетинг борасида жуда жиддий тадқиқотлар олиб боради. Ички бозор масаласида эса, товарлар етишмовчилиги, суст рақобатчилар мавжудлиги сабаб, чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш зарурияти сезилмайди.

Иккинчи йўналиш эса маҳаллий бозорни ўрганишга қаратилиши лозим, чунки, бизнинг корхоналаримиз молиявий маблағлар, юқори малакали мутахассислар, бозорлар тўғрисида ахборотларнинг етишмовчилиги сабаб самарали экспорт маркетинги тадқиқотларини ўтказишга қодир эмасдирлар.

Маҳаллий корхоналаримиз ташқи бозорга энг аввало, эркин муомаладаги валюта олиш мақсадида чиқадилар. Уларнинг ташқи бозорни ўрганишлари асосан хом ашё экспорти ёки халқ истеъмоли товарларини четга чиқариш билан боғлиқ ёндошувидан иборат бўлади. Бу йўналишдаги биринчи қадамлар албатта, муаффақият қозониб боради ва уларда муайян манфаатлар ўйғотади, чунки, рақобат бу борада унчалик ўткир эмас, муҳими ўз мамлакатидаги рақобатчилардан ортда қолмаслиги зарур. Фақатгина бир қанча вақт ўтгандан сўнггина, бизнинг тадбиркорлар шуни тушунадиларки, экспортнинг бу бўғини бошқа илғор тадбиркор-рақобатчилар томонидан манфаатсиз экспорт сифатида воз кечилган ва улар ҳозирги шароитда истиқболлироқ бўлган ишлаб чиқариш ва илмий ёндошишни талаб этувчи маҳсулотларни сотиш соҳасида банддирлар.

Тадбиркорларимиз шундай экспорт бўғинида иш олиб бормоқдаки, бу албатта ривожланаётган мамлакатларга хос ёндошишдир. Экспорт соҳасида давлат томонидан тартибга солишларнинг сусайиши оқибатида (Ўзбекистонда бу ҳолат айниқса, мустақиллик йилларининг биринчи йилларидан то 1997 йилгача кузатилди), улар ташқи иқтисодий фаолиятда кўр-кўрона катта ён беришлар ва ўз товарларига арзон нарх белгилашлар эвазига четга маҳсулотлар чиқардилар. Бу айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан тамаки хом ашёлари ва ҳакозоларда яққол кўринди. Буни албатта, маркетинг соҳасида тажрибасизлик ва

касбий ёндошувларнинг етишмовчилиги билан изоҳлаш мумкин.

Кўпгина ҳолларда, экспортчи корхоналар ва воситачиларнинг ғирром тижорат амалиёти фақатгина уларнинг ўзига эмас, балки республика иқтисодиётига ҳам зарар келтиради. Шунинг учун, халқаро савдо қоидаларини бузганлик учун товар экспорт қилувчи субъектларга қаттиқ жавобгарлик меъёрларини киритиш зарур. Шу билан бирга, демпингга қарши ҳолатлар қўзғатилган товарлар гуруҳига ташқи тижорат операцияларида махсус давлат назоратини мунтазам олиб борилиши лозим.

Қатор тадбиркорлар четга маҳсулот чиқариш бўйича қўшма тадбиркорлик шартномаларида чет эллик шерикларини бу ишда тажрибалироқ ҳисоблаб, уларга маркетинг стратегияси, экспорт дастури ва режаларини ишлаб чиқишни топширадилар. Кўзланган мақсад ҳам аниқ: жаҳон бозорида барқарор ўринга эга бўлган чет эл фирмаларининг яратган маркетинг имкониятларидан фойдаланиш. Аммо, бундай чекланишлар тадбиркорларга анчагина қимматга тушиши мумкин. Маълумки, маркетинг тадқиқотларига валютадаги фойданинг анчагина қисми тўланиши лозим. Бундан ташқари, қўшма корхонадаги иштирокчиликдан фойданинг мувофиқ улуши ҳам чегараланади. Шу билан бирга, бу ҳолатдаги танланган стратегия ҳамма вақт ҳам кам-кўстсиз бўла олмаслиги мумкин ва жаҳон бозорида кейинчалик мазкур экспорт маҳсулотларини олиб-сотарлигига йўл қўйиб берилади ва бу ҳолат халқаро бозорда муайян товар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан зарурий тижорат обрўсини келтирмайди.

Натижада, маҳаллий тадбиркорлар чет эл фирмалари томонидан ўтказилган маркетинг тадқиқотларининг якуний хулосаларига эга бўлган ҳолда, кўплаб зарурий ахборот манбаларидан маҳрум бўладилар ва бу соҳадаги янгиликлардан хабардор бўла олмасликлари сабаб чет эл компанияларига боғлиқ бўлиб қоладилар. Шундан келиб чиқиб фикрлаш мумкинки, маҳаллий тадбиркорлар ва чет эл фирмаларининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда биргаликдаги фаолиятлари муаммолар ечими бўла олиши мумкин.

Тадбиркорлар ички бозоримизда ҳам маркетинг тадқиқотларини ўтказишда бундан кам бўлмаган хавфга дуч келишлари мумкин. Маҳаллий тадбиркорлар ички бозордаги аҳвол билан танишлиги сабаб, рақобат борасида таваккалчилик камроқ деб биладилар. Бундай фикрлашлар қобиғида ўралашиб қолиш ҳам халқаро бозор тадқиқотларининг асосий йўналишларини ўрганишларига имкон бермайди.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, маркетинг тадқиқотлари бўйича ички ва ташқи муаммоларнинг ечимида ягона ёндошиш, яъни уларнинг узвий ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб товар экспорти стратегияларини ишлаб чиқиш зарурдир.

Бу борада ривожланган мамлакатлар иш тажрибасига эътибор қаратиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Масалан, ГДРда 80-йиллар маркетинг соҳасида иш билан банд бўлганлар сони қишлоқ хўжалигида, қурилишда ва транспортда банд бўлганларнинг жаъмисидан ҳам кўпроқ эди. Европанинг кўпгина мамлакатларида

маркетинг соҳасида меҳнат ресурсларига доимий талаб бўлиб туради. Бу мамлакатлар маркетинг тадқиқотлари мутахассислари тайёрлашга жуда кўплаб маблағлар ажратадилар, ривожланган маркетинг инфратузилмасига эгадирлар.

Корхоналар маҳсулотларининг рақобатдошлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири - бу товарлар таннархини камайтириб бориш экан, уларнинг бу борадаги стратегиясининг бир унсури сифатида тўғридан-тўғри харидорлар билан ишлаш ва тайёр маҳсулотни қайта сотувчилардан воз кечиш механизмини ишлаб чиқишдир.

Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган корхоналар ўз фирма дўконларини очадилар. Натижада, корхона фойдасининг бир қисмига илгари қайта сотувчилар эга бўлган бўлсалар, энди у бевосита ўз эгасида қолади. Бу билан корхонада бозорни бевосита ўрганишга, унинг конъюкнтурасининг мумкин бўлган ўзгаришларини башорат қилишга имконият пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланитиришини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар тамонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони –Т.: 2016 йил 5 октябрь, ПФ-4848-сон.

2. Гайбуллаев Р.М. Тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Ташкент: Фан, 2004. 193 бет.

3. Курпаяниди К.И. Некоторые вопросы конкурентных преимуществ предприятий малого бизнеса // Актуалные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2013. - №2.

Ф.У.Турсунов – СамИСИ, “Менежмент” кафедраси мудири, и.ф.н.

РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Аннотация: *Мақолада рақамли платформаларнинг ривожланиши, ҳар бир рақамли платформанинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги ўрганилган.*

Калит сўзлар: *Рақамли платформа, инновация, интернет, капиталлашув, тарнсформация.*

Аннотация: *В статье исследуется развитие цифровых платформ, каждая цифровая платформа имеет свои особенности.*

Ключевые слова: *Цифровая платформа, инновации, интернет, капитализация, трансформация.*

Abstract: *The article examines the development of digital platforms, each digital platform has its own characteristics.*

Key words: *Digital platform, innovation, internet, capitalization, transformation.*

Замонавий технологиялар ва платформалар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек,

ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлди.

Мамлакат миқёсида ҳудуд ва тармоқларни трансформация қилиш, рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот коммуникацион технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079 сонли фармони қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сон қарорида 2023-йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини икки бараварга кўпайтириш белгиланган бўлиб, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш масалалари қўйилган.

Бугунги кунда рақамли платформаларнинг тулиқ имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш устувор вазифалардан биридир. Ҳар бир рақамли платформанинг ўзига хос хусусиятларидан самарали фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнларини тезлаштириш, бозорларда юқори самарадорликка ва меҳнат унумдорлигининг кескин ошишига эришиш мумкин.

Рақамли платформа – корхоналар ва аҳолига турли хил бозор хизматларини кўрсатувчи рақамли иқтисодиётнинг янги бизнес модели бўлиб, барқарор ядро ва ўзгарувчан муҳитдан ташкил топган тизимдир. Платформа ишлаш жараёнида бир нечта қизиқувчи гуруҳларни бирлаштиради, платформада тақдим этилаётган маҳсулот ёки хизматнинг фойдалилигига қараб иштирокчилар сони ҳам кўпайади. Платформа барча томонларнинг манфаатларини ифодаловчи воситачи вазифасини бажаради.

Рақамли технологиялар ўз навбатида маълумотларни бирхиллаштиришга, таҳрир қилиш, тарқатиш ва ўз-ўзига мос ёзувларга мослаштиришга келтиради.

The Center for Global Enterprise маркази маълумотларига кўра, бажариладиган функцияларига қараб рақамли платформаларнинг тўртта асосий тури мавжуд:

Турли хил ташкилотлар ва шахслар гуруҳлари ўртасида операцияларни амалга оширишга имкон берувчи транзакция платформалари. Мисол учун Uber, Amazon, eBay компанияларини келтириш мумкин.

Инновацион платформалар технологик блоклардан ташкил топган бўлиб, улар асосида кўплаб инноваторлар қўшимча маҳсулот ва хизматларни яратади. Бу инноваторлар сафига бутун дунё бўйлаб ҳар қайдай киши кириши мумкин. Улар биргаликда платформа экотизимининг бир қисмидир. Натижада, бундай

платформалар инноватцияларни ривожлантиришни рағбатлантириш хусусиятига эгадир. Мисол учун Android, IOS, Linux компанияларини келтириш мумкин.

Фаол инвесторлар ёки холдинг компаниялари сифатида фаолият юритувчи, инвестиция воситаларини яратган ва, ушбу функцияларни бирлаштирган ташкилотлардан ташкил топган инвестиция платформаси. Энг машҳурларидан бири Kickstarter компанияси ҳисобланади.

Агарда совдо платформаларини ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинганга бутун дунёда онлайн-сотуб олувчиларни барқарор ўсаётганлигини кузатиш мумкин. Уларнинг сони 2014 йилга келиб 36 фоизга ошган (1 Жадвал).

Бозор капиталлашуви бўйича 15 та оммавий интернет компанияларнинг 1995-2015 йиллардаги фаолияти.

1 Жадвал

№	1995	Капиталлашув, млрд долл.	2015	Капиталлашув, млрд долл.
1	Netscape	5,42	Apple	763,57
2	Apple	3,92	Google	373,44
3	Axel Springer	2,32	Alibaba	232,76
4	RentPath	1,56	Facebook	226,01
5	Web.com	0,98	Amazon.com	199,14
6	PSINet	0,74	Tencent	190,11
7	Netcom On-Line	0,4	eBay	72,55
8	IAC/ Interactive	0,33	Baidu China	71,58
9	Copart	0,33	Priceline Group	62,65
10	Wavo Corporation	0,2	Uber	51
11	iStar Internet	0,17	Salesforce.com	49,17
12	Firefox Communication	0,16	JD.com	47,71
13	Storage Computer Corp.	0,1	Yahoo!	40,81
14	Live Microsystems	0,09	Netflix	37,7
15	iLive	0,06	Airbnb	25

URL: https://data.oecd.org

Рақамли платформани ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун ишлаб чиқувчилар бундай тизимларга хос бўлган парадоксларни ҳисобга олишлари керак. Мумкин бўлган барча ўзгаришларга энг катта мослашувчанликни кўрсатган субъектлар рақобатдош устунликларга эга бўлишади ва рақамли платформаларнинг функционал имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлари мумкин. Шу сабабли, бугунги куннинг асосий вазифалари, биринчи навбатда, рақамли платформалар

билан боғлиқ бўлган асосий ахборот ресурсларини тартибга солиш; миллий маълумотлар тизимини яратиш, шунингдек рақамли трансформация ва давлат хизматларини кўрсатишда мотивация тизимини яратиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079 сонли фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сон қарори.

3. Гулямов С. Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётнинг инновацион технологиялари самарадорлигини ошириш.Тошкент давлат иқтисодиёт университети. ГСС илмий мактаб 7.02.2020 й

4. Купревич Т.С. Цифровые платформы в мировой экономике: современные тенденции и направления развития. Економічний вісник університету 2018. Випуск No 37/1

Ш.А.Бахронов – СамИСИ, ўқитувчиси

SAMARQAND VILOYATIDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNING RIVOJLANISH TENDENTSIYALARI

Аннотация: *маколада бугунги кунда .кичик тадбиркорликни ташкил килиш, ривожланитириш ва юритиш. Кичик бизнесни усиш суръатлари ўрганиб чиқилган булиб, хозирги пайтда жуда кўп кичик бизнес субъеклари фаолият юритмасдан кун кўришни ёки хисобот тақдим этишдаги яшириш ва қўшиб кўрсатишлар хам йўқ эмас.мақолади самарқанд вилояти кичик бизнес субъектларини тахлил қилинган.*

Калит сўзлар: *тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик кичик усиш суръатлари*

Аннотация: *В статье рассказывается об организации, развитии и ведении малого бизнеса сегодня. Темпы роста малого бизнеса изучены, и в настоящее время существует множество малых предприятий, которые не работают, нет скрытия и добавления в отчетности или отчетности.В статье анализируется малый бизнес в Самаркандской области.*

Ключевые слова: *Темпы роста малого предпринимательства, семейного бизнеса*

Annotation: *The article describes the organization, development and conduct of small business today. The growth rate of small business has been studied, and at present there are many small businesses that do not operate, there is no hiding and adding in the reporting or reporting. The article analyzes small businesses in Samarkand region*

Key words: *Entrepreneurship, family business small growth rates*

Iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha eng ko‘p kichik korxona va mikrofirmalar savdoda 3713 ta, sanoatda 1549 ta, qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligida 1255 ta, qurilishda 393 ta, yashash va ovqatlanishda 815 ta, tashish va saqlashda 160 ta tashkil etilgan. 2020- yilning yanvar-dekabr oylarida hududlar bo‘yicha yangi tashkil etilgan kichik korxona va mikrofirmalarning jamiga nisbatan eng ko‘p ulushi Samarqand shahri – 26,4 %, Pastdarg‘om tumani – 8,1 %, Samarqand tumani - 8,0 %, Urgut tumani –7,9 %, Ishtixon tumani –5,9 %, Kattaqo‘rg‘on tumani – 5,5 %, Payariq tumani – 4,9 %, Toyloq tumani – 4,6 % hissalariga to‘g‘ri keldi

2020–yilning yanvar-dekabrida iqtisodiy faoliyatturlari bo‘yicha yangi tashkil etilgan kichik korxona va mikrofirmalarningeng ko‘p salmog‘i, birlikda: 2020- yilning yanvar – dekabrida yangi tashkil etilgan kichik korxonava mikrofirmalarning eng ko‘pi Viloyat bo‘yicha Samarqand shahrida–2 282 tani tashkil etdi.



2020- yil yanvar-dekabr oylarida faoliyat yuritayotgan kichik tadbirkorlik subektlarining soni har **1000** aholiga nisbatan 11,8 birlikni tashkil etadi. 2020- yilning yanvar-dekabrida kichik tadbirkorlik subyektlarining soni har 1000 aholiga hududlar bo‘yicha eng yuqori ko‘rsatkich Samarqand shahrida 18,5 birlik, Payariq tumani 13,8 birlik Kattaqo‘rg‘on shahrida 12,7 birlik, Bulung’ur va Samarqand tumanlarida 12,4 birlik, Nurobod tumanida, 11,1 birlik, Ishtixon tumanida 11,8 birlik, birlikni tashkil etgan. Narpay tumanida esa ushbu ko‘rsatkich eng past bo‘lib, 7,0 birlikka to‘g‘ri keldi. 2020-yilning yanvar-dekabrida kichik tadbirkorlik subyektlarining soni har 1000 aholiga tuman va shaharlar bo‘yicha eng yuqori ko‘rsatkich Samarqand shahrida 4,1 birlik, Kattaqo‘rg‘on shahrida 3,7 birlik, Samarqand tumanida 2,7 birlik, Jomboy tumanida 2,2 birlik, Oqdaryo tumanida 2,1 birlik, Ishtixon, Toyloq va Bulung‘ur tumanlarida 2,0 birlik, Pastdarg‘om va Nurobod tumanlarida 1,9 birlik, Qo‘shrabot tumanida 1,8 birlik, Kattaqo‘rg‘on, Payariq va Paxtachi tumanlarida esa 1,7 birlikni tashkil etdi.

Kichik tadbirkorlikning YaHMdagi ulushini pasayish dinamikasi, yanvar-dekabr holatiga ko‘ra, %da

2020- yilning yanvar-dekabrida kichik tadbirkorlikning YaHMdagi ulushi 73,9 %ni tashkil qildi. (2019- yilning yanvar-dekabrida 74,0 %).

YaHMning o‘tgan yilga nisbatan pasayishi yirik korxonalar ulushining oshishi bilan izohlanadi.



2020- yilning yanvar-dekabrida kichik tadbirkorlikning hududlar kesimida iqtisodiyotning asosiy tarmoqlaridagi ulushi, (%) da

	Sanoat	Qurilish	Xizmatlar	Investitsiya
Samarqand viloyati	**45,5**	**86,8**	**69,1**	**71,6**
shaharlar:				
Samarqand sh.	30,2	80,2	59,7	65,3
Kattaqo'rg'on sh.	52,5	90,8	82,8	78,3
tumanlar:				
Oqdaryo tumani	99,4	100,0	82,8	60,5
Bulung'ur tumani	96,1	71,4	77,2	57,5
Jomboy tumani	30,7	100,0	77,9	61,8
Ishtixon tumani	26,5	100,0	79,0	80,5
Kattaqo'rg'on tumani	50,0	100,0	80,9	75,5
Qo'shrabot tumani	100,0	100,0	84,3	62,7
Narpay tumani	9,1	100,0	82,5	74,0
Payariq tumani	48,4	100,0	77,6	88,5
Pastdarg'om tumani	65,9	62,4	73,4	88,8
Paxtachi tumani	91,0	84,9	77,0	55,5
Samarqand tumani	71,2	94,5	83,2	82,0
Nurobod tumani	100,0	100,0	75,2	76,8
Urgut tumani	81,9	100,0	63,5	98,8
Toyloq tumani	38,0	67,4	84,4	81,0

2020- yil yanvar-dekabr oylarida kichik biznes subyektlari mahsulot (ishlar va xizmatlar) eksporti hajmi 192,1 million AQSh dollarini yoki umumiy eksport hajmining 57,3%ini tashkil etadi 2020- yil yanvar-dekabr oylarida hududlar bo‘yicha kichik tadbirkorlik subyektlari tomonidan amalga oshirilgan mahsulot (ishlar va xizmatlar) eksportining jamiga nisbatan eng ko‘p ulushi Oqdaryo tumanida – 100 %, Nurobod tumanida – 100 %, Qo‘shrabot tumani – 100 %, Paxtachi tumani – 96,4 %, Pastdarg‘om tumani – 94,8 %, Bulung‘ur tumani – 94,4 %, Kattaqo‘rg‘on tumani 89,7 %, Payariq tumani 82,4 %, eng past ko‘rsatkich Toyloq tumani – 16,1 %ni tashkil etdi. 2020- yil yanvar-dekabr oylarida hududlar bo‘yicha kichik tadbirkorlik subyektlari tomonidan amalga oshirilgan mahsulotlar (ishlar va xizmatlar) importining jamiga nisbatan eng yuqori ulushi Payariq tumanida –100,0 %, Qo‘shrabot tumanida – 100,0 %, Bulung‘ur tumanida – 95,4 %, Kattaqo‘rg‘on sh. – 93,1 %, Urgut tumanida – 89,4 %. Eng past ko‘rsatkich Samarqand shahrida – 31,1 %ni tashkil etadi. 2020- yil yanvar-dekabr oylarida kichik biznes subektlari tomonidan 8 216,4 milliard so‘mlik sanoat mahsulotlari ishlab

chiqarildi. Hududlar kesimida kichik tadbirkorlik subyektlarining eng ko‘p sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi Samarqand shahri (2 432,9 mlrd. so‘m), Urgut (1 335,0 mlrd. so‘m), Samarqand (998,2 mlrd. so‘m), Jomboy (645,8 mlrd. so‘m) va Bulung‘ur (498,7 mlrd. so‘m) tumanlari hissasiga to‘g‘ri keladi. Qo‘shrabot tumanida (45,9 mlrd. so‘m) sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi eng past bo‘lib qolmoqda. Hududlar kesimida kichik tadbirkorliknining jami sanoat mahsulotidagi eng yuqori ulushini Qo‘shrabot va Nurobod tumanlari (100%), Oqdaryo tumani (99,4%), Bulung‘ur tumani (96,1%), Paxtachi tumani (91%), Urgut tumani (81,9%), Samarqand tumani (71,2%), Pastdarg‘om tumani (65,9%), Kattaqo‘rg‘on sh. (52,5%), Kattaqo‘rg‘on tumani (50%)ni tashkil etdi. Narpay tumanida (9,1%) kichik tadbirkorlikning ulushi eng past bo‘lib qolmoqda. 2020- yil yanvar-dekabr oylarida kichik biznes subyektlarining chakana savdo tovar aylanmasi hajmi 13 272,9 mlrd. so‘mni yoki umumiy chakana savdo Tovar aylanmasining 80,2 %ini tashkil etdi. O‘sish sur’ati 2019- yil yanvardekabr oylariga nisbatan 95,8 foizni tashkil qildi. Yangi tashkil etilgan kichik korxona va mikrofirmalar faoliyati kuzatuvi natijalariga ko‘ra, 2020- yilning IV choragini o‘tgan yilning shu davri bilan taqqoslaganda, yaqin uch oy ichida iqtisodiy vaziyati yaxshilanishiga ishongan korxonalar ulushi qishloq, o'rmon va baliqchilik xo‘jaligi korxonalarida 17,1 punktga, savdoda 6,1 punktga oshdi, sanoatda 14,3 punktga, qurilishda 44,1 punktga, xizmatlar sohasida 16,1 punktga kamaygan. Shuningdek, o‘tgan yil bilan taqqoslaganda, yaqin uch oydagi iqtisodiy vaziyat o‘tgan yilga nisbatan o‘zgarmaydi deb hisoblagan korxonalar ulushi sanoatda 28,6 punktga, qurilishda 62,3 punktga, xizmatlar sohasida 43,9 punktga, savdoda 5,8 punktga, oshdi, qishloq, o'rmon va baliqchilik xo‘jaligi korxonalarida esa 18,2 punktga punktga kamaydi. Yaqin kelajakda iqtisodiy vaziyatni yomonlashishini baholagan korxonalar ulushi barcha faoliyat turlari bo‘yicha pasayish kuzatildi.

С.Р.Бобокулов – Банк-молия академияси
ИББ-2 гуруҳи тингловчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ИНВЕСТИТЦИЯ ФАЛИЯТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада тижорат банкларининг инвестиция моделлаштириш усуллари ва хусусиятлари таҳлил қилинган. Банкларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширишда маьлум бир муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар таклифлари ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *Банк инвестицияси, инвестицион кредит, фоиз ставкаси, валюта ,банк операциялари,ялпи ички махсулот.*

Аннотация: *В статье анализируются методы и особенности инвестиционного моделирования коммерческих банков. Изучены некоторые проблемы при осуществлении инвестиционной деятельности банков и разработаны предложения по мерам по их решению.*

Ключевые слова: *банковские инвестиции, инвестиционный заем, процентная ставка, валюта, банковские операции, валовой внутренний продукт.*

Abstract: *This article analyzes the methods and features of investment modeling of commercial banks. Certain problems in the implementation of investment activities of banks have been studied and proposals for measures to address them have been developed.*

Keywords: *Bank investment, investment credit, interest rate, currency, banking operations, gross domestic product.*

Кириш. Иқтисодиётни модернизациялаш орқали ривожланган давлатлар қаторига кўшилицнига асосий вазифа қилиб кўйган Узбекистонда хомашё етиштиришдан то ишлаб чикариш боскичига ўтишда банклар томонидан ажратиладиган инвестиция кредитлари асосий уринга эгалиги, банкларнинг ушбу жараёнда локомотив сифатида иштирок этиши ва киритиладиган инвестициялардан самарали фойдаланишни таъминлаб берувчи бўғин сифатида фаолият юритишини талаб этади.

Маълумки, инвестиция кредитлари маълум бир лойиҳани амалга ошириш учун аниқ йўналтирилган молиялаштириш ҳисобланиб, максадга кредитлашда фаолият юритиб келаётган корхонани ривожлантириш учун ёки янги бизнес гояни амалга ошириш учун маблаг ажратишдан иборат.

Ҳозирги банк амалиётида инвестиция кредитлари анъанавий кредитлаш тартибида ва лойиҳавий молиялаштириш доирасида кредитлаш усулларида амалга оширилади.

Уз-ўзидан маълумки, банкларнинг ишлаб чиқаришни модернизациялап хамда янги корхоналарни ташкил этишгга йўналтирилган инвестиция кредитлари портфелининг ўсиши,ўз навбатида, кредит портфелидаги муаммоли кредитларнинг ҳам мутаносиб равишда микдор жихатдан ошишига олиб келади. Эътиборли жиҳати шундаки, инвестиция кредитлари банклар томонидан узоқ муддатга ажратилиши, лойихани амалга ошириш жараёнининг 3 боскичдан, яъни лнвестициядан олдинги, инвестиция ҳамда ишлаб чнкарнш давридан иборатлиги юзага келадиган муаммоларнинг хамда мавжуд рисклар таъсирининг хилма-хиллиги ва турли даражадалигини таъминлайди.

Шунинг учун ҳам муаммога айланиш аломатларга эга инвестиция кредитларини кўриб чиқишда, уларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, шу асосда банк томонидан кредитни қайтариш бўйича бир қатор тадбирларни ўз ичига оладиган ҳаракат режасини ишлаб чиқиш ва карздорнинг инкироздан чиқиши ҳамда банк олдидаги мажбуриятларини тўлик бажаришига имконият яратадиган ташкилий, молиявий ва бошқа турдаги банк ёрдамидан иборат тадбирларни амалга ошириш муҳимдир. Шунингдек, муаммоли кредитларни таҳлил этиш ва бартараф этишда хорижий банкларнинт илғор тажрибасидан фойдаланиш ҳам фикримизча, фойдадан холи эмасдир.

Хорижий банклар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, масалан Америка қўшма штатларининг банкларида муаммоли кредитларни прогноз қилиш ва аниклаш бўйича алоҳида тизим ишлаб чиқилган. Ушбу тизимта асосан муаммоли кредитларни юзага келтирган омиллар банкка боғлиқ бўлган ва бўлмаган омилларга ажратилади. Биринчи гуруҳ омилларга кредит ажратиш билан боғлик жараёнга тегишли жиҳатлар, яъни кредит таҳлилидан бошлаб ҳужжатлар расмилаштирилишигача бўлган жараён киради. Банкка боғлиқ бўлмаган омилларга нокулай иқтисодий шароит, форс-мажор холатларни киритиш мумкин.

Қарздорнинг ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсир қўрсатган ноқулай, муҳит ва иқтисодий шароит АҚШ банклари томонидан қуйидаги кўринишда аниқлаштирилади:

1) Менежментнинг ёмон ташкил этилганлиги, бошкарувда кўп қиррали, чукур таҳлилнинг етишмаслиги, ишлаб чиқаришни режалацтириш ва бухгалтерия хизматининг қониқарсизлиги ҳамда умумий масъулиятсизлик. Одатда, харажатларнинг ошиши номукаммал менежментнинг оқибати ҳисобланади, яъни бир маромда ривожланаётган номукаммал менежментнинг корхоналар хўжалик жараёнининг барча жиҳатларини қамраб олиш имкониятига эга бўлмаган юқори даражада марказлаштирилган бошкарувнинг камчиликларига дуч келади.

2) Кичик корхоналар аксарият ҳолатларда бошлангич капи етишмаслигидан жабр кўришади. Мазкур муаммолар бизнес режалаштирилган пайтда куйилмаларнинг харажатларнинг кам ҳисобланиши ҳамда фойда олиш муддатларининг киска қўйилиши окибатида юзага келади. Ушбу муаммо корхонанинг устав капитали сарфлаб бўлингандан сўнг, кредиторлар эса кўшимча молиялаштиришдан бош тортганда юзага чиқади.

3) Молиявий коэффициент, яъни узок муддатли карзлар микдорининг корхона хусусий капиталига нисбатан юкорилиги. Корхонада молиявий коэффициент юкори бўлганда ишлаб чикариш ҳажмининг пасайиши жалб килинган қарзлар бўйича мажбуриятларни бажариш харажатларининг ошиб кетишига олиб келади. Зарар кўрмаслик нуктаси, яъни умумий харажатлар таркибида доимий харажатларнинг юқорилиги эса фойданнинг пасайишига сабаб бўлади.

4) Корхона томонидан асоссиз равишда маҳсулот сотиш хажмининг кўпайтирилиши дебитор карздорликларнинг ошиб кетишига олиб келиши мумкин, сабаби корхона харидорларни танлашда уларнинг тўловга кобилиятлигини аниклашни этибордан четда колдириши мумкин. Ушбу ҳолатда банк корхонадан тўлов кобилияти шубҳали мижозларга маҳсулот сотишни чеклаш талаб этиши лозим.

5) Янги ташкил этилган корхоналар аксарият ҳолатларда ўз маҳсулоти билан бозорга чикишда кийинчиликларга учрайди. Ушбу ҳолатда корхона икки хил йўл билан бозорга кириши мумкин, яъни махсулот нархини тушириш ва сотиш ҳажмини максимал даражада кўтариш ёки сотиш ҳажмини кискартириш орқали

даромадни бир маромда ушлаб туриш хисобига. Корхона бозордаги рақобат шароитига мослаша олмаса, инкирозга учраши аниқ.

6) Кўпчилик йирик бўлмаган корхоналар умумий иктисодий пасайиш даврида фойда билан ишлаш имкониятига эга эмаслиги.

Корхонанинг хўжалик фаолияти ёмонлашувига сабаб бўлувчи юкорида саналган омиллар банкка боглик эмас. Шундай бўлса-да, корхона фаолиятида пасайиш сезилган пайтда банк муддатида тўланмайдиган кредитларнинг олдини олиш максадида тегишли маслаҳатлар бериши ва аник чоралар кўллаши шарт. АҚШ банклари муаммоли кредитларни прогноз килишга кредитлаш жараёнининг биринчи ва иккинчи боскичида, яъни кредит буюртмаси тахлили ва унинг ижросида асосий эътибор каратади. Республикамиз тижорат банкларида хорижий банклар амалиётидан фарқли ўлароқ,муаммони ҳал этишда вазиятга караб кайишкок ёндашув етишмаслиги ҳамда банкларнинг меъёрий хужжатлари талаблари бунга йўл бермаслиги яккол намоён бўлмокда.

Инвестиция кредитларини кайтаришда корхоналар фаолияти натижасида келадиган пул окимлари асосий манба ҳисобланар экан, карздорнинг молиявий ҳолатини яхшилаш оркалигина муаммоли кредитларни сўндириш имконияти мавжуд.

Шу ўринда банклар инвеститция фаолиятини моделларини кайта жонлантиришда банклар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан куйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофик:

1. Банкнинг кредит сиёсати ҳамда инвестицияли кредитлаш бўйича меъёрий хужжатларида карздорни иктисодий ночор ахволга олиб келадиган, лойихани амалга ошириш муддатларига салбий таъсир этадиган муаммолар юзага келган такдирда кредит шартларини қайта кўриб чикиш, кўшимча кредитлар ажратиш ва банкнинг маъмурий дастаклари оркали (дебитор карздорликларни ундиришда, махаллий ҳокимият, энергия таъминоти корхоналари томонидан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини бажаришни талаб этишда кўмаклашиш ва ҳ.к.) карздорни қўллаб-қувватлаш бўйича аник тадбирларни белгилаб бериш.

2. Лойиха мониторинги жараёнида юзага келиши прогноз килинган муаммоларни чукур ўрганиш учун зарур бўлган кўшимча маълумотларни такдим этиш ҳамда ҳал этиш юзасидан банк томонидан таклиф килинадиган тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини кредит шартнома оркали карз олувчига юклаш.

3. Корхона бошкарувида тажрибасизлик, масъулиятсизлик, касддан талон-тарожлик кузатилганда, таъсисчилар ёки бошкарув аъзолари ўртасида низолар юзага келган вазиятда инкирознинг олдини олиш ёки бартараф этиш максадида банк томонидан амалга ошириладиган каракат режаси меъёрий хужжатларда акс эттирилиши ҳамда кредит шартномага ушбу ҳаракат режани амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи бандларни киритиш зарур.

Хулоса ва таклифлар. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари инвестиция фаолиятини моделлаштириш хусусиятларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга эга бўлдик:

- тижорат банклари молиявий ресурсларини саноатнинг рентабиллиги юқори тармоқларига инвестицион моделлаштиришнинг хусусиятларидан келиб чиқиб тақсимлайди;
- тижорат банктарининг инвестициявий фаолиятини янада такомиллаштириш учун банкларнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш;
- бухгалтерия хизматларининг янги турларини жорий этиш;
- тижорат банклари инвестиция фаолиятини моделлаштиришда Марказий банкининг очик бозор операцияларини ривожлантириш;
- хорижий молия институтлари орқали ташқи молиявий манбаларни жалб қилиш керак;
- лойиха мониторингини амалга оширишда бошқарув кадрлар билимларини ошириш лозим.

Юсупов Яшнар - «Ипотекабанк» АТБ бош иқтисодчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотатция: *Маколада тижорат банкларида даромадлар ҳисобини ташкил қилиш жараёнида содир бўладиган муносабатлар урганилди. Тадкиқотда банк даромадлари ва харажатларни шакллантириш, уни ҳисобга олиш, банк фаолияти натижалари ҳисобини ўрганиш ҳамда ҳисобни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.*

Калит сўзлар: *тижорат банки, даромад базаси, фоизли даромад, фоизсиз даромад, фоизли харажат, соф фойда, актив, депозит, қимматли қоғоз.*

Аннотация: *В статье исследуются взаимоотношения, возникающие в процессе организации учета доходов в коммерческих банках. Исследование состоит из формирования доходов и расходов банка, их учета, изучения результатов банковской деятельности и разработки рекомендаций по улучшению учета.*

Ключевые слова: *коммерческий банк, доходная база, процентный доход, беспроцентный доход, процентные расходы, чистая прибыль, актив, депозит, обеспечение.*

Annotation: *The article examines the relationship that occurs in the process of organizing the income account in commercial banks. The study consists of the formation of bank income and expenses, its accounting, the study of the results of banking activities and the development of recommendations for improving the account.*

Keywords: *commercial bank, income base, interest income, interest-free income, interest expense, net profit, asset, deposit, security.*

Кириш. Маълумки, ҳар қандай тижорат ташкилотининг, шу жумладан тижорат банклари фаолиятининг асосий мақсади фойда олишга қаратилган. Бунда, фойданинг миқдор кўрсаткичларидан ташқари, сифат кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, банк фаолиятнинг фойдасини оширишга таъсир қилувчи икки омил – ялпи даромадларни оширишга ва харажатларни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил якунида Олий мажлисга қилган Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаганидек, “янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур”.Шундан келиб чиқиб, барча тижорат банклари юқори даромад олиш учун олинадиган даромад манбалари, ҳар бир даромад келтирувчи активлар ҳамда банк хизматлари турларини ўрганиш ва юқори даромад келтирувчи соҳаларни аниқлаб олиш зарур.

Айни вақтда, мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларининг даромадларининг шаклланиш жараёнида сезиларли номувофиқликларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, фоизли даромадларнинг банкларнинг ялпи даромадидаги салмоғининг нобарқарорлиги кузатилмоқда.Эришилган молиявий натижани тўғри ҳисоб-китоб қилиш, уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш, даромад ва харажатлар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Банкларнинг даромадларини ҳисобини тадқиқ қилишдан олдин банк даромадларининг таркиби ва унинг шаклланишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.Тижорат банкларининг янги қабул қилинган бухгалтерия ҳисобварақлар режасини қараб чиқадиган бўлсак бу ерда даромадлар қуйидагича таснифланади.



Тижорат банкларининг фоизли даромадлари ичида кредит операцияларидан кейинги ўринда турадиган операциялардан бири бу қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлардир. Қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларни биз фоиз, дисконт, курс ўртасидаги фарқ ва бошқа кўринишдаги даромадларга бўлиш мумкин. Тижорат банклари фоизсиз бўлган хизматлар кўрсатишдан олинган ёндош фаолият даромадлари, яъни ноанъанавий банк хизматларидан даромадлари манбаи бўлиб, чет эл валютасидаги операциялар, қимматли коғозлар билан операциялар, лизинг ва факторинг операциялари, банкларнинг кафолатлаш фаолияти, траст

(ишонч) хизмати кўрсатиш, консалтинг хизматлари ва бошқа фаолият юритиш давомида амалга оширадиган операциялари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда банк даромадлари таркиби банк томонидан амалга оширилаётган операцияларга боғлиқ бўлади. Банк фоизли даромадлари ичида кредит операцияларидан олинган даромадлар салмоғи кўп.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодий аҳамияти жиҳатидан қараганда, айни вақтда, мамлакатимизнинг йирик тижорат банклари даромадларининг шаклланиш жараёнида сезиларли номувофиқликлар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Хусусан, 2019 йил 1 январь ҳолатига банк тизими даромад ва харажатлари таркиби қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Жами банк тизими даромад ва харажатлари

(млрд.сўмда)

№	Бандлар номи	2018 йил 1 январь	Салмоғи	2019 йил 1 январь	Салмоғи	Ўзгариши (+,-)	
						Сумма	Фоизда
1	*Фоизли даромадлар*	7 960,36	53,5%	14 516,82	68,9%	6 556	82,4%
2	*Фоизсиз даромадлар*	6 916,83	46,5%	6 564,05	31,1%	-353	-5,1%
3	**Жами даромадлар**	**14 877,19**	**100,0%**	**21 080,87**	**100,0%**	**6 204**	**41,7%**
4	*Фоиз харажатлари*	4 623,08	35,6%	8 354,92	46,7%	3 732	80,7%
5	*Фоизсиз харажатлар*	1 942,67	15,0%	1 342,64	7,5%	-600	-30,9%
6	*Амалиёт харажатлари*	4 137,68	31,8%	5 582,95	31,2%	1 445	34,9%
7	*Йўқотишлар бўйича тузилган заҳиралар*	1 910,73	14,7%	1 941,92	10,9%	31	1,6%
8	*Даромад солиғи*	379,75	2,9%	658,90	3,7%	279	73,5%
9	**Жами харажатлар**	**12 993,91**	**100,0%**	**17 881,33**	**100,0%**	**4 887**	**37,6%**
10	**Соф фойда**	**1 883,28**	**-**	**3 199,54**	**-**	**1 316**	**69,9%**

Жадвалда «Ипотекабанк» АТБ маълумотларига кўра, фоизли даромадлар банкларнинг ялпи даромадида йирик улушга 68,9 фоизга, фоизсиз даромадлар салмоғи эса 31,1 фоизга эга бўлиб аксинча камайиш тенденсиясига эга. Бу эса ўз навбатида банкларда кредит рискларини ортиб бораётганидан далолат беради. Хорижий банкларнинг даромадлари улушини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда аксинча банклар рисксиз даромад манбаи бўлмиш фоизсиз даромадларга кўпроқ эътибор қаратаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан,фоизсиз даромадлар таркибида комиссион даромадлар улуши юқори ҳисобланади. Комиссион даромадларга банк хизматларини амалга ошириш жараёнида олинадиган турли хизмат ҳақлари ва комиссион ҳақлар киради.

Масалан, ушбу даромадларга ҳисоб-китоб операциялари ва дебет айланмалари учун комиссион тўловларни, пластик карталарга хизмат кўрсатиш,

савдо ва тўлов терминалларини ижарага бериш, банкомат ва инфокиосклар орқали аҳолига қулай ҳамда оператив хизмат кўрсатиш ва шу каби банкнинг бошқа йўналишларида амалга ошириладиган мижоз операциялари учун воситачилк ҳақларини, шунингдек, жисмоний шахсларнинг бир марталик операцияларидан олинадиган даромадларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Хулоса. Тижорат банклари фаолияти даромадлилигини таъминлаш, даромадлар ҳисоби борасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар шакллантирилди:

1. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур.

2. Тижорат банкларини кредитларидан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш.

3. Тижорат банклари ҳисобот даври даромадлари олинадиган хисобвараклар буйича алохида ички назоратни олиб бориши лозим.

Абдиев Ж.А. - Банк-молия академияси ТББ-1 тингловчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Аннотация: *Ушбу мақолада тижорат банкларини бошқаришнинг замонавий моделларини жорий этиш акс эттирилган. Мамлакатимизда замонавий банк бошқарувини жорий этишни ривожлантириш зарурияти мақолада ўз аксини топган.*

Калит сўзлар: *Банк, тижорат, бошқарув,* Фронт-офис, *рақобатбардош,* кредит, депозит, ҳисоб-китоб, касса, валюта, қимматли қоғозлар.

Аннотация: *В статье отражено внедрение современных моделей управления коммерческими банками. В статье отражена необходимость развития внедрения современного банковского дела в нашей стране.*

Ключевые слова: *Банковское дело, Коммерческое, Менеджмент, Фронт-Офис, Конкурентное, Кредит, Депозит, Счет, Наличные деньги, Валюта, Ценные бумаги.*

Abstract: *The article reflects the introduction of modern models of commercial bank management. The article reflects the need to develop the introduction of modern banking in our country.*

Keywords: *Banking, Commercial, Management, Front Office, Competitive, Credit, Deposit, Account, Cash, Currency, Securities.*

Кириш. Бугунги кунда замонавий тижорат банкининг энг долзарб вазифаларидан бири унинг ишончлилигини оширадиган рақобатбардош ва замонавий кўринишларни ўзида акс эттирувчи тижорат банкларини бошқариш моделларини шакллантиришдан иборатдир. Ташқи муҳитнинг юқори ўзгарувчанлиги, рақобат курашининг мураккаблашуви, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ҳамда молиявий муносабатларнинг

глобаллашуви шароитида банк бизнесини ривожлантириш унинг рақобат устунликларини шакллантириш ва уларни самарали бошқариш масаласини тижорат банклари кундалик фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айлантиради.

Молиявий ва тижорат қарорларининг самарадорлиги соҳага оид ахборот майдонидаги маълумотларнинг ишончлилиги ҳамда улардан фойдаланиш технологияларига боғлиқ. Бу табиий равишда зарарни камайтириш ва даромадларни кўпайтиришга олиб келади. Банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ битимларни тузишда мавжуд ахборот базасидан тўғри фойдаланиш молиявий йўқотишлар эҳтимолини минимал даражага туширади. Айниқса, кредит хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги ҳар қандай қарор мижозлар ва уларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Ахборотнинг сифати қарор қабул қилинганда эмас, балки унгача баҳоланиши керак. Чунки бугунги даврда ахборот тез эскирмоқда, ундан фойдаланиш усуллари эса тижорат банклари мутахассислари томонидан аниқланади.

Банк хизматларига бўлган талабнинг ўсиши ва банклараро рақобатнинг фаоллашуви банк бошқаруви янги банк маҳсулотларини яратиш ҳамда уларни стандартлаштириш, банк бошқарувида замонавий моделларга асосланган самарали тузилмавий ўзгартиришларга эътибор қаратишини тақозо этади[1].

Банкларни бозордаги кескин ва ўзгарувчан рақобат муҳитига мослаштириш ҳамда банкнинг ишончлилигини таъминлаш учун кадрлар сиёсати ва ташкилий тузилманинг барча поғоналаридаги ходимларни бошқаришнинг самарали усулларини қўллаш талаб этилади.

Замонавий бошқарув назарияси асосчиларидан бири Питер Друкер таъкидлаганидек, ҳар қандай компаниянинг асосий мақсади ўзи учун истеъмолчиларни яратишдир. Айнан мазкур ғоя компаниянинг барча ходимлари томонидан якдил қўллаб-қувватланиши унга эришишнинг энг тезкор ва омилкор усули сифатида эътироф этилади[2].

Тижорат банклари фаолиятини ташкил этишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар банк амалиётида чизиқли ва матрицали моделлардан фойланилади. Албатта ҳар бир банк бунда ўзининг специфик хусусиятидан келиб чиқади.

Чизиқли модель банкларнинг хизматлари, ҳудуди, ихтисослашувига мувофиқ, шулардан биттаси негизида шакллантириладиган банкнинг ташкилий тузилиши ҳисобланади. Ҳар тижорат банки уни мустақил равишда ўз фаолиятидан келиб чиқиб фойдаланади. Чизиқли модел ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади:

- функционал модель – аниқ бир хизмат ва маҳсулотларга йўналтирилган;

[1] Мирзаев Ф.И. “Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” Т: “Молия”, 2008й.

[2] Татаринова Л.Ю. Об эффективности организации gemba-менеджмента в банках // Финансы и кредит. 2012. №35 (515)

- дивизион модель – тармоқ фаолиятига йўналтирилган;

- географик модель – банк мижозлари ва бозорга йўналтирилган.

Функционал модель – банкнинг кўрсатадиган анъанавий хизматлари ва операцияларига (кредит, депозит, ҳисоб-китоб, касса, валюта, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялари ва бошқалар) мувофиқ тарзда банкнинг таркибий бўлинмалари ажралиб чиқиш заруратидан келиб чиқади. Ушбу операция ва хизматларга мос равишда банкларда гуруҳлар, бўлинмалар, бошқарма ва қўмиталар ташкил қилинади. Банк янги бўлим ва махсус бўлинмаларни ташкил қилиш учун зарур бино-иншоатларга, кадрларга ва техникага эга бўлиши талаб этилади.

Функционал модель банклар фаолиятини ташкил этишнинг классик ва энг кенг тарқалган усулларидан ҳисобланади. Аммо бу омил ушбу моделнинг тўғри ва самарали эканлигини англатмайди. Экспертларнинг фикрига кўра банк фаолиятини ташкил этишнинг функционал модели консерватив бўлиб бозордаги ўзгаришларни ҳисобга олмаслигини камчилик сифатида кўрсатилади. Бундан ташқари, банклар фаолиятининг бундай ташкилий тузилиши банкларда юқори малакали мутахассисларнинг бўлишини талаб қилади. Функционал моделга мувофиқ банкларнинг махсус бўлинмаларини ташкил қилишда банкнинг умумий фаолияти эмас, банк бизнесининг танланган стратегик йўналишлари олинади. Танланган ушбу йўналишлар қўйилган мақсад ва стратегия асосида амалга оширилади.

Чизиқли моделнинг дивизион модел шаклида банк бизнесининг алоҳида фаолият тармоқларини 3 та қисмга бўлиш тавсия этилади. Булар тижорат фаолияти ҳисобланиб кредит, инвестицион фаолияти – халқаро инвестициялар ва банкнинг траст операциялари киради.

Чизиқли моделнинг тўртинчиси ҳар бир тармоқнинг хусусиятига, мижозларнинг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб шакллантирилади. Банк мижозлари майда, ўрта ва кичик гуруҳларга ажратилиб хизматлар кўрсатилади. Бу ҳар бир банк томонидан мустақил белгиланади.

Биз юқорида кўриб ўтган банклар фаолиятини ташкил қилишнинг чизиқли моделларини комбинациялашган ҳолда, яъни 2 ва ундан ортиқ моделнинг бир вақтда қўлланиши матрицали модел бўлиб ҳисобланади.

Матрицали модель бир неча турларга бўлинади:

- Икки ўлчамли матрицали модель;

- Уч ўлчамли матрицали модел;

- Кўп ўлчамли матрицали модел[1].

Икки ўлчамли матрицали модел – функционал бўлиниш ва мижозлар гуруҳлари бўйича бўлинишининг комбинацияси сифатида фойдаланиб ташкил этилади. Икки ўлчамли матрицали моделдан фойдаланиш у ёки бу операцияларни амалга оширувчи бўлимларни шакллантириш, маҳсулот ва хизматларни

[1] Абдуллаева Ш.З., Омонов А.А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. Ўқув қўлланма./ –Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2006.- 120б.

кўрсатишдан келиб чиқади. Халқаро банк амалиётида банк хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи бўлимларни бэк офис ва фронт офис деб аталади.

Банк нуқтаи-назаридан бухгалтерия аппаратининг Бэк-офис ва Фронт-офисга бўлинишини аҳамияти шундаки, Фронт-офис мутахассислари мижозларга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатади, Бэк-офис мутахассислари эса, дастлаб Фронт-офис ходимлари томонидан бошланган, мижоз бевосита қатнашиши ва мазкур босқични тугатилишини кутиши талаб этилмайдиган босқичда операцияларни қайта ишлаб, уни ниҳоясига етказади. Натижада, ҳар бир банк операцияси бир-бирига боғлиқ бўлмаган иккита бўлимда амалга оширилади ва банк ходимларини ўзаро назорат қилиш тизимини яратади[1].

Мижоз нуқтаи-назаридан бўлинишнинг аҳамияти шундаки, банкнинг битта бўлими ёки биносида, аммо лавозими турлича бўлган ходимлардан ўзининг барча масалаларини ечиш имкониятини яратиш. Мижоз операциялар бошланишидан то унинг тугагунига қадар фақат Фронт-офис ходимлари билан алоқада бўлиб, Бэк-офис мавжудлиги мижоз учун аҳамиятсиз бўлиб ҳисобланади.

Банк таркибий тузилмасининг масъулиятини белгилаш учун, улар бажарадиган операциялари тавсифидан келиб чиққан ҳолда, бўлимлар бўйича вазифалар тақсимлашнинг тахминий доирасини аниқлаш зарур. Шуни қайд этиш зарурки, бўлинмага юклатиладиган вазифалар доираси қатъий бўлиши шарт эмас. Банк бўлинмаларида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва банк операцияларининг автоматлаштирилган даражасига боғлиқ равишда, Бэк-офис ёки Фронт-офис таркибида айрим бўлим/сектор бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, бир бўлим/сектор вазифаларини бошқа бўлим/сектор бажариши кўзда тутилиши лозим.

Мижозларга банкнинг барча хизматлар мажмуаси фақат Фронт-офис бўлимида кўрсатилганлиги боис, мазкур бўлим банк хизматларининг барча турларини яхши биладиган малакали мутахассислардан ташкил топиши шарт. Бунда, шарт-шароитлар ва банк томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар рўйхати эълон килиниши ҳамда мазкур хизматлардан банкнинг мавжуд ва бўлгуси мижозлари хабардор килиниши шарт. Хизмат кўрсатиш жараёнида ностандарт - кўзда тутилмаган ҳолатлар келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлигини инобатга олган ҳолда, аниқ хизматлар тури (мисол учун, экспорт ёки импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва ҳисоби) бўйича пайдо бўлган саволларни жойида ҳал қилувчи ва тегишли операцияларни бутунлай назорат қилиш салоҳиятига эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан жамланган бўлиши керак.

Фронт-офис зиммасига мижоз томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва улар томонидан бошланган операцияларнинг тўғрилигини дастлабки назорат қилиш юклатилади. Қўшимча назорат зарур ҳолларда (банк қўшимча назорат қилиниши лозим бўлган операциялар рўйхати ва уларни назорат қилиш тартибини ишлаб чиқади) Фронт-офис ходими операциялар бўйича ҳужжатларни назоратчи ходимга тақдим этади.

[1] Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва банклар. Ўқув қўлланма ТДИУ, “MAX-PRINT” МЧЖ, 2008.-432 б.

Банк томонидан амалга ошириладиган мижоз операцияларининг назоратини ўз хусусиятлари бўйича қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Мижознинг шартномага асосланган харакатини текшириш;

2. Мижоз ўз операцияларини қонунчиликда ўрнатилган тартибда бажараётганлигини текшириш;

3. Ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига қўйилган талабларга риоя қилинишини таъминлаш;

4. Тўловларни амалга ошириш учун молиявий шароитлар мавжудлигини аниқлаш.

Банк ташкилий тузилишини умумий кўриб чиқишда уларнинг турли хил эканлигини билиш мумкин. Классик схемалар тез-тез турли вариантдаги структуралар билан белгиланади, фақатгина маҳсулотни бошқариш ва банк соҳавий фаолияти билан эмас, балки ҳудудлар географияси ва алоҳида мижозлар гуруҳлари қизиқишлари билан ҳам бўлиши мумкин. Буларнинг ичида бозорга кўпроқ яқинроқ бўлган матрицали моделлар кўпроқ фойда беради. Ҳадеб узининг инновациясини ва хизматларни чуқурлаштирган банк ўзининг маркетинги юқори эмас, балки ўзининг ички ташкилий структураларини бозор ва мижозлар талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгартира оладиган, яъни бозор конъюнктураси ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотга эга бўлиб, мақсадли фаолиятларни аниқ қўя оладиган, ақлан маркетингни ташкиллаштира оладиган, мижозларни хизматини ташкил этиш тузумини аниқ йўналтира оладиган банк юкоридир деган фикрга қўллаб-қувватлаш мумкин. Бошқа сўз билан айтганда, ташқи маркетинг фаолиятининг сифати унинг ички ташкиллаштирилиши даражасига боғлиқ бўлади.

Банк фаолиятини ташкил этишдан кўзланган мақсад банк ташкилоти мақсад ва вазифаларига мос келадиган ташкилий тузилмаларни ишлаб чиқиш, ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳисобланади.

Хулоса. Банк фаолиятининг ўзига хос хусусияти банкнинг зарур таркибий бўлимлари ва хизматлари – банкни бошқаришнинг умумий масалалари, тижорат фаолияти, маблағлари ва унинг фаолиятини автоматлаштириш билан шуғулланадиган банк Кенгаши, Бошқаруви, маъмурияти, бўлимларини аниқлайди.

Хорижий ва маҳаллий амалиётда банк ташкилий тузилмаларининг линияли ва матрицали моделлари кенг тарқалган. Моделни танлаш баанк олдида турган аниқ мақсад ва вазифалар, ихтисослашув тури ва хусусияти, ташкил этиш хусусиятлари, амалдаги меъёрий талабларга боғлиқ.

Банкнинг ташкилий тузилмаси банкнинг ривожланиши, фаолият соҳаси, устувор йўналишларнинг ўзгариши, янги маҳсулот ва хизматларнинг ривожланишига қараб ўзгариши мумкин ҳамда шарт. Ҳар қандай қайта ташкил этиш тадбирлари банк фаолиятини такомиллаштиришга қаратилиши, унинг кучли ва заиф томонларининг таҳлилига таяниши, ташқи муҳит ўзгаришларига мос келиши керак.

Қайта ташкил этиш тадбирларини ўтказиш уларни амалда рўёбга чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама назорат қилишни кўзда тутади. Бошқарув органлари, қўлланилаётган бошқарув воситалари, қарорлар қабул қилиш жараёни назорат объектлари ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева Ш.З., Омонов А.А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. - 120б.

2. Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Т: Молия, 2008й.

3. Рашидов О.Ю. ва бошқ. Пул, кредит ва банклар. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, “MAX-PRINT” МЧЖ, 2008.-432 б.

4. Татаринова Л.Ю. Об эффективности организации gemba-менеджмента в банках // Финансы и кредит. 2012. №35 (515)

О.Д.Хамракулова – СамИСИ “Банк иши” кафедраси доценти
Ш.Ф.Умирзакова – СамИСИ “Банк иши” кафедраси магистранти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ПОРТФЕЛИНИ ТАҚСИМОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: *Ушбу мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларида кредит портфели бошқарувини такомиллаштириш ўрганилган.*

Калит сўзлар: *Кредит портфели, кредит риски, муаммоли ссудалар, диверсификация.*

Аннотация: *В статье исследуется совершенствование управления кредитным портфелем коммерческих банков в контексте модернизации экономики.*

Ключевые слова: *Ссудный портфель, кредитный риск, проблемные кредиты, диверсификация.*

Abstract: *The article examines the improvement of the credit portfolio management of commercial banks in the context of economic modernization.*

Keywords: *Loan portfolio, credit risk, problem loans, diversification.*

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши авваламбор, унда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари билан чамбарчас боғлиқ. Банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Республикамиз банк фаолияти, тижорат банклари ривожланиши, уларнинг эркинлашуви жуда мураккаб муҳитда, яъни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий рақобат муҳитида шаклланмоқда. Банк фаолиятини эркинлаштириш шароитида банклараро рақобатнинг кучайиши ва унинг такомиллашуви заруриятга айланиб бормоқда.

Кредит портфелини тўғри ташкил қилиш тижорат банкларининг самарали фаолиятини амалга оширишнинг, уларнинг кредит инвестиция сиёсатини олиб боришининг асоси ҳисобланади. Мавжуд ресурсларни сифатли ва даромад келтирадиган қилиб жойлаштириш банкларнинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Тижорат банкларининг кредит портфелини уларнинг сифат даражаси, риск даражаси бўйича, тармоқлар бўйича, кредитнинг манбалари, таъминланганлиги, муддатлари ва бошқалар бўйича тахлил қилиш мумкин.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, умуман олганда тижорат банклари кредит портфелининг сифатли бошқаруви бевосита банк томонидан кредит сиёсатини амалга ошириш амалиётининг асосий йўналишларини белгилаб олинганлиги билан баҳоланади. Кредит сиёсатини амалга ошириш амалиётининг асосий йўналишлари бўлиб, банк томонидан берилган кредитларнинг иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида жойлаштирилганлик ҳолати; тижорат банки томонидан берилаётган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати; кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш; кредитлаш шаклларидан фойдаланиш даражаси ва банкларнинг кредитлаш фаолиятида гаров объектларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳисобланади.

Банк фаолиятида рақобатнинг характери бозор характери билан белгиланади. Кучли рақобат шароитида банкларнинг самарали фаолият олиб боришлари учун кучли кредит сиёсатига зарурат туғилади. Бугун иқтисодий жараёнлар республикамиз тижорат банкларида етарли ресурс маблағлар бўлишини, мавжуд маблағларни энг кам риск асосида жойлаштириб, юқори даромад олиш имкониятига эга бўлишни кўзда тутади. Юқори даромад олиш эса, ўз навбатида, банклар олиб борадиган операцияларнинг рисклилик даражасини оширади, чунки банклар асосан четдан жалб қилинган ресурслар билан ишлайдилар. Улар бир томондан, ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла-тўкис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлашининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Оқилона кредит сиёсати банк кредит портфели сифатининг ошишишга олиб келади. Тегишли равишда, кредит сиёсатининг мақсади, ҳуқуқий тартибга солиш диапозони, маблағ олиш имконияти, энг юқори риск даражаси, ссуда портфели баланси, муддатлар бўйича мажбуриятлар ва активлар тузилмасини ҳисобга олиш керак. Шунингдек, кредит сиёсатини ишлаб чиқишда асосий тамойилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тижорат банкининг оптимал кредит сиёсатини харажатларни қоплашга имкон берувчи ва маълум даражада фойда келтирувчи сиёсат сифатида тавсифлаш мумкин. Тижорат банклари кредит сиёсатини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки кредит операциялари банк операциялари ичида асосий ўринни эгаллайди. Шундан келиб чиқиб, банк даромадининг асосий қисмини банк кредит операцияларидан келадиган даромад ташкил этади. Банк кредит сиёсатини тўғри ташкил этиш, кредит рискини камайтиришга хизмат қилади. Ўз навбатида эса, банк кредит портфелини бошқариш тартиби банк кредит сиёсати орқали белгиланади.

Ҳозирги даврда тижорат банки кредит портфелини бошқаришнинг асосий вазифалари кредит риски даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш; ссудаларни риск гуруҳлари бўйича таснифлаш; кредит портфелини кредит рисклари, мижозлар таркиби ва ссудалар таркиби бўйича оптималлаштириш; қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини ва унинг молиявий аҳволининг, кредит рискини прогноз қилиш мақсадида ўзгариши эҳтимолини аниқлаш; муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш; яратилаётган заҳиранинг етарлилигини баҳолаш ва уни ўз вақтида тўғрилаб бориш; кредит қўйилмаларини диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлилигини таъминлаш ва банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни кредит портфелининг сифати таҳлилига асосланган ҳолда тўғрилаб бориш ҳисобланади.

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда юқоридаги тамойилларга амал қилиш, банкнинг кредит фаолияти самарадорлигини оширади, ўз навбатида, банкнинг кўрадиган фойдаси ҳам ошади. Кучли рақобатчилик муҳитида банк кредит сиёсатида кредит менежментига алоҳида эътибор бериш муҳимдир, бу банкка бозор шароитида самарали фаолияти юргизиши учун зарур.

Тижорат банклари фаолияти, айниқса кредитлаш жараёни риск билан боғлик. Шу сабабли банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда кредит портфелини оқилона бошқариш муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастури 2017 йил 12 сентябрь.

2. Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги 2696-сонли низом. 2015 йил 14 июль.

3. О.И. Лаврушин. Управление деятельностью коммерческого банк. Учебник.М.Юристь 2003.

4. Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах.- ИЭР МБРР.-Вашингтон Д.С., 2001.-с.75

Юсупов Яшнар - «Ипотекабанк» АТБ бош иқтисодчиси

ТИЖОРАТ БАНК ДАРОМАДЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ

Аннотация: *Мақолада тижорат банкларининг даромад базасини мустаҳкамлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар тадқиқ қилинган, уларнинг амалий аҳамиятига баҳо берилган ва даромад базани мустаҳкамлашнинг амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *тижорат банки, даромад базаси, фоизли даромад, фоизсиз даромад, соф фойда, актив, молиявий барқарорлик.*

Аннотация: *В статье исследуются научно-теоретические взгляды на укрепление доходной базы коммерческих банков, оценивается их практическая значимость и разрабатываются научные предложения по совершенствованию практической основы укрепления доходной базы.*

Ключевые слова: *коммерческий банк, доходная база, процентный доход, беспроцентный доход, чистая прибыль, актив, финансовая устойчивость.*

Annotation: *The article examines the scientific and theoretical views on strengthening the income base of commercial banks, evaluates their practical significance and develops scientific proposals to improve the practical basis for strengthening the income base.*

Keywords: *commercial bank, income base, interest income, interest-free income, net profit, asset, financial stability.*

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг капиталлашиш даражасини ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш макроиқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашнг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган. Бу эса, бевосита тижорат банкларининг даромад базасини мустаҳкамлаш заруриятини юзага келтиради. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳам, уларни ресурслар жалб қилиш имконияти ҳам бевосита уларнинг даромад базасига боғлиқ. Шунингдек, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банкларнинг давлат ресурсларига банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Тижорат банкларининг даромад базасини шакллантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб, Ўзбекистон Репсубликасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мавзуга оид бўлган Қарорлари ва Фармонлари,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Марказий банкининг амалдаги йўриқномалари ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Тижорат банклари даромад базасининг мустаҳкамлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлар бўлиб, соф фоизли даромаднинг тижорат банкининг ялпи даромадига нисбатан даражаси кўрсаткичи, соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражаси бўлиб, у 4,5 фоизни ташкил этади, соф фоизли даромаднинг тижорат банкининг ялпи даромадига нисбатан даражаси кўрсаткичи ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичининг меъёрий даражаси мавжуд эмас. Шу сабабли, уларнинг даражасига баҳо бериш учун молиявий таҳлилнинг қиёсий таҳлил усулидан фойдаланилади.

Республикамиз тижорат банкларининг соф фоизли даромадининг даражасига баҳо бериш учун Ташқи иқтисодий фаолият мисолида хорижий банклар билан ушбу кўрсаткични таққослаймиз (1-расм).



1-расм. Бэнк оф Америка (АҚШ), Сбербанк (Россия) ва ТИФ Миллий банкида (Ўзбекистон) соф фоизли даромаднинг ялпи даромадга нисбатан даражаси, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Милилй банкида соф фоизли даромаднинг ялпи даромадга нисбатан даражаси Бэнк оқ Америка ва Сбербанкнинг мазкур кўрсаткичига нисбатан сезиларли даражада паст. ТИФ Миллий банкида соф фоизли даромаднинг ялпи даромадга нисбатан салмоғининг кичик эканлиги, фикримизча, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– фоизли харажатларнинг ўсиш суръатини фоизли даромадларнинг ўсиш суръатидан юқори эканлиги (2020 йилда 2019 йилга нисбатан банк фоизли даромадларининг ўсиш суръати 63,3 фоизни ташкил этгани ҳолда, фоизли харажатларининг ўсиш суръати 67,5 фоизни ташкил этди.

– банкнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион

операцияларининг ривожланмаганлиги (2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинган фоизли даромадларнинг банк фоизли даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи атиги 0,3 фоизни ташкил этди.

Қуйида соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичларининг даражаси ва динамикасини таҳлил қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Таши иқтисодий фаолият Миллий банкида соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси

фоизда

Кўрсаткичлар	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.	2019 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Соф фоизли маржа	1,3	0,9	0,9	1,7	2,3	1,0
Бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси	5,9	5,3	4,4	6,2	8,9	3,0

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банкида 2019 йилда 2015 йилга нисбатан соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичларининг даражаси ошган. Аммо, таҳлил қилинган давр мобайнида соф фоизли маржа кўрсаткичини меъёрий даражадан (4,5%) анча паст бўлганлиги банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банкида бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси 2017-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Хулоса. Тижорат банкларининг даромад узига хос хусусиятларни тавсифловчи кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Соф фоизли даромаднинг ялпи даромадга нисбатан даражасини ошириш мақсадида, биринчидан, тижорат банклари депозитларининг оқилона таркибини шакллантириш, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион фаолиятини ривожлантириш керак.

3. Тижорат банкларининг даромад базасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ва уларнинг меъёрий даражаларига эришишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўлларини ишлаб чиқиш керак.

Ҳозирги даврда республикамиз тижорат банкларида даромад базасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантирилмаган.

М.Т. Алимова – проф. кафедры «Менеджмент» СамИЭС

УМНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В РАЗВИТИИ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: *В статье научно обосновано предложение по формированию многофункциональной электронной платформы «E-ziyorattourism».*

Ключевые слова: *поломнический туризм, умные технологии, электронная платформа.*

Annotation: *The article scientifically substantiates the proposal for the formation of a multifunctional electronic platform "E-ziyorattourism".*

Key words: *pilgrimage tourism, smart technologies, electronic platform.*

Аннотация: *Мақолада «E-ziyorattourism» кўпфункцияли электрон платформасини шакллантириш таклифи илмий асосланган.*

Калит сўзлар: *зиёрат туризми, ақлли технологиялар, электрон платформа.*

Узбекистан вошел в десятку самых привлекательных направлений по паломническому туризму среди членов Организации Исламского Сотрудничества (ОИС) по версии GlobalMuslimtravelIndex 2019 (GMTI). За основу критерий отбора были приняты такие факторы как: климат, безопасность, экономика, религия, транспортная инфраструктура и услуги. В список лучших стран по этому виду туризма также вошли Саудовская Аравия, Турция, Марокко, Иран, Бахрейн, Малайзия, ОАЭ, Казахстан и Индонезия.

В настоящее время на территории Республики Узбекистан расположено более 7300 объектов культурного наследия. Основная их часть занесена в список наследия ЮНЕСКО. Большинство из них представляют паломнический интерес. По некоторым источникам религиозной литературы у нас в стране есть такие святые места, которые нужно посетить и выполнить ряд обрядов до и после священного Хаджа в Мекку. Посещение этих святых мест приравнивается к «малому Хаджу».

Узбекистан располагает благоприятными условиями для развития паломнического туризма. Здесь жили и творили многие известные в мире деятели ислама. Вместе с тем в нашей стране есть исторические памятники, которые дороги для представителей и других конфессий.

Узбекистан – родина великих богословов и религиозных деятелей, внесших огромный вклад в развитие ислама. Благословенный Самарканд, священная Бухара, Древний Термез являются гордостью и символами исламской культуры, этим городам больше 2500 лет. В этих краях родились такие выдающиеся личности в исламском мире, хадисовед и исламский правовед – Абу Иса Мухаммад ибн Иса ат-Термизий, крупнейший представитель средниазиатского суфизма, автор около восьмидесяти произведений аль-Хаким (мудрый) – Абу Абдуллах Мухаммад ибн Али ат-Термизи, духовный наставник – Абдулхалик Гиждувани, один из духовных отцов суфизма, основатель суфийского ордена – Накшбандия – Бахауддин Накшбанд, величайшая фигура в мусульманстве, известный богослов IX

столетия, автор «Аль-Джами ас-сахих» – первого сборника достоверных хадисов, который является второй по значению мусульманской книгой после Корана – Имам Аль-Бухари. В Узбекистане находится большое количество религиозных центров.

Уделив огромное внимание развитию паломнического (зиёрат) туризма правительством Узбекистана проводятся широкомасштабные мероприятия.

В целях развития паломнического туризма и продвижения потенциала страны на страны Юго-Восточной Азии и в частности в Индонезию, Малайзию и Сингапур открыты авиарейсы Ташкент-Джидда со стыковкой с рейсами Куала-Лумпур-Ташкент 2 раза в недели с 28 октября 2018 г.

По инициативе Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева, в целях продвижения туристских возможностей и потенциала страны, а также международного признания Узбекистана в качестве одного из крупнейших центров зиёрат-туризма в исламском мире 21-23 февраля 2019 года был проведён Первый Международный форум по зиёрат-туризму. В ходе Форума был подписан меморандум между ГУП "Национальный PR-центр" при Государственном комитете Республики Узбекистан по развитию туризма, ассоциациями "MATTA" (Малайзия), "Crescent Rating" (Сингапур), Фондом продвижения Джакарты (Индонезия) о сотрудничестве в рамках рейтинга "Global Muslim Traveler Index".

Государственным комитетом по развитию туризма совместно с организацией “Crescent Rating” были разработаны предложения и рекомендации по развитию в нашей стране паломнического туризма.

На основе этих рекомендаций в международных аэропортах были созданы условия, необходимые для совершения молитв. В нашей стране по малайзийскому стандарту MS 2610:2015 “Muslim friendly hospitality services. Requirements” разработан проект стандарта “O‘z DSt:2018. Туристические услуги. Мусульманское гостеприимство. Требования”. Важнейшее событие в сфере паломнического туризма – внедрение впервые в нашей стране стандарта “Халяль”.

9 февраля 2021 г. был подписан Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию внутреннего и паломнического туризма в Республике Узбекистан», а также 24 февраля принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по развитию внутреннего и паломнического туризма».

В целях создания благоприятной и удобной внутренней и международной паломнической туристской среды в данных нормативных документах поставлены задачи: по введению в переделах установленной численности заместителей председателя Комитета (на нынешний момент заместителей министра Туризма и спорта) должность заместителя председателя (заместителя министра) по развитию паломнического туризма; по образованию в организационной структуре Комитета (на нынешний момент министерства Туризма и спорта) Департамент по развитию паломнического туризма в составе 9 штатных единиц за счет планового сокращения штатных единиц в 2021 году; по созданию и развитию спутникового телеканала

паломнического туризма «Имам Бухари», вещающего на индонезийском, бенгальском, малайском, турецком, арабском языках, на хинди, урду, пушту и других иностранных языках, предусмотрев осуществление деятельности корреспондентов телеканала в зарубежных странах.

Начиная с 2021/2022 учебного года для студентов 3-4 курсов высших образовательных учреждений, готовящих специалистов по иностранным языкам, вводится учебная программа по паломническому туризму.

В современной информационной системе успех бизнеса в некоторых отраслях напрямую связан со скоростью обмена информацией и скоростью ее передачи, актуальностью, адекватностью, полнотой и своевременностью передачи и принятия информации. Эффективное развитие туристического бизнеса также предполагает внедрение современных информационных технологий, в частности, умных технологий в каждом процессе, связанном с разработкой туристической продукции и ее своевременной доставкой потребителям (туристам). Это решение в развитии туризма стало актуальным особенно в период пост пандемии, когда информационные технологии играют роль важного рычага в восстановлении сферы туризма.

Раньше туристов можно было легко узнать по картам и путеводителям в руках. Сегодня путешественников выдает привычка постоянно пользоваться смартфоном или ноутбуком – всю необходимую информацию современный путешественник добывает в Сети. Интернет дает возможность не только узнать, какие места достойны посещения в определенном городе, но и подобрать себе ночлег, купить билеты на самолет и многое другое. Сегодня специальные онлайн-сервисы для туристов имеют массу полезных функций – туризм взял на вооружение digital и зарабатывает на нем.

Учитывая тенденции развития туризма в период пост пандемии, актуальными являются вопросы развития умных технологий в сфере туризма. Уделив внимание на решение этих задач, коллектив Самаркандского института экономики и сервиса работает над инновационным проектом «Создание электронной платформы E-ziyorattourism».

Многофункциональная электронная платформа «E-ziyorattourism» будет включать функции: мультиязычности; выбор объекта; выбор маршрута; просмотр информации об объекте в разных форматах (фото, текст, аудио); просмотр списка объектов паломнического туризма; просмотр информации о достопримечательностях; просмотр онлайн карты с отображением туристических объектов; поиск объектов на карте; прокладывание маршрута от местонахождения до объекта; просмотр фотоматериалов объекта; прослушивание аудио рассказа о достопримечательностях; поддержка списка избранных достопримечательностей; контроль движения путешественника по маршруту; фиксация пройденного маршрута и т.д.

Э.Т. Ахмедов – Банк-Молия академияси ТББ-1 тингловчиси

ТИЖОРАТ БАНКИ ФИЛИАЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада тижорат банки филиаллари фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари акс эттирилган. Мамлакатимизда тижорат банки филиаллари фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари ривожлантириш зарурияти мақолада ўз аксини топган.*

Калит сўзлар: *Банк, инвестиция, инновация, молия бозорида, кредит, депозит, ҳисоб-китоб, тўлов.*

Abstract: *This article describes ways to increase the efficiency of commercial bank branches. The need to develop ways to increase the efficiency of commercial bank branches in our country is reflected in the article.*

Keywords: *Banking, investment, innovation, financial market, credit, deposit, settlement, payment.*

Аннотация: *В статье описаны способы повышения эффективности работы отделений коммерческих банков. В статье отражена необходимость разработки способов повышения эффективности работы отделений коммерческих банков в нашей стране.*

Ключевые слова: *Банковское дело, инвестиции, инновации, финансовый рынок, кредит, депозит, расчет, платеж.*

Кириш. Молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди[1].

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги янгиланган қонунлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

[1] 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида ПФ-5992-сон 12.05.2020

Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим.

Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда. Мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш, унда молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, капиталлашув ва ликвидликни ошириш борасида олиб борилган ислоҳотлар самарасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Айниқса, кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ва молия бозорларини таҳликали ҳолатга келтирган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республика банкмолия тизимида кузатилаётган барқарор натижавийлиги, шу жумладан, тижорат банклар тизими капиталлашуви ва ликвидлигининг сақлаб қолиниши олиб борилган ислоҳотларнинг амалий натижасидир. Маълумки, жадал ислоҳотлар шароитида республика молия тизимининг муҳим бўғинларидан бири бўлган тижорат банкларни самарали ва барқарор фаолият юритиши мамлакат иқтисодиётини янада тараққий эттириш ва унинг пулкредит сиёсатини самарали ташкил қилиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3066 қарорида иқтисодиётнинг барча соҳаларида бўлгани каби тижорат банклари бошқарув тизимини давр талабларига мос равишда олиб бориш ва тижорат банклар фаолияти барқарорлигининг жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беришини талаб этади[1]. Ўзбекистон Республикасини яқин беш йилда барқарор тараққий эттиришда Ҳаракатлар стратегияси банк тизими учун ҳам янги ривожланиш босқичини бошлаб берди. Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислоҳотлар туфайли соҳада сезиларли силжиш ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг банклари фаолиятни ўзгартириш ва банк стратегияларини жорий этиш нуқтаи назаридан учта тенденцияни бошидан кечирмоқда[2] :

1) қайта тартиблаштириш (дерегуляция) ёки эркинлаштириш;

2) молиявий инновацияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш;

3) глобалашув жараёнини эътиборга олган ҳолда миллий банкларнинг жаҳон молиявий бозорларига интеграциялашувини кучайтириш. Бу тенденциялар бир-бирини инкор этмаган ҳолда ўзаро алоқадордир. Банклар фаолиятини эркинлаштириш таъсирида депозитларга белгиланувчи фоиз ставкаларида чегараларнинг олиб ташланиши натижасида янги «молиявий инновацион»

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

[2] Kent Mathews and John Tompson.The economics of banking.Third edition.»WILY», 2014.

депозитлар учун тўланадиган ўзгарувчи фоиз ставкалари жорий этилмоқда. Инновация жараёни – янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд – янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш. «Инновациялар» тушунчаси банк фаолияти соҳаларининг барчасида киритиладиган янгиликларга нисбатан қўлланиши мумкин ва уларга қуйидаги хислатлар хосдир: янги технологиялардан фойдаланиш; маҳсулот янгилиги; бозор талабини қондириш; тижорат нуқтаи назаридан амалга ошириш. Демак, инновацион банк маҳсулоти – янги ёки модификацияланган кўринишдаги маҳсулотлар ва уларни бозорда сотиш (амалга ошириш) кўринишидаги инновацион фаолиятнинг якуний натижасидир; инновацион фаолият янги ва модификацияланган маҳсулот ва/ёки уларни бозорда сотиш борасида технологик жараёнлар яратишдан иборат.



1-расм. Банкларда молиявий инновацияларнинг яратилиш жараёни[5].

Банкларнинг рискларни бошқариш борасидаги сиёсати унинг активлари ва пассивларини шакллантиришда ўзаро қарама-қарши бўлган ликвидлиликфойдалилик ҳамда рисклилик кўрсаткичлари ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлашга қаратилиши лозим. Глобаллашув жараёни банклар томонидан «хавфсизлик» муаммосини ҳал қилишга эътиборини кучайтирди. Умуман, «хавфсизлик» муаммоси иккита жараённи бирлаштиради:

1) банклар ўзларининг бозор активларини – уй сотиб олиш ва енгил машина қарзларини – қимматли қоғозлар бозорига йўналтиради. Хориж тажрибасида бу Asset-backed securities (ABS) деб аталади.

2) Банк менежменти ҳам ҳар бир бизнес ташкилоти каби, албатта ўз миссияси, узоқни кўра билиш, мақсади, вазифалари, стратегияси ва тактикасига эга бўлмоғи лозим. Жумладан, «Давр банк» хусусий акционерлик тижорат банки учун

миссиясини: «Биз аҳоли ва тадбиркорларга беғараз молиявий кўмак берамиз», келажакни кўра билишини (vision): «халқаро миқёсда фаолият олиб борувчи ва халқаро андозали тижорат банки бўлиш» мақсади эса: «барқарор ва иқтисодий самарали банкка айланиш», вазифаларини: «рақобатбардош ва рискка чидамли банк бўлиш», стратегиясини: «энг паст таннарх асосида фаолият олиб бориш», тактикасини: «рақобат ва кооперация асосида иш юритиш» ни таклиф этамиз.

2) молиявий воситачиликка қарши бўлган жараён, яъни капитал бозорларидан тўғридан-тўғри қарз олиш ҳисобланади. Тараққиёт шу тарзда давом этса, келгусида банкларнинг тузилиши ўзгариб, Лувеллен (1996) таъкидлаганидек, «контракт банклар» мақомини олади[1]. Тижорат банклари менежментида муқобил банк стратегиясини ишлаб чиқишда асосий эътибор ташқи муҳитни ўрганиш, жаҳондаги ва мамлакат ичкарисидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва техникавий омиллардаги ўзгаришларни кузатиш ва эътироф этиш зарур. Иккинчи босқичда тижорат банкларининг ички ресурслари, имкониятлари ва потенциали таҳлил қилишиб банкнинг афзалликлари ва заиф жиҳатлари аниқланади ва кейинчалик банкнинг ривожланиш ва рақобат стратегияси қабул қилинади. Ўзбекистонда банклар филиаллари ва бўлимлари сони кўпайиши рақобатнинг кучайишидан далолат беради. Шу вазифаларни бажариш нуқтаи назаридан банк операциялари ва хизматларини бошқариш функцияларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Тижорат банклари мотивларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш босқичлари қуйидагилардан иборат (2-расм):



3-расм. Тижорат банклари менежментида муқобил банк стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни[7].

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 7 майдаги 14/2-сонли қарорига асосан тасдиқланган «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги

[1] Kent Mathews and John Tompson.The economics of banking.Third edition. «WILY», 2014.p.18

низомга мувофиқ, банк фаолияти ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган рискларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш талаби белгиланган. Бироқ рискларни бошқариш сиёсатининг устувор йўналишлари, рискларни бошқариш стратегиялари, шунингдек, тактик чоралари бўйича аниқ талаб ва кўрсатмалар белгиланмаган. Фикримизча, мамлакатимиз банк амалиётида операцион рискларни баҳолашни такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини таклиф этиш мумкин: баҳолаш ва таҳлил қилишнинг сифат усулларини ривожлантириш йўли билан рискларни ўлчаш усулини такомиллаштириш. баҳолаш объектини кенгайтириш йўли билан рискларни баҳолашни такомиллаштириш. Кредит фаолиятининг асосий операцион рискларидан бири сифатида ходимлар малакаси ва банк жараёнлари сифатини баҳолаш ва таҳлил қилишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса

1. Мамлакатда банк тизимини ривожлантириш, унда молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, капиталлашув ва ликвидликни ошириш борасида олиб борилган ислоҳотлар самарасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Жаҳон молия бозорида давом этиб келаётган инқирозли жараён банк фаолияти барқарорлигини кучайтириш билан боғлиқ бўлиб, бунда мамлакат миқёсида олиб борилган охирги йиллардаги кескин ислоҳотлар ва банк амалиётидаги либераллаштириш сиёсати таҳликали вазият ва халқаро банк молия муносабатларида банкларнинг капиталлашув ва ликвидлилик даражасини ошириш, кредитлаш механизмини такомиллаштириш, турли тоифадаги риск даражасини пасайтириш тижорат банклар барқарорлигини таъминлашни тақозо этади.

2. Мамлакатимиз банк хизматлари бозорида фаолият юритаётган тижорат банкларда инновацион бошқарув технологияларини қўллаш, менежментни ривожлантириш асосида тижорат банкининг бошқарув тизимини тақомиллаштириш учун менежментнинг янги самарали концепциялари жумласига кирувчи «севен ес», «бизнес ғилдираги» сингари тамойилларни бошқарувга киритиш, ҳар бир банкларнинг миссияси, келажаги, мақсади, вазифалари, стратегияси ва тактикасини аниқ белгилаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қуватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 4058-сон Фармони. 2008 йил 28 ноябрь.

3. Ўзбекистон республикасининг 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида ПФ-5992-сон 12.05.2020

4. http://cbu.uz

Xudoyberdiyev S.I. – SamISI “Oliy matematika” kafedrasi assistenti
Urazov.S.Sh. – SamISI “Menejment” kafedrasi assistenti
Ziyatova O.O. – Samarqand shahar XTBga qarashli 17-umumta’lim maktabi matematika fani o’qituvchisi

TALAB VA TAKLIF MODELLARINI SODDA FUNKSIYALAR ORQALI IFODALASH

Annotatsiya: *Ushbu maqolada talab bilan narx orasida, shuningdek taklif bilan narx orasida bog‘lanishlar chiziqli va chiziqsiz bo’lishi o’rganilgan.*

Kalit so’zlar*: otimal yechim, model, tezlik, parametir, narx*

Аннотация: *В этой статье исследуется взаимосвязь между предложением и ценой, а также между предложением и ценой, линейная и нелинейная.*

Ключевые слова: *оптимальное решение, модель, скорость, параметр, цена.*

Annotation: *In this state issleduetsya vzaimosvyaz mejdu predlojeniem i tsenoy, a takje mejdu predlojeniem i tsenoy, lineynaya i nelineynaya.*

Key words: *optimalnoe reshenie, model, speed, parameter, tsena.*

Agar korxonaning ishlab chiqarilgan mahsulotiga talab noma’lum bo‘lsa, bu korxonaning mahsulotlardan olinadigan umumiy foyda ham noma’lum bo’ladi. Bizga ma’lumki taqsimot masalalarida, talab va takliflar aniq qiymatga ega. Shuning uchun bu masalani yechganda maqsad funksiyaning otimal qiymatini aniqlash muhim ahamiyatga ega. Shunday ekan talab va taklif miqdori narx bilan bog’langan. Bu bog’lanishlarni aniqlash uchun talab bilan narx orasida, shuningdek taklif bilan narx orasida bog‘lanishlar chiziqli va chiziqsiz bo‘lish hollarini qaraymiz.

I.Sodda hollarda talab modellarini tuzish.

Agar x deb narxni y deb talab miqdorini belgilakak, $y = f(x)$ bog‘lanish talab jarayonining matematik modelini anglatadi. Agar $f(x)$ ya’ni funksiya chiziqli bo‘lsa, $f(x)$ ni

$$y = kx + b \qquad k < 0, \quad b \geq 0$$

ko‘rinishida izlash lozim. Agar $f(x)$ funksiyasi chiziqsiz bo‘lsa, uni

$$y = \frac{a}{k} + b \quad a > o, \; b > o$$

ko‘rinishida izlash lozim. Bu funksiya uchun

$$y' = -\frac{a}{x^2} < o, \quad y'' = \frac{2a}{x^3} > o$$

bo‘ladi. Demak, funksiya qavariq.

Kuzatuvlar natijasida narx va talab uchun qo‘ydagi ma’lumotlar olingan bo‘lsin.
$(x_1 < x_2, \; y_1 < y_2, \; x_1 > o, \; x_2 > o, \; y_1 > o, \; y_2 > o)$:

x	x_1	x_2
y	y_1	y_2

Talab funksiyasi chiziqli $y = kx + b$ bo‘lsin. Shu to‘g‘ri chiziq ikkita $(x_1; y_1)$ $(x_2; y_2)$ nuqtadan o‘tadi, uning tenglamasi esa quyidagi ko‘rinishni oladi:

$$y = \frac{y_2 - y_1}{x_2 - x_1} \cdot x + \frac{x_2 \cdot y_1 - x_1 y_2}{x_2 - x_1} \qquad (1).$$

Agar $f(x)$ funksiyasi chiziqsiz bo‘lib, $y = \frac{a}{x} + b$ ko‘rinishda bo‘lsa, yuqoridagi jadvaldan foydalanib, a va b parametirlarini topamiz:

$$a = \frac{x_1 x_2 (y_2 - y_1)}{x_1 - x_2} > o, \qquad b = \frac{y_1 (x_1 - x_2)}{x_2 (y_2 - y_1)} > o \qquad (2)$$ bo‘ladi.

II.Sodda hollarda taklif modellarini ko’rish.

Yuqoridagidek x narxni, y esa taklifni anglatsin ular orasidagi munosabatni $y = f(x)$ funksiya ko‘rinishida yozamiz. Bu funksiya o‘suvchi bo‘ladi, ya’ni $f'(x) > o$, $x > o$, taklif funksiyasi chiziqli $y = kx + b$, $k > o$ ko‘rinishida yoki chiziqsiz $y = a\sqrt{x} + b$, $a > o$ ko‘rinishida izlash mumkun.

Taklif funksiyasi chiziqli bo’lganda va taklif uchun $y_1 < y_2$ ekanligini nazarda tutgan holda taklif funksiyasi uchun (1) formulani ko‘llash lozim.

Taklif funksiyasi chiziqsiz bo‘lganda unda a va b parametirlar uchun

$$a = \frac{y_2 - y_1}{\sqrt{x_2} - \sqrt{x_1}} > o, \quad b = \frac{\sqrt{x_2} y_1 - \sqrt{x_1} y_2}{\sqrt{x_2} - \sqrt{x_1}} > o$$

hamda, chiziqsiz taklif funksiyasi modeli ushbu

$$y = \frac{y_2 - y_1}{\sqrt{x_2} - \sqrt{x_1}} \sqrt{x} + \frac{\sqrt{x_2} \cdot y_1 - \sqrt{x_1} \cdot y_2}{\sqrt{x_2} - \sqrt{x_1}} \qquad (3)$$

funksiyasi bilan tasvirlanadi.

Har ikki jarayonga misollar.

I.Talab va narx funksiyasini qaraymiz: Bizga qo‘ydagi jadval berilgan bo‘lsin,

x	10	15	20
y	25	18	?

Talab funksiyasini chiziqli ko‘rinishida yozamiz: $y = kx + b$, $k < o$, $b > o$. Sodda hisoblashlar yordamida $k = -\frac{f}{5}$, $b = 39$ topamiz. Demak, model $y = -\frac{7}{x} + 39$ ko‘rinishida bo‘ladi. Agar $x = 20$ bo‘lsa $y(20) = -\frac{7}{5} \cdot 20 + 39 = 11$ bo‘ladi. Bu sodda holda bashorat qilishdir.

Yendi chiziqsiz talab funksiyasini $y=\frac{a}{x}+b$ ko‘rinishida olamiz jadval elementlari bo‘yicha a va b larni topamiz $a=210$ $b=4$. Demak chiziqsiz funksiya $y=\frac{210}{20}+4=14{,}5$ ko‘rinishida bo‘ladi, natijalarni jadvalni uchunchi ustuniga qo‘yamiz.

Xulosa. Talab egri chiziq bo‘ylab kamaysa, talabning kamayish tezligi to‘g‘ri chiziq bo‘ylab kamayganidagi tezlikdan kam bo‘ladi. Demak, talab funksiyasini chiziqsiz ko‘rinishda izlash maqsadga muvofiqdir.

II.Taklif va narx funksiyasini qaraymiz: Qo‘ydagi jadval berilgan bo‘lsin,

x	4	9	16
y	20	40	?

Taklif funksiyasi chiziqli holda qaraylik u holda, sodda hisoblashlar ko‘rsatadiki $k=4,\ \ b=4.$ Demak chiziqli taklif funksiyasi $y=4x+4$ ko‘rinishiga ega. Ravshanki $x=16$ da $y(16)=4\cdot16+4=68$.

Taklif funksiyasi chiziqsiz bo‘lganda, ya’ni $y=a\sqrt{x}+b$ $a>o$ ko‘rinishida sodda hisoblashlardan $a=20$, $b=20$ bo‘ladi. Demak (3) funksiyaga asosan $y=20\sqrt{x}-20$ bo‘ladi. Ravshanki $x=16$ $y=20\sqrt{16}-20=60$ bo‘ladi.

Xulosa. Chiziqli holda narx $x=16$ bo‘lganda 68 birlik taklif qilinsa chiziqsiz bo‘lganda 60 birlik taklif qilinadi ko‘rinadiki, chiziqli holda bozorga 8 birlik tovar ortiqcha olib boriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Канторович Л.В., Горстко А.Б. Математическоэ оптималное программирование в экономике. -М.: Знание. 1968.

2. Кринский Х.З. Математика для экономистов. -М.: Изд. “Статистика”,1970.

3. G’.Nasriddinov Iqtisodiy-matematik modellar va usullar. -T.:O’zbekiston 2011.

Махмудходжаев А.Ю. – Молия вазирлиги Давлат ривожлантириш дастурларини молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари – бошқарма бошлиғи

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: *Мазкур мақолада иқтисодиёт тармоқларида инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳамда ҳалқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш орқали иқтисодиётга таъсири бўйича илмий ёндашувлар, шу билан бирга тижорат банклари томонидан инвеститция фаолиятини ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *Иқтисодиёт, банк, инвестиция, инвестиция фаолияти, ҳалқаро молия институтлари, кредит, фоиз ставкаси, ишлаб чиқариш.*

Аннотация: *В статье анализируются источники финансирования инвестиционной деятельности в отраслях экономики и ситуация с привлечением средств международных финансовых институтов. Также разработаны научные подходы к влиянию на экономику через инвестиции, а также предложения по развитию инвестиционной деятельности коммерческих банков.*

Ключевые слова: *Экономика, банк, инвестиции, инвестиционная деятельность, международные финансовые институты, кредит, процентные ставки, производство.*

Abstract: *The article analyzes the sources of financing of investment activities in the sectors of the economy and the situation with the attraction of funds from international financial institutions. Also, scientific approaches to influencing the economy through investment have been developed, as well as proposals for the development of investment activities of commercial banks.*

Keywords: *Economics, banking, investment, investment activities, international financial institutions, credit, interest rates, manufacturing.*

Кириш. Иқтисодиётда ишлаб чиқаришни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ва унда хорижий инвестициялар, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб қилиш билан бирга, қўшимча молиялаштириш манбасини топиш имконини беради.

Мамлакатнинг 5 йиллик бош режаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси)да таъкидланганидек, мамлакатимиз “иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”[1]га йўналтирилган сиёсатни мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш орқали амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда мамалакатимизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, оила даромади ва унинг фаровонлиги, янги иш ўринларининг ташкил этилиши айнан ушбу тадбиркорлик ривожи ҳиссасига тўғри келмоқда.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

Шу жумладан, мамлакатимизда маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологияли ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ташкил этишга қаратилган инвестиция сиёсатини янада фаоллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[1].

2017-2021 йилларда Инвестиция дастури доирасида Давлат бюджети ҳисобидан йўналтирилган маблағлар тўғрисидаги
ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

№	Кўрсаткичлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
		объект сони	Ижро	объект сони	Ижро	объект сони	Ижро	объект сони	Ижро	объект сони	Режа
	Жами	**1 842**	**7 364,6**	**2 949**	**12 705,3**	**3 630**	**20 466,1**	**5 253**	**15 828,3**	**2 029**	**17 700,0**
1	**Маъмурий, инфратузилма, сув хўжалиги ва бошқа объектлар**	**404**	**3 162,5**	**754**	**5 400,6**	**975**	**8 258,6**	**1 264**	**4 705,8**	**683**	**8 050,0**
1.1	*Республика вазирлик ва идоралар*	248	1 773,2	497	3 017,5	648	3 899,4	670	3 587,7	392	5 388,9
1.2	*Ҳудудий ҳокимликлар объектлари*	156	1 389,3	257	2 383,1	327	4 359,2	594	1 118,0	291	2 661,1
2	**Автомобиль йўллари**	57	1 840,7	82	2 293,8	77	2 940,6	1 978	2 252,6	102	2 200,0
3	**Ижтимоий соҳа объектлари**	**1 053**	**1 998,4**	**1 175**	**3 749,6**	**1 730**	**6 616,9**	**1 292**	**6 295,5**	**856**	**5 450,0**
3.1	*Мактабгача таълим муассасалари*	*306*	*255,6*	*375*	*1 261,4*	*525*	*1 804,3*	*434*	*1 461,1*	*225*	*900,0*
3.2	*Умумтаълим мактаблари*	*486*	*702,0*	*360*	*739,4*	*771*	*1 932,4*	*532*	*2 010,3*	*432*	*2 250,0*
3.3	*Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб интернатлари*	*61*	*75,8*	*14*	*75,0*	*8*	*56,5*	*13*	*101,8*		
3.4	*Тиббиёт муассасалари*	*173*	*528,5*	*370*	*1 097,8*	*344*	*1 894,7*	*263*	*1 995,4*	*131*	*1 400,0*
3.5	*Илмий тадқиқот институтлари*			*8*	*26,5*	*12*	*32,3*	*13*	*43,3*	*14*	*50,0*
3.6	*Болалар мусиқа ва санъат мактаблари*	*8*	*47,4*	*6*	*25,4*	*12*	*66,6*	*2*	*7,6*	*18*	*150,0*
3.7	*Олий таълим муассасалари*	*19*	*389,3*	*42*	*524,1*	*58*	*830,1*	*35*	*676,1*	*36*	*700,0*
4	**Мелиорация соҳаси**	**161**	**239,6**	**173**	**279,5**	**185**	**436,5**	**151**	**288,4**	**84**	**300,0**
5	**Ичимлик ва оқава суви таъминоти**			**329**	**717,8**	**305**	**1 661,5**	**383**	**1 914,5**	**147**	**1 100,0**
6	**Оролбўйи минтақасини ривожлантириш**	**167**	**123,5**	**436**	**264,0**	**303**	**302,8**	**149**	**202,2**	**102**	**200,0**
7	**Жисмоний тарбия ва спорт объектлари**					**55**	**249,2**	**36**	**169,3**	**55**	**400,0**

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон республикасининг 2020 -2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4563-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон

Давлат инвестиция дастурлари доирасида ажратилган бюджет маблағлари таҳлил этадиган бўлсак, 2017 йилда объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун 7,3 трлн.сўм молиялаштириб берилган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20,4 трлн.сўм ёки 2,8 баробарга ошди.

Шу билан бирга, 2020 йилда коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, ушбу Жамғармадан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағларни инобатга олган ҳолда **15,8 трлн.сўм** молиялаштириб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сонли “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2021 йилда Давлат инвестиция дастури доирасида **17,7 трлн.сўм** ажратиб бериш кўзда тутилган, жумладан:

683 та маъмурий, инфратузилма, сув хўжалиги ва бошқа объектлар учун 8,0 трлн.сўм;

856 та ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 5,5 трлн.сўм;

автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция ишлари учун – 2,2 трлн.сўм

ичимлик ва оқава сув таъминоти учун – 1,1 трлн.сўм;

мелиорация соҳасига – 0,3 трлн.сўм ва бошқалар.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, истиқболли инвестицияларни дастурларини марказлашган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган механизмларини амалга ошириш келгусида иқтисодий барқарорликни таъминлашга ва аҳолини бандлик даражасини ошириш ва камбағаликкни қисқартиришга зарурий омил ҳисобланади.

Urazov S.Sh. -SamISI assistenti

TA'LIMDAGI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR

Annotasiya. *Maqolada iqtisodiyotni, oliy ta'limni o'zgartiradigan raqamli transformatsiyalarning asosiy yo'nalishlari ko'rib chiqildi. Ta'lim jarayoni uchun raqamli texnologiyalar o'quv ishlari samaradorligini oshirish uchun zarur, ammo ta'lim va tarbiya ishlarini yaxshilashga imkon beradigan raqamli texnologiyalarni joriy etish bo'yicha tadqiqotlar o'tkazildi.*

Kalit so'zlar: *raqamli texnologiyalar, ta'lim tizimi, raqamli transformatsiya, o'quv ishlari, talabalar, o'qitish, o'qituvchi, Internet, oliy ta'lim, raqamlashtirish, raqamli iqtisodiyot, onlayn ta'lim.*

Аннотация. *В статье рассматриваются основные направления цифровых трансформаций, меняющих экономику, высшее образование. Для образовательного процесса цифровые технологии необходимы для повышения эффективности*

воспитательной работы, но были проведены исследования по внедрению цифровых технологий, которые могут улучшить образование и воспитание.

Ключевые слова: *цифровые технологии, система образования, цифровая трансформация, учебная работа, студенты, обучение, преподаватель, интернет,высшее образование, цифровизация, цифровая экономика, онлайн-обучение.*

The article examines the main directions of digital transformations that are changing the economy and higher education. For the educational process, digital technologies are necessary to increase the effectiveness of educational work, but research has been carried out on the introduction of digital technologies that can improve education and upbringing.

Key words: *digital technologies, education system, digital transformation, educational work, students, training, teacher, Internet, higher education, digitalization, digital economy, online education.*

Iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida raqamli transformatsiyalar o'tkazilmoqda. Inertlik va hatto qattiqqo'llikka qaramay, ta'lim istisno emas.

Oksford olimlari Karla Freya va Maykla Osbornaning tadqiqotlariga ko'ra, o'qituvchi, murabbiy va menejerning kasb-hunarlari robotlashtirish natijasida inqirozga duch kelmaydi. Shu bilan birga, ta'limni raqamlashtirish bekor qilinmagan va unga moslashish, yangi vositalarni o'zlashtirish va yangi ko'nikmalarni egallash zarur bo'ladi.

Mehnat bozori bitiruvchilarni tayyorlash uchun sifat jihatidan boshqacha tarkibni talab qiladi. Raqamlashtirish nafaqat ta'lim mazmuniga, balki uni tashkil etishga ham ta'sir qiladi[1]. Ushbu jarayonlar universitetlar va professor-o'qituvchilarning joylashuvi uchun turli xil ta'sir ko'rsatmoqda.

Raqamli texnologiyalarning (RT) hayotning barcha sohalariga kirib borishi ommaviy ishchidan yangi sifat ta'limini talab qiladi. Bugungi kunda mavjud bo'lgan ta'lim tizimi tomonidan shakllanadigan boshlang'ich savodxonlik etarli emas, xodimlarning 50% dan ortig'i ishni savodxonlikning kerakli darajasi kompyuter bilan almashtirilishi mumkin bo'lgan ishlarni bajaradi. Ularning atigi 13 foizida savodxonlik darajasi intellektual kompyuter tizimlari darajasidan yuqori. Shu bilan birga, umumiy savodxonlik darajasi yuqori bo'lgan ishchilar nisbati ikkiminginchi yillarga nisbatan kamaydi. Zamonaviy ta'lim tizimi tub o'zgarishlarga muhtoj.

Olimlar Kramarenko N.S., Kvashina A.Yu., Karakozova S.D., Uvarova A.Yu., Akimovoy O.B.larning tadqiqotlari shuni ko'rsatdiki, o'qituvchilarning resurslari cheklanganligi va raqamli savodxonligi etarli emasligi sababli, raqamli transformatsiya ta'lim tashkilotlariga kech va notekis ta'sir ko'rsatmoqda. so'nggi o'n yilliklarda amalga oshirilgan ta'lim islohotlari samarasiz bo'lib chiqdi.

Raqamli inqilob o'zi bilan duch kelgan muammolarni hal qilish uchun vositalarni olib keldi. O'z ishida raqamli texnologiyalar va vositalardan mohirona foydalanadigan odamning intellektual ishi samaradorligi sezilarli darajada oshadi. Siyosatshunoslar va iqtisodchilar ko'pincha shunga o'xshash ta'sirni ta'lim sohasida kuzatilishi kerak, deb

hisoblashadi va ta'lim tashkilotlari sifatini oshirishda yagona to'siq RT mablag'lari etishmasligi oqibatida kelib chiqadigan texnologik raqamli bo'linishdir. Mahalliy va xalqaro tajriba shuni ko'rsatadiki, o'quv jarayoni ishtirokchilari o'rtasida RTning mavjudligi ta'lim va tarbiya ishlari samaradorligini oshirish uchun zarur, ammo etarli bo'lmagan shartdir. RTning tarqalishi individual ijodkor o'qituvchilar ishini yaxshilashga yordam beradi, ammo ular an'anaviy ravishda tashkil etilgan o'quv jarayoni samaradorligini oshirishga qodir emaslar.

Internetga va mobil kompyuterlarga (noutbuklar, planshetlar, smartfonlar va boshqalar) kirishni kengaytirish RTga ega bo'lganlar va kirish imkoni bo'lmaganlar o'rtasida raqamli tafovutni bartaraf etishga yordam beradi. Bu texnologik bo'shliqdir.

Mobil qurilmalar va Internetning ko'payishi raqamli bo'linishni asta-sekin yopmoqda. Kelgusi yillarda bu bo'shliq muhim omildan ahamiyatsizga aylanadi. Raqamli bo'linish texnologiyasi ko'paygan sari, yangi raqamli bo'linish o'sib bormoqda. Bu RTni tadqiqot, kuzatish, loyihalash kabi nostandart ishlarda ijodiy foydalanishga qodir bo'lganlar va faqat odatdagi operatsiyalar uchun RTdan foydalanishga qodir bo'lganlar o'rtasidagi tengsizlikka bog'liq [2]. RT paydo bo'lgan barcha sohalarda, barcha ijtimoiy guruhlar orasida yangi "raqamli bo'linish" o'sib bormoqda va bu maktablar va universitetlarda boshlanadi. Yangi raqamli bo'linishni bartaraf etish tarkibni yangilash bilan bog'liq va ta'limning dolzarb vazifalaridan biriga aylanmoqda.

Ko'pgina olimlarning fikriga ko'ra, bugungi kunda kompyuter barcha turdagi ma'lumotlar bilan ishlashning birinchi universal ommaviy vositasiga aylanmoqda [6]. Zamonaviy kompyuter dasturlari tasvirlar, tovush, video materiallar va matnlar bilan, hisob-kitoblar bilan, turli xil ob'ektlarning axborot modellari bilan va hokazolarda yangi usulda ishlashga imkon beradi [3]. Ta'lim bo'limi xodimlari va metodistlari kelgusi yillarda yangi raqamli axborot vositalarining keng tarqalishini hisobga olgan holda ta'lim natijalariga nisbatan an'anaviy qarashlarni o'zgartirishi kerak. Ular talab qilinadigan ta'lim natijalariga erishishni sinab ko'rish va umumiy ta'lim mazmunini aniqlash uchun foydalaniladigan echimlarni ko'rib chiqishlari kerak.

Tadqiqotimiz sharoitida aniq echimlardan biri bu ta'lim muassasasining o'quv jarayoniga elektron axborot-ta'lim muhitini (EATM) ishlab chiqish va joriy etishdir. EATM - bu zamonaviy o'quv jarayonini ta'minlash uchun mo'ljallangan zarur komponent. EATM(elektron axborot-ta'lim muhitini) bilimlar oqimini amalga oshirish uchun zamonaviy texnologik platformalardan foydalanishi kerak, bu esa barcha ishtirokchilarga sinxron va asinxron aloqa orqali o'quv jarayonida samarali ta'sir o'tkazishga imkon beradi. EATM yordamida o'quv jarayonini to'g'ri qurish bilan ushbu yangilikning afzalliklari aniq. Biz ulardan bir nechtasini sanab o'tamiz.

1. Mavjud "texnologik bo'shliqlarni" minimallashtirish.

2. EATM(elektron axborot-ta'lim muhitini) ta'limning zamonaviy muammolarini muvaffaqiyatli hal qilishga imkon beradi.

3. O'qish yo'lini shaxsiylashtirish.

4. Vaqt va makon chegaralarini yo'q qilish imkoniyati mavjud.

EATM(elektron axborot-ta'lim muhitini)ga kirish o'qituvchi va talabaning joylashgan joyidan qat'i nazar o'qishga imkon beradi: o'rganish istalgan joyda va istalgan vaqtda bo'lishi mumkin. O'qituvchi va o'quvchining joylashuvi endi unchalik muhim emas, faqat bilim olami uchun "qo'llanma" bo'lishi kifoya. Maykopskiy davlat texnologik universiteti universitetning o'quv dasturida amalga oshiriladigan aralash ta'lim rejimiga o'tishda faol ishtirok etmoqda va universitetning EATM(elektron axborot-ta'lim muhitini) tizimini takomillashtirish ustida ishlamoqda.

EATM(elektron axborot-ta'lim muhiti)ni har bir talabaning o'quv ishlarini samarali nazorat qilishga yordam beradi. Uning mumkin bo'lgan harakatlari ko'lami tobora ortib bormoqda, shu bilan birga tarbiyaviy ishlar samaradorligi uchun mas'uliyati oshmoqda. Pedagogik dizayn talablarini hisobga olgan holda ishlab chiqilgan multimedia o'quv materiallaridan keng foydalanish, o'qituvchilarni "ta'lim mazmunini etkazib berish" mas'uliyatidan katta darajada ozod qiladi, o'quvchilarni pedagogik qo'llab-quvvatlashga, tashkiliy, pedagogik va tarbiyaviy ishlarga e'tibor berishlariga imkon beradi.

RT tez kengaymoqda va yangilanmoqda (yuqori tezlikdagi Internet; yuqori samarali raqamli mobil qurilmalar - smartfonlar, planshetlar va boshqalar; Web 3.0 vositalari - bloglar, ijtimoiy tarmoqlar va boshqalar; bulutli xizmatlar - Google, Office 365 va boshqalar) yangi avlod virtual haqiqat va sun'iy intellekt qurilmalari. Bu raqamli vositalar, materiallar va xizmatlarga kirish uchun cheksiz imkoniyatlarni ochib beradi.

Talabalar va o'qituvchilar uchun ko'plab raqobatdosh manbalar mavjudligi aniq: raqamli ta'lim manbalari, o'quv dasturlari, onlayn kurslar va turli xil onlayn xizmatlar, shu jumladan EATM(elektron axborot-ta'lim muhitini). Internet orqali mavjud bo'lgan raqamli manbalar yuz minglab o'quv materiallarini tashkil etadi, ularning yordamida o'quv materiallarini talabalarning individual xususiyatlari va ehtiyojlarini hisobga olgan holda tanlash, ularning ta'lim ishlarini farqlash va talab qilinadigan natijalarga to'liq erishish uchun haqiqiy imkoniyat mavjud. ularning har biri tomonidan ta'lim natijalari. Ta'lim muassasasida ta'lim mazmunini belgilashning asosiy vositasi ta'lim natijalariga qo'yiladigan talablar - ta'lim yutuqlari standartlari bo'lishi kerak. Ilmiy-pedagogik guruh a'zolari aniqlab olishlari va tasdiqlashlari kerak.

Shuni ta'kidlash kerakki, raqamli texnologiyalar ta'limni takomillashtirish uchun juda ko'p imkoniyatlar beradi, ammo ularni o'quv jarayoniga qo'shilish oson emas. O'z-o'zidan ta'lim muassasalarini RT bilan jihozlash ta'lim natijalarining o'sishiga olib kelmaydi. Ta'limning raqamli o'zgarishini raqamli bo'linishni bartaraf etish muammolarini hal qilish sifatida tasavvur qilish mumkin. Ta'lim tizimi, asosan, har doim axborot muhitida amalga oshiriladigan axborot ishlab chiqarishdir. So'nggi o'n yilliklarda biz "qog'oz" dan "raqamli" axborot ta'lim muhitiga o'tishni ko'rdik. Rivojlanishning turli bosqichlarida ushbu o'tish kompyuterlashtirish, axborotlashtirish, bugungi kunda esa inson faoliyatining tegishli sohasini raqamlashtirish deb nomlandi.

Shunday qilib, raqamli transformatsiyaning ochilayotgan yangi bosqichi raqamli texnologiyalarni ta'lim sohasida foydalanish uchun asos yaratadi, bu esa raqamli texnologiyalarni belgilangan vazifalarni hal qilishning qulay va ishonchli vositasiga

aylantiradi. Ta'limni raqamli ravishda o'zgartirishning mohiyati RTdan foydalanish asosida ta'lim jarayonini individuallashtirishga qaratilgan harakatdir. Uning asosiy xususiyati shundaki, RTlar ilgari an'anaviy "qog'oz" yordamida amalga oshirilishining murakkabligi tufayli ilgari ommaviy ta'limda munosib o'rin egallay olmaydigan axborot texnologiyalar yangi pedagogik amaliyotlardan (o'quv ishlarini tashkil etish va o'tkazishning yangi modellari) foydalanishda yordam beradi. Yaqin o'n yillikda ular axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining yangi yutuqlari tufayli ta'lim muassasalari faoliyatini yaxshilashga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Акимова О.Б., Щербин М.Д. Цифровая трансформация образования: своевременность учебно-познавательной самостоятельности обучающихся // Инновационные проекты и программы в образовании. 2018. №1. С. 27-34.

2. Подцероб М. Придется меняться [Электронный ресурс] // Ведомости. 2017. №4342. URL: https://www.vedomosti.ru/management/ articles/2017/06/15/694456-rinok-truda

3. Козлова Н.Ш. Актуальность обеспечения информационной безопасности в банковской системе// Актуальные проблемы технических наук: сборник статей Международной научно-практической конференции. Уфа, 2015. С. 105-108.

4. Козлова Н.Ш. Актуальность онлайн образования для IT-специалистов // Вестник Майкопского государственного технологического университета. 2018. Вып. 4. С. 80-85.

5. Козлова Н.Ш. Современные технологии в сетевой безопасности // Цифровая экономика: новая реальность: сборник статей по итогам Международной научно-практической видеоконференции, посвященной 25-летию вуза. Майкоп, 2018. С. 93-97.

6. Каракозов С.Д., Уваров А.Ю. Успешная информатизация– трансформация учебного процесса в цифровой образовательной среде // Проблемы современного образования. 2016. №2. С. 7-19.

Ш.А. Бахронов – СамИСИ ўқитувчиси

SAMARQAND VILOYATIDA TURIZM VA DAM OLISH SOHASI RIVOJLANISHINING ASOSIY KO‘RSATKICHLARI

Аннотация: *Маколада бугунги кунда .туризм ва дам олиш масканлари ташкил килиш, ривожланитириш ва юритиш. туризм ва дам олиш масканлари ўрганиб чиқилган булиб, хозирги пайтда жуда кўп туризм ва дам олиш масканлари субъеклари фаолият юритсада хисобот тақдим этишдаги яшириш холатлари хам йўқ эмас. мақолади самарқанд вилояти туризм ва дам олиш масканлари тахлил қилинган.*

Калит сўзлар: *Туризм, туризм иқтисодиёти, дам олиш ва кунгил очар масканлари*

Аннотация: *В статье рассматриваются вопросы организации, развития и сопровождения туризма и отдыха на сегодняшний день. Объекты туризма и отдыха были обследованы, и все еще имеют место случаи сокрытия отчетности, когда действуют многие объекты туризма и отдыха. В статье анализируются объекты туризма и отдыха Самаркандской области.*

Ключевые слова: *Туризм, экономика туризма, отдых и развлечения*

Annotation: *The article deals with the organization, development and maintenance of tourism and recreation today. tourism and recreation facilities have been studied, and there are still cases of concealment in reporting when many tourism and recreation entities are operating. The article analyzes tourism and recreation facilities in Samarkand region.*

Key words: *Tourism, tourism economy, recreation and entertainment*

2019 yilda Samarqand viloyatida turistik faoliyatni amalga oshiruvchi xo‘jalik yurituvchi sub’yektlar soni 68 tani tashkil qilib, ular tomonidan 52872 nafar tashrif buyuruvchiga xizmat ko‘rsatildi. O‘zbekistondan jo‘natilgan shaxslar 2910 nafarni tashkil qildi. Shundan xorijiy mamlakatlarga 596 nafar ulardan MDH mamlakatlariga 354 nafar kishi, qolgan 2314 nafar fuqarolar O‘zbekiston Respublikasi bo‘ylab safarlarni amalga oshirishgan. Birgina 2019 yilda Samarqand viloyatida xizmat ko‘rsatilgan tashriflar sonini oladigan bo‘lsak O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari – 21507, MDH davlatlari fuqarolari – 833, Xorij fuqarolari – 31365 kishini tashkil qiladi.

2019 yilda Samarqand viloyatida xizmat ko‘rsatilgan tashrif buyuruvchilarning MDH, xorijiy va O‘zbekiston fuqarolari ulushi



2019 yilda Samarqand viloyatida turistik faoliyatni amalga oshiruvchi xo‘jalik yurituvchi sub’yektlar tomonidan 26518 ta sayyohlik yo‘llanmalari sotilgan bo‘lib, ularning qiymati 152283,1 mln.so‘mni tashkil qildi.

2019 yilda sotilgan sayyohlik yo‘llanmalarining soni va qiymati

	Soni, birlikda	**Qiymati, mln. so‘m**
Sotilgan sayyohlik yo‘llanmalari jami	26518	152283.1
Ulardan bevosita aholiga shu jumladan:	20329	151941.2
O‘zbekiston hududi bo‘yicha O‘zbekiston fuqarolariga	2582	2842.8
Chet el mamlakatlari bo‘yicha O‘zbekiston fuqarolariga	301	366.5
O‘zbekiston hududi bo‘yicha MDH fuqarolariga	1383	5966.2
O‘zbekiston hududi bo‘yicha boshqa chet el mamlakatlari fuqarolariga	**16063**	**142765,7**

2019 yilda sotilgan 20329 ta sayyohlik yo‘llanmalarining barchasi aholi tomonidan sotib olingan.

2019 yilda Samarqand viloyatida jamoaviy joylashtirish vositalari



2019- yilda mehmonxonalarning toifasi bo‘yicha ulushi, *(foizda)%*



Viloyatimizda 2019 - yilda 125 ta mehmonxona mavjud bo‘lib, 1 yulduzli mehmonxonalar 28 ta, 2 yulduzli mehmonxonalar 3 ta, 3 yulduzli mehmonxonalar 12 ta, 4 yulduzli mehmon xonalar 4 ta, toifaga ega bo‘lmagan mehmonxonalar 78 tani tashkil etgan.

2019- yilda mehmonxona va shunga o‘xshash joylashtirish vositalarida joylashtirilgan shaxslarning safar maqsadlari, *kishi*.

	O‘zbekiston fuqarolari	MDH fuqarolari	Xorij fuqarolari
ta'til, bo‘sh vaqt va dam olish	29506	28014	110749
do‘stlar va qarindoshlardan xabar olish	1511	732	419
ta'lim va kasbiy tayyorgarlik	529	8	41
davolovchi va sog'lomlashtiruvchi muolajalar	587	449	157
tranzit	76	13	84
ziyorat qilish	16489	5524	8024
boshqa shaxsiy maqsadlar	13480	2482	5521
ish yuzasidan va kasbga oid maqsadlar	23641	4676	15655

2019 yilda jamoaviy joylashtirish vositalari soni 205 tani tashkil qilib, shundan 139 tasi mehmonxona va shunga o‘xshash joylashtirish vositalari bo`lib, 125 ta mehmonxona, 14 ta qisqa muddat yashashga mo‘ljallangan joylar, 39 ta ixtisoslashtirilgan joylashtirish vositalari, 18 ta individual jolashtirish vositalari qolgan 9 tasi xostel va shunga o‘xshash umumiy yotoqxonalardir.Mehmonxona va shunga o‘xshash joylashtirish vositalarida 2859 nomer, 5800 joylarmavjud. Ularda joylashtirilgan shaxslar 268367 nafarni tashkil etdi. Joylashtirilganshaxslarning 85819 nafari O‘zbekiston fuqarolari, 41898 nafar MDH fuqarolari,140650 nafari esa xorijiy davlatlar fuqarolarini tashkil etadi.

Уразов С.Ш. – СамИСИ ассистенти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ МУҲИТИДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация. *Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт муҳитида нодавлат таълим хизматларининг ўрни ёритиб берилган. Таълим тизими ривожланган хорижий мамлакатлар нодавлат таълим хизматлари соҳаси таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *таълим хизматлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, нодавлат таълим хизматлар, нодавлат таълим хизматлари ривожланишида хориж тажрибаси.*

Аннотация. *В этой статье подчеркивается роль негосударственных образовательных услуг в цифровой экономике. Анализируется сфера негосударственных образовательных услуг в развитых странах с развитой системой образования.*

Ключевые слова: *образовательные услуги, негосударственные и некоммерческие организации, негосударственные образовательные услуги, негосударственные образовательные услуги, зарубежный опыт в развитии негосударственных образовательных услуг.*

Abstract: *This article highlights the role of non-state educational services in the digital economy. The sphere of non-state educational services in developed countries with a developed education system is analyzed.*

Keywords: *educational services, non-state and non-profit organizations, non-state educational services, non-state educational services, foreign experience in the development of non-state educational services.*

Таълим хизматлари соҳасининг барқарор ривожланиши инсон капиталининг такомиллашувига, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал тараққиётини таъминлашга олиб келади. Шу туфайли мазкур соҳага катта аҳамият берилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш каби ижобий ўзгаришлар ҳам бевосита таълим хизматларининг сифати ва самарадорлигига боғлиқ.

Мамлакатимизнинг келажаги, тақдири, аввало, **Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг** қуйидаги сўзлари билан чамбарчас боғлиқдир: Илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарурати туғилмоқда. Халқимизда “Таълим ва тарбия бешикдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Ривожланган мамалакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин

инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт. Хусусий мактаблар ташкил этиш, давлат-хусусий шерикчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш керак деб таъкидлади[1].

Таъкидлаш жоизки, таълим хизматлари сифатини тубдан ошириш, интеллектуал, эстетик ва жисмоний баркамол авлодни шакллантиришни ҳамда ёшларга таълим беришни янги сифат даражасига кўтариш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган. Таълим тизимида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга кўмаклашиш, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасини кенгайтириш шулар жумласидандир[2].

Халқаро тажрибадан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, нодавлат таълим фаолияти билан нафақат ихтисослаштирилган муассасалар, балки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга мансуб юридик шахслар: хусусий корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар, акциядорлик жамиятлари, фондлар, бирлашмалар ва бошқалар ҳам шуғулланишади.

Таълим тизими ривожланган хорижий мамлакатларда нодавлат таълим муассасаларининг таълим тизимидаги ўрни ҳам салмоқлидир.

Масалан, биргина нодавлат умумтаълим муассасалари мисолида олиб қарайдиган бўлсак, статистик маълумотларга кўра **Германияда** уларнинг умумий ўрта таълимдаги улуши **12 фоизга**, **АҚШда 18 фоизга**, **Францияда 17 фоизга**, **Буюк Британияда эса 20 фоизга** тенг. Нодавлат умумтаълим муассасалари энг тараққий этган мамлакатларга **Испания, Ирландия ва Голландияни** мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу давлатларда нодавлат умумий таълимнинг таълим тизимидаги улуши **30 фоизга** етган.

Жумладан, Францияда нодавлат таълим фаолияти билан нодавлат нотижорат ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар, турли компаниялар, Японияда эса тижорат бирлашмалари, тадбиркорлар ва бошқа хусусий шахслар шуғулланади. Германияда ушбу соҳа субъектларининг катта қисмини оилавий корхоналар ташкил этади.

Хорижий тажрибалар давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат фуқароларнинг сифатли таълим олишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришга хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Ушбу кўрсаткичларни Ўзбекистондаги кўрсаткичлар билан солиштирадиган бўлсак, республикамизда жами ўрта умумтаълим муассасалари сони 9692 та бўлиб, уларнинг 35 таси хусусийдир. Яъни, бугунги кунда хусусий умумтаълим мактабларининг мамлакат умумтаълим тизимидаги улуши атиги 0,36 фоизни ташкил этади. Уларнинг 26 таси Тошкент шаҳрида, қолган 9 таси вилоятларда

[1]2018 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси

[2] www.uzlidep.uz/news-of-party/128

фаолият юритмоқда[1]. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида бирорта нодавлат мактаби ташкил этилмаган.

Фаолият кўрсатаётган нодавлат таълим муассасаларидан 20 таси бошланғич таълим (1-4-синфлар), қолган 23 таси умумий ўрта таълим (1-9-синфлар) босқичларига мўлжалланган, улардаги 330 та синфда 6 мингга яқин ўқувчи таълим-тарбия олади (давлат мактаблари контингентига нисбатан 0,12%).

ЮНЕСКО ва DGP Research & Consulting консалтинг ташкилоти ҳамкорлигида жалб этилган хорижий экспертлар гуруҳи томонидан миллий таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлилларда таълим сифатини яхшилашда рақобат муҳитини шакллантириш, бунда хусусий таълим секторини ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Мавжуд муаммоларни амалий бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан нодавлат таълим муассасаларига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш ва аввал ажратилган кредитлар муддатини узайтириш, таълим ва унга тегишли хизматлар бўйича барча солиқ турлари тўловларидан 2021 йилгача озод этиш, фанларни чет тилида чуқурлаштириб ўқитиш ва бу орқали таълим сифатини ошириш мақсадида таълим жараёнига хорижлик ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб этиш назарда тутилган[2].

Ўз навбатида, нодавлат таълим муассасаларига таклиф этилаётган хорижлик ўқитувчи ва мутахассисларга виза бериш, авиатранспорт, турар жой, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш ва солиқлардан озод қилиш каби масалалар ҳам ўз ечимини топган.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида муассасадаги жами ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган ҳолда таълим хизматларини кўрсатиш эвазига келиб тушган даромадлар ҳисобидан бепул (грант асосида) ўқитиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши халқ таълими тизимида соғлом рақобат муҳитини яратиш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, хорижий ўқитувчиларни жалб қилиш йўли билан аниқ ва табиий фанлар, чет тилларни чуқурлаштириб ўқитиш ва бу, ўз навбатида, ёшларнинг дунё меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали мутахассис кадр сифатида жаҳон ҳамжамиятида

[1] http://huquqburch.uz/uz/view/4640

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сон қарори. www.lex.uz

мамлакатимиз нуфузини оширишига, баркамол инсон бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Умуман олганда қабул қилинаётган қарорлар нодавлат таълим муассасалари сектори кенгайиши, республиканинг ҳар бир туман ва шаҳридаги фуқаролар таълим хизматларидан фойдаланишда танловга эга бўлиши, ёшларга муносиб таълим-тарбия бериш каби вазифаларни ўз зиммасига оладиган малакали хусусий тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Таълим тизимида нодавлат таълим тизимини йўлга қўйиш:

-биринчидан, бизнес юритиш, корпоратив бошқарув, хизмат (сервис) кўрсатиш, ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларда босқичма-босқич нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш.

-таълим сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, интеллектуал қобилиятларини руёбга чиқариш, улар салоҳиятини янада ривожлантириш

-таълим муассасаларида мақсадли чуқур тайёрлаш, ўқувчи ва талабаларнинг ижодий салоҳияти намоён бўлиши ва фаоллашишига кўмаклашиш, индивидуал истеъдодларни ва ҳар бир ўқувчининг қобилиятини намоён этишига замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда нодавлат таълим муассасаларини бугунги кун талаблари ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, таълим тизимини янада такомиллаштириш бутун мамлакатнинг ривожланишига хизмат қилади. Бу эса, пировард натижада жонажон юртимизни янада гуллаб-яшнаши, аҳоли турмуши обод ва фаровон бўлишига хизмат қилади.

Э.Ж.Қуватов – Банк-молия академияси тингловчиси

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШ БОРАСИДАГИ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аннотация: *Мақолада кичик бизнес субъектларини имтиёзли кредитлаш соҳасидаги илғор хориж тажрибаси ўрганилган, умумлаштирилган ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *кичик бизнес, кредит, кредитлаш, давлат буюртмаси, бонификация, бошланғич капитал, бизнес-режа, базавий ставка, фоиз ставкаси, пул оқими, қайта молиялаш ставкаси.*

Аннотация: *В статье исследуется и обобщается лучший зарубежный опыт в области льготного кредитования малого бизнеса и дается основание для его использования в практике Узбекистана.*

Ключевые слова: *малый бизнес, кредит, кредитование, госзаказ, бонификация, стартовый капитал, бизнес-план, базовая ставка, процентная ставка, денежный поток, ставка рефинансирования.*

Annotation: *The article examines and summarizes the best foreign experience in the field of concessional lending to small businesses and provides a basis for its use in the practice of Uzbekistan.*

Key words: *Small business, credit, lending, government order, bonification, start-up capital, business plan, base rate, interest rate, cash flow, refinancing rate*.

Тараққий этган давлатларда ва айрим ўтиш қитисодиёти мамлакатларида кичик бизнесни кредитлаш борасида катта амалий ва бой тажриба тўпланган бўлиб, улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш муҳим аҳамият касб этадиган масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрокредитбанк” Акциядорлик-тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051-сонли Фармонига асосан Микрокредитбанк томонидан бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун, бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлдиришга ва имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишга кредитлар берилади. Хусусан, Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли Фармонига асосан ишлаб чиқилган “Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида” Низомга (рўйхат рақами 1697, 2007 йил 18 июль) асосан ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратилади. Бу эса, уларнинг пул оқими барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади, банк кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга хизмат қилади. Иккинчидан, тижорат банкларини кичик бизнес субъектларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган рискларнинг даражаси пасаяди. Ғарбий Европа мамлакатлари амалиётида имтиёзли кредитлаш кичик корхоналарнинг 40 фоиз харажатларини қоплайди. Янги фирма яратиш учун кредитлар 15 йилга берилади. Модернизация учун 10 йилга берилади. Фоиз ставкаси 36-60 фоиз бўлади. Давлат институтлари фақат кичик корхоналарда эмас, балки кичик корхоналарнинг бирлашмаларига ҳам имтиёзли фоиз ставкали кредитлар беради. Масалан, консорциумлар 60 фоизлик кредитлар олади[1]. Таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат буюртмалари тизими кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиявий қўллабқувватлашнинг муҳим ва ўзига хос шакли ҳисобланади. Масалан, Францияда федерал контрактларнинг 25-30 фоизи кичик бизнес субъектларининг ҳиссасига тўғри келади[2]. АҚШда кичик бизнес субъектларининг тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш имкониятига салбий таъсир қилувчи омилларнинг мавжудлиги, хусусан, уларнинг сезиларли қисмида пул оқимининг заифлиги, рақобат курашидаги мавқеининг заифлиги Ҳукуматни кичик бизнес субъектларини кредитлаш жараёнини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг

[1] www.db.com

[2] Экономика Европейского Союза, Учебник. Под. ред. проф. Р.К. Щенина. – М.: КноРус, 2012. - С. 142

қамровли тадбирларни амалга оширишга мажбур қилди ва ушбу тадбирларни амалга ошириш ҳамон давом этмоқда. Хусусан, 1993 йилда АҚШ Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш маъмурияти ташкил этилди. Мазкур Маъмурият кичик бизнес субъектларига қуйидаги турдаги молиявий хизматларни кўрсатади: – кредит олиш учун бизнес-режаларни тузишга ёрдамлашиш; – бошланғич капитални шакллантириш учун пул маблағлари бериш; – тижорат банкларидан олинадиган кредитлар учун кафолатлар бериш; – маслаҳат хизматлари кўрсатиш. 2015 йил якуни бўйича АҚШ тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 726 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредитлар берилган бўлса, шунинг 13 фоизи Маъмуриятнинг кафолати асосида берилган кредитлардир[1]. Шунингдек, АҚШда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича 50 га яқин дастур ишлаб турибди. Уларда учтаси – “504”, “7а” ва “7М” – энг йирик дастурлар ҳисобланади. “504” дастури бўйича амалда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва модернизация қилиш харажатлари инвестицион фондлар орқали кредитланади. Кичик бизнес субъектининг фаолияти таҳлил қилингандан сўнг, унга қўзғалмас мулк., техника ва технологиялар сотиб олиш учун 10 йилдан 20 йилгача муддатга бўлган узоқ муддатли кредит берилади. Ушбу кредитнинг миқдори 1 млн. доллардан ошмаслиги керак. “7а” дастури бўйича фаолиятини энди бошлаётган кичик бизнес субъектларига банклар томонидан бериладиган кредитлар бўйича давлат кафолатлари берилади. Давлат кафолатини олиш учун кичик бизнес субъекти қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: – кичик бизнес субъекти мақомига эга бўлиши; – ички молиялаш манбаларига эга бўлмаслиги; – фаолияти тижорат мазмунига эга бўлиши; – ижобий кредит тарихи мавжуд бўлиши керак.

Давлат кафолати қуйидаги мезонлар бўйича берилади:

* 750 минг доллардан ортиқ суммадаги кредитлар учун – 75%;

* 100 минг долларгача миқдордаги кредитлар учун – 80%.

Давлат кафолатлари айланма маблағларни тўлдириш учун олинган кредитлар бўйича 10 йилга, инвестицион мақсадлар учун олинган кредитлар бўйича 25 йилга берилади. “7М” дастури бўйича кичик бизнес субъектларига 35 минг АҚШ долларигача бўлган миқдорда қисқа муддатли кредитлар берилади. Ушбу кредитлар капитал оқимига ва техник ёрдамга муҳтож бўлган кичик бизнес суъектларига берилади [2] . Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидан Бангладеш тажрибаси кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг муваффақиятли тажрибаси сифатида кўплаб мамлакатлар томонидан ўрганилмоқда. Шу сабабли, ушбу тажрибани ўрганишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бангладешнинг Грамин банки кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасида катта тажрибага эга бўлган тижорат банки ҳисобланади. Граминбанк томонидан кредит тўловига лаёқатлилиги юқори бўлган мижозларга

[1] The Small Business Economy: A report to the President. – Washington: United States Government Printing Office, 2005. – P. 17.

[2] Small Business Act. Public Law 85-536. – http://www.sba.gov/library/cfrs.

кредитлар бозор ставкасида берилди. Бу эса, биринчидан, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини берди; иккинчидан, аҳолининг қашшоқ қатламига имтиёзли ставкаларда берилган кредитлар натижасида юзага келган молиявий йўқотишларнинг ўрнини қоплаш учун шароит яратади. Грамин банк томонидан кредитлар беришда кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий ва ижтимоий самарасига алоҳида эътибор беради. Лойиҳа иқтисодий жиҳатдан самара бериши билан бирга, янги иш ўринлари яратиш имконини бериши керак. Грамин банк ўзининг маблағлари ҳисобидан Грамин Капитал фондини ташкил этдики, ушбу Фонднинг фаолиятини кенгайиб, кичик бизнес субъектларининг янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга мўлжалланган лойиҳаларини молиялаштиришга ихтисослашган мустақил венчур фондига айланди. Бундан ташқари, Грамин банк кичик бизнес субъектларига қўшимча равишда қуйидаги кредит хизматларини кўрсатади: – истиқболли, лекин вақтинчалик молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган кичик бизнес субъектларини кредит ҳисобидан сотиб олиш; – кредит ҳисобидан кичик бизнес субъектларининг устав капиталига инвестициялар киритиш; – балиқчилик ва чорвачиликни ривожлантириш имконияти мавжуд бўлган ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига кредитлар бериш. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларининг фаолияти янада кенгайиб, уларнинг молиявий барқарорлик даражаси ошиши мумкин. **Кредитларни қўллаб-қувватлаш фондини, фикримизча, икки хил манба ҳисобидан ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:**

1. Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан ташкил этиш.

2. Тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан ташкил қилиш. Россиянинг йирик давлат банклари орқали кичик бизнес субъектларини кредитлаш тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Россияда тижорат банкларини танлашда банкнинг етарли даражада ликвидли бўлишига, активларнинг риск даражасига катта эътибор қаратилади. Ўзбекистон Республикасида Базель қўмитасининг банк назоратига оид бўлган янги талабларининг қабул қилинганлиги банкларнинг ликвидлилигининг ошишига, улар фаолиятидаги рискларнинг даражасини пасайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнесни кредитлаш жараёнига жалб этиладиган тижорат банклари сонини кўпайтириш имконини беради. Хорижий давлатларнинг кичик бизнес субъектларининг экспорт-импорт операцияларини кредитлашни ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, кичик бизнес субъектларининг экспортини кредитлашда тижорат банкларининг халқаро факторинг ва халқаро форфейтинг кредитларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида, кичик бизнес субъектларига тегишли пул маблағларининг маълум қисми уларнинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолмоқда. Кичик бизнес субъектлари импортини таъминланмаган аккредитивлар ҳисобидан молиялаштириш жараёнига тижорат банкларининг

кредитларини кенг кўламда жалб қилиш мазкур субъектлар импортини молиялаштириш, унинг узлуксизлигини таъминлаш имконини беради. Бунда банкларнинг овердрафт ва муддатли кредитларидан ҳужжатлаштирилган аккредитивни тўлашда фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, тараққий этган давлатларда ва айрим ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнесни кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш борасида катта ва бой тажриба тўпланган; иккинчидан, илғор хориж тажрибасини қўллаш республикамизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш тизимини ривожлантириш имконини беради; учинчидан, хориж тажрибасини қўллашда мамлакат банклари кредитлаш амалиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. www.db.com. сайти маълумотлари.

2. Экономика Европейского Союза, Учебник. Под. ред. проф. Р.К. Щенина. – М.: КноРус, 2012. - С. 142.

3. The Small Business Economy: A report to the President. – Washington: United States Government Printing Office, 2005. – P. 17.

4.Small Business Act. Public Law 85-536. – http://www.sba.gov/library/cfrs.

Уразов С.Ш. - СамИСИ ассистенти
Ташматов Ш.У. – СамИСИ катта ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРИОТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА WORLD SKILLS ТИЗИМИ АСОСИДА КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. *Мазкур мақолада Ўзбекистонда World Skills тизими асосида касбий таълимни ривожлантириш масалалари ёритиб берилган. Бу тизим орқали келажакда ёшларни рағбатлантириш, уларда шижоат ва касбий тайёргарликни ривожлантириш асосида рақобатбардошлигини таъминлаш ва бошқа мамлакат кадрлари билан касбий билим, малака ва кўникмалари бўйича рақобатлашиш жараёнлари келтирилган.*

Калит сўзлар: *Таълим тизими, World Skills тизими, нодавлат таълим хизматлари, касбий таълим, таълимни баҳолаш марказлари, ишчи касблар, ўрта бўғин мутахассислари.*

Аннотация. *В данной статье освещены вопросы развития профессионального обучения в Узбекистане на основе системы World Skills через эту систему будет представлены прцессы дальнейшего развития молодежи, обеспечения и конкурентос - пособности на основе развития энтузиазма и профессиональной подготовки, а такжи конкуренции с кадрами других стран на основе профессиональных знаний, навыков и умений.*

Ключевые слова: *система образования, негосударственные образовательные услуги, профессиональное образование, центры оценки образования, рабочие профессии, специалисты среднего звена.*

Annotation. *This article covers the issues of development of vocational training in Uzbekistan on the basis of the World Skills system through this system, the processes of development of young people in the future, ensuring their competitiveness on the basis of development of enthusiasm and professional training and competing with the personnel of other controls on professional knowledge qualifications and skills are presented.*

Keywords: *Educational system, World Skills system, non-governmental educational service, vocational educational.*

Мамлакатимзда, энг аввало янги иш ўринларини ташкил этиш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳисобидан аҳоли фаровонлигини айниқса, ёшлар фаравонлигини ошириш борасида сезиларли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги вазифаларни ҳал этиш меҳнат бозорининг, шу жумладан жойларда ташкил этилаётган йирик корхоналар ва кластерларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, юқори малакали ишчи мутахассисларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Меҳнат бозорининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, касбга ўқитишни ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялаш, касбий билим ва кўникмаларни баҳолашнинг ҳалқаро тизимини жорий қилиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларга мувофиқ “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 13 майдаги 394-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ,

- касб-ҳунар коллежларида йирик корхоналар ва кластерлар учун, шунингдек меҳнат бозоридаги реал эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлашни ташкил қилиш;

- белгиланган тартибда банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш нодавлат марказларида ўқитишни ташкил этиш;

- белгиланган тартибда билим ва кўникмаларни баҳолаш марказларини ташкил қилиш назарда тутилган[1].

Мамлакатимизда миллионлаб ёшлар ишчи касблар малакасига эга эмас. Замон шиддат билан ривожланмоқда. Шунга монанд мамлакатимз малакали ишчи кадрларга муҳтож.

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сонли Қарори

Ёшларни меҳнат бозорида талабгор касбларга ўқитиш мақсадида жаҳон тажрибасида фойдаланган ҳолда World Skills International assotsiatsiyasiga қўшилди. Ушбу уюшмага қўшилиш орқали сифатли ва малакали ишчи қатламга эга бўламиз ва бу соҳада барқарор тизимни йўлга қўйишга эришилади. Хуш World Skills тизими қандай тизим?

World Skills Internasional-нотижорат ассоциация бўлиб, касбий таълимни ривожлантириш масъулиятига эга ҳар қандай ташкилотнинг аъзо сифатида кириши учун очиқ ҳисобланади. Бу ташкилот бутун дунё бўйлаб фаолият юритади ва сиёсий ва диний бетараф ташкилот ҳисобланади. Халқаро стандартлар асосида ишчи касбларни оммалаштириш ва касбий тайёргарликни ошириш бўйича фаолият юритадиган ташкилот ҳисобланади. Бу ташкилотнинг асосий фаолияти аъзо мамлакатлар ўртасида ҳар икки йилда бир маротаба касбий малака бўйича танлов ўтказишдан иборат. Унинг таркибига бугунги кунда 85 та давлат аъзо ҳисобланади. Бу тизимнинг кенгайиб боришига асосий сабаб, замонавий инновацион технологияларнинг иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим рол ўйнаши билан изоҳланади. Мустақил, сиёсий мақсадни кўзда тутмайдиган ташкилот сифатида World Skills Internasional жаҳон ҳамжамияти учун таълим ва саноат, касбий тайёргарликнинг юқори даражасига эришиш ва касбий ўрта таълим мавқеини ва нуфузини оширишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали воситаси ҳисобланади. World Skills тизимининг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1947 йилда World Skills Internasional ассосацияси Испанияда “Халқаро касбий-техник тайёргарлик бўйича халқаро беллашув” миллий танлови сифатида ўтказилиб унда 4000 га яқин талабалар иштирок этган. Испан ёшлар ташкилоти бош директори Хосе Антонио Элола Оласа ёшларни келажак уларнинг малакалари кадрлар тайёрлаш тизимига боғлиқ эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилган ҳолда ушбу танловни ташкил қилган. Бу тизимнинг мақсади келажакда ёшларни рағбатлантириш, уларда шижоат ва касбий тайёргарликни ривожлантириш асосида рақобатбардошлигини таъминлаш ва бошқа мамлакат кадрлари билан касбий билим, малака ва кўникмалари бўйича рақобатлашишини кўзда тутган эди. World Skills Internasional ассосациясининг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборатдир:

- жаҳон касбий таълим бозорида аъзо давлатларнинг иштирокини таъминлаш;
- танловларни касбларни силжитиш, ривожлантириш ва танишув мақсадларида позициялаштириш;
- экспертлари ўртасида касбий ривожланиш ва инновацияларни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиш;
- иштирокчилари ўртасида касбий, билимлар ва маданий алмашинувни рағбатлантириш.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш натижасида:

биринчидан, касбий-техник тайёргарлик мавқеини ошириш, тижорат, хизматлар ва саноат соҳасида педагоглар, иш берувчилар, ёшларнинг жаҳон даражасидаги стандартга эришиш;

иккинчидан, ҳар икки йилда World Skills Internasional иштирокчилари ўртасида танлов ўтказилади;

учинчидан, касбий таълим соҳасида турли семинар, йиғилиш ва танловлар ўтказиш орқали ғоя ва тажрибалар алмашинади;

тўртинчидан, жаҳон даражасидаги касбий малака стандартларини тарғиб қилинади;

бешинчидан, ёшларни таълим, касбий малака ва каръерага қизиқтирилади;

олтинчидан, аъзо давлатлар ўртасида касбий-техник таълимни тарғиб қилиш бўйича алоқаларни йўлга қўйилади;

еттинчидан, World Skills Internasional ёш иштирокчилари ўртасида ёш мутахассислар алмашинувини таъминланади.

Ўзбекистонни World Skills Internasional асоссацияси иштирокчисига айланиши энг аввало юртимизда қўли гул уста ва ҳунармандлар, иқтидорли дастурчилар ҳамда ёш олимларимизнинг кашфиётини дунёга кўз-кўз қилиш имконини беради. Ўзбекистон сўнгги йилларда сайёҳлик салоҳиятини оширишга интилмоқда. World Skills даражасидаги мусобақа эса юртимиз номини янада ёйиш учун яхши бир имкониятдир. Энг муҳими-ёшларимиз сўнгги технолдогик ютуқлар билан танишиб бориши ва ўзлаштириши мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонни World Skills Internasional асоссацияси иштирокчисига айланиши натижасида:

биринчидан, Ўзбекистонда WorldSkills Internationalнинг халқаро стандартлар бўйича ишчи касбларга ўқитиладиган марказ ташкил этилди.

иккинчидан, World Skills Internasional халқаро стандартлари бўйича ишчи касбларга ўқиган шахсларга касбий малакаси тасдиқланганлиги ҳақида халқаро сертификат берилади. Айнан мана шу сертификат хорижий иш берувчилар томонидан ишчига тўлиқ ишонч билдириши ва юқорида қўйилган саволларга жавоб бўлиши учун асос бўлади.

учинчидан, дунё миқёсида ишчи касблар бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатларида бевосита иштирок этиш орқали катта тажриба тўплаш ва талаб юқори бўлган касб йўналишлари бўйича миллий кадрлар сафини кенгайтириб бориш имконини яратади.

Urazov S.Sh. – SamISI assistenti
Shodiyev J.G'. – TDIU Samarqand filiali talabasi

TA'LIMDAGI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR IQTISODIYOT RIVOJLANISHINING ASOSIY OMILI SIFATIDA

Annotatsiya. *Maqolada zamonaviy iqtisodiyotda raqamli texnologiyalardan foydalanishning o'rni va ahamiyati ilmiy jihatdan o'rganilgan. Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatida boshqaruv jarayoni va hisob tizimini raqamli innovatsion texnologiyalar yordamida takomillashtirish bo'yicha ilmiy amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *axborot, raqamli iqtisodiyot, texnologiya.*

Аннотация. *Статья, научно изученная роль и важность использования и важности цифровых технологий в современной экономике. Научные практические рекомендации по развитию процесса управления и счет в деятельности субъектов хозяйствования были разработаны для улучшения электронных цифровых инновационных технологий.*

Ключевые слова. *Информация, цифровая экономика, технологии.*

Annotation: *Article, scientifically studied role and importance of the use and importance of digital technologies in the modern economy. Scientific practical recommendations on the development of the management process and account in the activities of business entities were developed to improve electronic digital innovative technologies.*

Keywords: *Information, digital economy, technology.*

Hozirgi paytda kompyuterlashtirish va yuqori texnologiyalar asrida raqamli iqtisodiyot hayotimizning har bir jabhasiga: sog'liqni saqlash, ta'lim, internet-banking, hukumatga daxldor bo'lmoqda. Shu sababli O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 22 noyabrda qabul qilingan qarorida ta'kidlanishicha: «Raqamli iqtisodiyotni jadal rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish, davlat boshqaruvi tizimini yanada takomillashtirish, undan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish, zamonaviy infratuzilmani qo'llash muhim ahamiyatga ega»[1] deb ko'rsatilishi raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish infratuzilmasini amalga oshirish ko'zda tutilgan. Bugungi kunda o'qituvchilar dunyoning turli burchaklaridagi, boshqa institutlar va maktablardagi hamkasblari bilan onlayn tarzda muloqot qilishmoqdalar. Ular anjumanlar va uchrashuvlarning oflayn maydoninidan tark etishib, veb-seminarlar, videokonferensiyalar, onlayn chatlarda ishtirok etishmoqa.

Ta'limdagi raqamli texnologiyalar bu raqamli texnologiyalarga asoslangan zamonaviy ta'lim muhitini tashkil etish usuli.

Raqamli texnologiyalar juda katta tezlikda rivojlanmoqda. Ko'pgina faoliyat yo'nalishlari raqamli tizimlarga o'tmoqda: shifoxonalar, xizmat ko'rsatish korxonalari, o'quv muassasalari. Mutaxassislar maktab o'quv dasturini elektron formatga o'tkazish to'g'risida tobora ko'proq gaplashmoqdalar. Ushbu g'oya amalga oshirilganda nafaqat ta'lim tizimi, balki uning mazmuni va maqsadi ham o'zgaradi.

O'quv materiallari, rejalar, darslar, jurnallar onlayn versiyalarga o'tadi. Talaba darslarni uydan chiqmasdan, Internet orqali olib borishi mumkin bo'ladi. Talaba mashg'ulotlar uchun batafsil ma'lumot topadigan elektron manbalar yaratiladi.

Ta'lim muassasalari zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlanadi: kompyuterlar, planshet panellari. Axborot tarkibiga kirish uchun har bir muassasa Internetga ulanadi. Professor o'qituvchilar yangi ta'lim tizimini o'rganishlari kerak. Ushbu kasb butunlay o'zgaradi. Raqamlashtirish - bu materialni o'z-o'zini o'rganish demakdir. O'qituvchi

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizasiya qilish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Qarori// «Xalq so'zi» gazetasi, 22 noyabr 2018 yil

yordamchi, murabbiy vazifasini bajaradi, u bilan faqat kerak bo'lganda bog'lanish kerak bo'ladi.

Shu sababli iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilashni nazarda tutadigan raqamli iqtisodiyot milliy konsepsiyasini ishlab chiqishimiz kerak, deb ta’kidlaydi Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasida. Shu asosda “Raqamli O’zbekiston-2030” dasturini hayotga tatbiq etishimiz zarur. Natijada YaIMni kamida 30 foizga o’stirish, korrupsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi[1].

Ta’lim tizimini raqamlashtirish iqtisodiyot rivojlanishining asosiy omili sifatida qo’yidagi afzalliklarga egadir.

O'z-o'zini tarbiyalash. Kelajakdagi ta’lim tizimi mustaqil ishlashni nazarda tutganligi sababli, bola bolaligidanoq o'zi bilimga intilishi kerakligini tushunadi. Kelajakda bunday tarbiya insonning xarakterini yanada mustahkam qiladi. O'qituvchilar tomonidan ortiqcha g'amxo'rliksiz talaba yaxshi natijalarga erishadi.

Qog'oz ishlarining ortiqchaligi. O'quvchilar bir vaqtning o'zida bir nechta darslik va daftarlarni sumkada olib yurishlari kerak, ular katta joy egallaydi va og'irligi katta. Raqamli ta'lim insonni qog'ozlar va kitoblardan xalos qiladi. Barcha darsliklar va qo'llanmalar kompyuterga mos keladi va planshet ish kitoblari bilan almashtiradi.

Tejamkorlik. Raqamlilashtirish qog'oz versiyalarini bekor qilganligi sababli, ota-onalar daftar, darslik, qalam va boshqa ish yuritish materiallariga pul sarflashlari shart emas. Bundan tashqari, o'quv qurollari juda qimmat. Faqat eski jihozlar ishdan chiqqan taqdirda elektron versiyalarini yangilariga almashtirish kerak bo'ladi.

O'qituvchilarning ishlarini soddalashtirish. O'qituvchilik kasbi eng qiyin kasblardan biri hisoblanadi. Yosh onglarni tarbiyalashga katta kuch va asab sarf qilinadi. Raqamli tizimda o'qituvchining vazifasi talabalarga yordam berishdan iborat. O'qituvchi o'quvchilarni rivojlantirish yo'nalishini belgilaydi. Ta’lim muassasa o'quvchilari unga faqat tortishuvli vaziyatlarda murojaat qilishadi.

Kelajakka qadam. Raqamli ta'limga o'tish Internet texnologiyalarini yaratishda muhim bosqich hisoblanadi. Hozir ilm-fan yuqori tezlikda rivojlanmoqda, har kuni yangi tuzilmalar paydo bo'lmoqda. Ta'limni raqamlashtirish ta’lim muassasa o'quvchilariga kelajakda axborot olamida yaxshi sayohat qilishga yordam beradi.

Shu o’rinda raqamli texnologiyalar asosida tashkil etiladigan onlayn ta'limning o’ziga xos kamchiliklari ham mavjuddir.

Salbiy natija xavfi. Ushbu o'zgarishlar dramatik bo'ladi. Bunday yangilik ijobiy bo'ladimi yoki yo'qligini aniq aytish imkoni yo'q. Ushbu tizim birinchi marta qo'llaniladi, shuning uchun shunga o'xshash narsalar bilan taqqoslash ishlamaydi.

Ijod etishmasligi. Olimlar rang dizayni odamga ma'lumotni yaxshiroq eslab qolishiga yordam berishini isbotladilar. Hatto kattalar ham kichik tuzatishlar bilan o'z yozuvlarini yaratishga da'vat etiladi. Bu ijodkorlikni rivojlantiradi. Biroq, axborot

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь

texnologiyalari o'zini isbotlash imkoniyatini istisno qiladi. Elektron versiyalari "quruq" xarakterga ega. Bola zerikarli hikoyaga tezda o'rganib qoladi. Bolalar ijodkorligi sezilarli darajada zarar ko'radi.

Ruhiy hushyorlikni kamaytirish. Ushbu hodisani hozirdanoq kuzatish mumkin. Inson biror narsa haqida o'ylashiga hojat yo'q, u mustaqil ravishda ma'lumot olishni to'xtatdi. Kerakli ma'lumotlarni bilish uchun Internetga kirish kifoya. Bu fikrlash qobiliyatining zaiflashishiga olib keladi.

Yomon ijtimoiylashuv. O'quvchi birinchi marta maktabga kelganida, u erda do'sti bilan uchrashish ehtimoli juda oz. Bola darhol o'zini boshqa jamiyatda topadi, u erda u hech kimni tanimaydi. Institutda u nafaqat bilim oladi, balki do'stlar orttiradi, jamiyat bilan o'zaro munosabatlarni o'rganadi. Axborot tizimi insoniyatning ijtimoiylashuvi darajasini sezilarli darajada pasaytiradi. Bu shaxsning yanada rivojlanishiga ta'sir qiladi.

Jismoniy rivojlanish bilan bog'liq muammolar. Vizyon va nozik vosita qobiliyatlari birinchi navbatda o'zgaradi. Ekranlardan uzoq vaqt foydalanish ko'zning charchashiga olib keladi. Vaqt o'tishi bilan quyidagilar bo'ladi: quruqlik; qizarish; tirnash xususiyati; ko'rishning yomonlashishi. Keyingi avlodlarda yaxshi ko'radigan odam bo'lishi ehtimoldan yiroq emas. Biroq, kelajakda texnologiyalar bola rivojlanishi uchun xavfsizroq bo'lishi mumkin. Klaviatura va planshet bilan ishlash barmoqlar fiziologiyasini o'zgartiradi. Suyaklar, bo'g'inlar va mushaklarning tuzilishi o'zgarishi mumkin.

Mutlaq nazorat. Bu talabalar, o'qituvchilar va ota-onalarga tegishli. Har bir inson uchun shaxsiy fayl tuziladi, oila haqida batafsil ma'lumotlar to'planadi. Bu jamiyatni to'liq boshqarishga olib keladi. Quyi darajada, bola kattalardan hech narsani yashira olmaydi. Ilgari, kundalikni yashirish, baholashni to'g'rilash va sharh haqida sukut saqlash mumkin edi. Kelajakda bu mumkin emas, bu bolalar uchun yomon. Bu mustaqillikka sezilarli ta'sir qiladi. Bola muammolarga duch kelganda, u noto'g'ri yo'llar bilan bo'lsa ham, ularni o'zi hal qilishga intiladi.

Tarbiyachilarning vazifasi. Raqamlashtirishdan so'ng o'qituvchi tushunchasi butunlay o'zgartiriladi. Professionallar o'rnini robotlar va virtual tizimlar egallaydi.

Shuningdek, davlat innovatsion va raqamli ekotizimni qo‘llab-quvvatlash sohasida raqamli ta’limning zamonaviy metodlarini qo‘llab-quvvatlashi, innovatsion xizmatlarni samarali tartibga solish normalarini ishlab chiqishi, yangi bozorlarni o‘zlashtirishda ko‘maklashishi hamda texnologik jarayonlarning chuqurlashuvida yuzaga chiqadigan risklarni pasaytirish choralarini ko‘rishi maqsadga muvofiq hisoblanadi. Zero, O‘zbekistonning taraqqiyoti raqamli texnologiyalarning barcha soha va tarmoqlarga joriy etilishi va qo‘llanishiga uzviy bog‘liqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizasiya qilish chora-tadbirlari to’g’risida”gi Qarori// “Xalq so’zi” gazetasi, 22 noyabr 2018 yil

2. Акимова О.Б., Щербин М.Д. Цифровая трансформация образования: своевременность учебно-познавательной самостоятельности обучающихся // Инновационные проекты и программы в образовании. 2018. №1. С. 27-34.

3. Подцероб М. Придется меняться [Электронный ресурс] // Ведомости. 2017. №4342. URL: https://www.vedomosti.ru/management/ articles/2017/06/15/694456-rinok-truda

4. Козлова Н.Ш. Актуальность онлайн образования для IT-специалистов // Вестник Майкопского государственного технологического университета. 2018. Вып. 4. С. 80-85.

А.А.Мирзаев – Банк-Молия академияси ТББ-1 тингловчиси

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: *Мақолада реал сектор корхоналарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти ёритилган. Реал сектор корхоналарини тижорат банклари томонидан кредитлаш ва фаолиятини ривожлантириш истиқболлари масалалари келтирилган.*

Калит сўзлар: *иқтисодиёт, саноат, саноат корхоналари, реал сектор, молиялаштириш, саноат иқтисодиёти, фонд бозори, бозорни эркинлаштириш, қимматли қоғозлар, ялпи ички маҳсулот, банк.*

Аннотация: *В статье описаны роль и значение предприятий реального сектора в экономике страны. Представлены перспективы кредитования и развития предприятий реального сектора коммерческими банками.*

Ключевые слова: *экономика, промышленность, промышленные предприятия, реальный сектор, финансирование, промышленная экономика, фондовый рынок, либерализация рынка, ценные бумаги, валовой внутренний продукт, банковское дело.*

Abstract*: The article describes the role and importance of real sector enterprises in the country's economy. Prospects for lending and development of real sector enterprises by commercial banks are presented.*

Keywords: *economy, industry, industrial enterprises, real sector, financing, industrial economy, stock market, market liberalization, securities, gross domestic product, banking.*

Кириш. Жаҳон хўжалигида рақобатнинг кучайиши реал сектор корхоналари томонидан инновацияларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришига олиб келмоқда. Реал сектор корхоналарида инновацион янгиланишларга ҳамда модернизацияга бўлган эҳтиёж уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга олиб келади. Иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-

шароитлар яратиш, иқтисодиётни модернизация қилиш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагиларни назарда тутадиган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи "Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари"га биноан иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш вазифалари бўлгилаб олинди[1].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги 2008 йил 28-ноябрдаги 4058-сонли Фармонида муҳим чоратадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди[2]. Иқтисодиёт соха ва тармоқларини кенгайтириш учун кенг қамровда ишлар амалга оширилмоқда. Табиий бойликларимиз ва минтақавий жойлашувимиздан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, реал сектор тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналарни фаолиятини йўлга қўйиш, кенгайтириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш иқтисодиётимизнинг ривожланишига олиб келади. Реал секторда хом-ашё ва материалларидан тайёр маҳсулот шаклга яратиб миллий ва жаҳон бозорини эгаллаш натижасида иш ўринларини яратишга, аҳолини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлашга, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга ва бошқа кўплаб имкониятлар яратади. Республикамизнинг иқтисодий-сиёсий жойлашуви, минтақадаги таббий-бойликларнинг жойлашуви ва шулар каби омилларни ҳисобга олган ҳолда реал сектор корхоналарининг аҳамияти

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қуватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги 4058-сон Фармони. 2008 йил 28 ноябрь.

биз учун жуда муҳим ҳисобланади. Ҳозирги вақтда асосан реал сектро корхоналарини молялаштириш манбалари бўлиб, асосан ўз маблағлари, банк кредитлари, давлат бюджетидан ажратмалар ҳисобланиб, қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш тизими амалий натижадорлиги жиҳатидан бошқа молиялаштириш манбаларига қараганда катта ўрин эгалламайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" ПҚ-4300-сонли Қарорида мамлакатимиздаги кимё ва нефть-газ саноати, машинасозлик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш кўзда тутилган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Иқтисодиётнинг реал сектори таркибига улгуржи ва чакана савдо, энергетика, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, саноат ишлаб-чиқариш, транспорт ва логистика, нефт ва газ тармоғи, металлургия, тиббиёт ва фарматевтика, тоғ-кон саноати, телекоммуникация ва информацион технологиялар, туризм ва меҳмонхона бизнеси, қишлоқ хўжалиги сингари йирик тармоқларни ўз ичига олади. Реал сектор ялпи ички маҳсулотни яратиш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш, номатериал бойлик яратиш, моддий ва номоддий бойликлар яратиш соҳалари ҳамда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сохаларни ўз ичига қамраб олади. Реал секторни ички ва ташқи бозорга неъматлар ишлаб чиқарувчи, замон ва бозор талабидаги ўзгаришларга нисбатан мослашувчан иқтисодий субъектлар фаолияти йиғиндиси ташкил этади. Л.Дуктор ва Д.Гренчяналарнинг ўрганишларида молиявий ва реал секторларнинг мутаносиб ўсиши мамлакат иқтисодиётининг ўсишга ижобий таъсири кўрсатиши келтирилган. Молиявий ривожланиш ва реал сектор ўртасидаги иқтисодий боғлиқлик ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири баҳоланган. 1970 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда 101 та ривожланган ва ривожланаётган давлатлар учун маълумотлардан фойдаланган ҳолда молиявий ривожланишнинг иқтисодий ўсишга таъсири хусусий кредитлар ҳажмининг реал ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ўсишига боғлиқлигини кўрсатилган[1]. А.Гумерова, А.Саркин, Б.Аверяновларнинг илмий тадқиқотларида реал сектор корхоналарининг молиявий барқарорлиги ҳамда молиявий барқарорликга эришишда қимматли қоғозлар бозорининг ўрни таҳлил қилинади. А.Свирина, Н.Багаутдинова ва И.Гафуров тадқиқотларида реал сектор корхоналарини ривожлантиришда илмий тадқиқотнинг ҳамда корпоратив ҳамкорликнинг ўрни кенг таҳлил қилинади. Ю.Б. Зеленский хулосасига кўра иқтисодиётнинг реал секторига эркин бозорда сотиладиган барча товарлар ва хизматларни (молиявий воситачилик хизматларидан ташқари) қайта ишлаб чиқарадиган нодавлат корпорациялар сектори корхоналари ва ташкилотлари

[1] Lorenzo Ductor, Daryna Grechyna. International Review of Economics & Finance,Volume 37, May 2015, Pages 393-405

киради[1]. Ёндашувнинг ўзига хослиги Ю.Б. Зеленский юқорида тавсифланган ёндашувлар билан таққослаганда, ЯИМни яратишда қатнашиш охир-оқибат иқтисодиётнинг реал секторига тегишли эканлигини кўрсатмайди. Муайян секторни реал иқтисодиёт сифатида таснифлаш мезони ижтимоий талаб қилинадиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишдир.

Таҳлил ва натижалар. Табиий бойликларимиз ва минтақавий жойлашувимиздан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, реал сектор тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналарни фаолиятини йўлга қўйиш, кенгайтириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш иқтисодиётимизнинг ривожланишига олиб келади. Реал секторда хом-ашё ва материалларидан тайёр маҳсулот шаклга яратиб миллий ва жаҳон бозорини эгаллаш натижасида иш ўринларини яратишга, аҳолини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлашга, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга ва бошқа кўплаб имкониятлар яратади. Республикамизнинг иқтисодий-сиёсий жойлашуви, минтақадаги таббийбойликларнинг жойлашуви ва шулар каби омилларни ҳисобга олган ҳолда реал сектор корхоналарининг аҳамияти биз учун жуда муҳим ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида шаклланган саноат сиёсати товарларга боғлиқликни камайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, фан ва инновацион соҳанинг устувор ривожланишини таъминлаш, иқтисодиётнинг қайта ишлаш тармоқлари ва юқори технологияли саноатни ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак. Ички ва ташқи бозорда тақдим этилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатдошлигини ошириш лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг жорий иқтисодий ҳолати ва истиқболдаги кутилмаларини ўрганиш юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича сони қуйидаги расмда намоён бўлади (1-расм).



1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

[1] Ю.В.Зеленский. Взаимодействие банковской системы России и реального сектора экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук// Саратов – 2003

Ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотлар умумий сонида Тошкент шаҳрининг улуши 10,8 фоизни, Тошкент вилоятининг улуши 10,5 фоизни, Самарқанд вилояти улуши 7,6 фоизни, Фарғона вилояти улуши 7,1 фоизни, Қашқадарё вилояти улуши 6,8 фоизни, Бухоро вилояти улуши 6,5 фоизни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари улуши 6,4 фоизни ташкил қилади. Юртимиз банк тизимида реал секторни сармоялар билан таъминлашга қаратилган зарур ҳуқуқий-меъёрий база шакллантирилган. Энг муҳими, ушбу жараённи тартибга солувчи ҳужжатлар йилдан-йилга соддалаштирилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2019 йилнинг III чораги якуни бўйича реал сектор корхоналари билан ўтказилган сўров натижалари, умуман олганда мазкур чорак давомида мамлакатда иқтисодий фаоллик даражасининг II чоракка нисбатан ошганлигини ҳамда иқтисодий кутилмаларнинг яхшиланганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга: иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш• билан боғлиқ хатарларнинг (қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларнинг) сақланиб қолаётганлигини маълум қилган респондентлар улушининг ошганлиги; корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаоллигининг мазкур• чоракда нисбатан суст даражада шаклланиб, инвестицияларни амалга оширган респондентлар улушининг камайганлиги; иш ўринлари сонининг ошганлигини маълум қилган респондентлар• улушининг қисқарганлиги; айрим корхона ва ташкилотларнинг мавжуд ишлаб чиқариш• қувватларидан фойдаланиш даражасининг пасайганлиги; мавсумий омиллар таъсирида табиий газ ва электр энергияси таъминоти• борасида ҳолатнинг ёмонлашгани кузатилди. ўз маҳсулотларига (ишлар, хизматларига) нархларни оширган• корхоналар ва ташкилотлар улушининг ошганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, экспорт фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар ўрганилганда респондентлар томонидан асосан транспорт харажатларининг юқорилиги, экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаблиги ҳамда ташқи бозорларда корхона маҳсулотларига талаб ва нарх бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги қайд этилган[1] .

Хулоса ва таклифлар. Реал сектор ривожига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, илмий-техник тараққиёт даражаси, пул-кредит тизими ҳолати, солиқ бюджет тизими, давлатнинг инвестицион сиёсати, мамлакатнинг тўлов қобилияти ҳолати таъсир қилади. Реал сектор ривожини, натижада иқтисодий ўсишни моддий ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашга йўналтирилган тўғридан-тўғри капитал қўйилмалар миқдори ҳамда инновациялар таъминлайди. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида реал секторга мамлакатнинг молиявий сектори ҳолати таъсир кўрсатади. Жумладан, фоиз ставкалари даражаси ва ўзгаришлари, фонд биржалари, суғурта тизими, молиявий индикаторларни

[1] www.cbu.uz

белгилашга асос бўлувчи меъёрларнинг ўзгариши, валюта курси ўзгаришлари ва бошқалар. Корхоналарнинг фаолиятини ташкил қилиш, ривожлантириш, кенгайтириш, даромад манбаларини қўпайтириш нафақат корхонага тегишли шахслар учун фойдали бўлиб қолмасдан, мамлакат иқтисодиётига, ахолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига хам ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун корхоналарни молиялаштириш асосий аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаларига мос равишда республикамизда корхоналарни молиялаштиришнинг меъёрий-хуқуқий асослари ишлаб чиқилган. Ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида сезиларли такомиллашган молиялаштириш манбалари яратилиб, мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли турмуш тарзини яхшиланишига хизмат қилиб келмоқда. Иқтисодиётга инвестиция киритиш муаммоларини тадқиқ қилиш доимо иқтисодиётнинг диққат марказида бўлиб келган, инвестициялар нафақат иқтисодиётнинг банк секторида, балки бутун мамлакат тараққиётида ҳам муҳим рол ўйнайди. Бозорни ишончли инвестиция манбаи сифатида шакллантириш учун қуйидаги - аҳоли ва потенциал инвесторларнинг молиявий саводхонлигини янада ошириш; - давлат-хусусий шерикчилик механизмлари асосида импорт ўрнини босувчи воситаларни ишлаб чиқиш; - давлат ва қонунчилик даражасида ошкораликни, яъни корхоналар ва қимматли қоғозлар эмитентлари бўлган банкларнинг молиявий ҳисоботлари ҳужжатларининг очиқлиги таъминлаш; - ички ва хорижий инвесторларнинг иқтисодий фаолияти учун қулай, олдиндан айтиб бўладиган тартибга солувчи ва ҳуқуқий режимни амалга оширишнинг кафолати сифатида давлатнинг ролини кучайтириш, олиб борилаётган давлат инвестиция сиёсатининг ошкоралигини таъминлаш; - давлат билан инвесторларнинг муносабатлари нуқтаи назаридан, ички инвестициялар шартларини ёмонлаштирувчи ҳуқуқий меъёрларнинг кучга кириши муносабати билан маҳаллий инвесторларнинг дахлсизлигини жорий этиш, ишбилармонлик муҳитининг барқарор бўлишини инвесторларга қонуний кафолатлар билан таъминлаш; - инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда инвесторларнинг манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали қонунчилик ва амалий механизмларини жорий этиш; - инвестиция лойиҳалари бозорини эркинлаштириш, уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун мувофиқлаштириш ва рухсат олиш тартибини соддалаштириш; - инвесторларга инвестиция объектларини таҳлил қилиш ва танлаш учун ташкилотлар тўғрисида ишончли маълумот олиш имкониятини бериш каби тадбирларни амалга ошириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қуватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва

экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 4058-сон Фармони. 2008 йил 28 ноябрь.

3. Lorenzo Ductor, Daryna Grechyna. International Review of Economics & Finance,Volume 37, May 2015, Pages 393-405

4. Ю.В.Зеленский. Взаимодействие банковской системы России и реального сектора экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук// Саратов – 2003

Urazov S.Sh. – SamISI assistenti
Tashmatov Sh.U. – SamISI katta o’qituvchisi

INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA KORXONALARNI BOSHQARISHDA MOTIVLASHTIRISHNING O’ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: *Mazkur maqolada innovatsion iqtisodiyot sharoitida korxonalarni boshqarishda motivlashtirishning o’ziga xos xususiyatlari yoritib berilgan. Bundan tashqari korxonalarni boshqarishda va xodimlar bilan ishlashda motivlashtirish nazariyalari amaliy jihatdan tahlil etilgan.*

Kalit so’zlar: *Innovatsion iqtisodiyot, motiv, motivlashtirish, X,Y nazariyasi, ehtiyojlar nazariyasi.*

Аннотация*: В статье рассмотрены особенности мотивации в управлении предприятиями в инновационной экономике. Кроме того, на практике были проанализированы мотивационные теории в управлении предприятием и укомплектовании персоналом.*

Ключевые слова*: инновационная экономика, мотив, мотивация, теория X, Y, теория потребности.*

Annotation*: In the article discloses about the role of motivation in the management of enterprises the context of an innovative economy. Besides, motivation theories in the management of enterprises and working with staff was analyzed in practical terms.*

Key words: *Innovative economy, motivation, X,Y theories, theories of needs.*

Hammaga kundek ravshanki muhtaram prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev hozirgi kunda avvalgidek shiddatli ya’ni innovatsion iqtisodiyot sharoitiga o’tishimiz va ushbu shariotda to’la-to’kis va maksimal samara va minimal yo’qotishlar bilan harakatlanishsimiz tarafdoridirlar. Biz yoshlarning iqtisodiyotimiz rivojlanishi va yangiliklarga boy bo’lishidagi o’rnimiz yoki boshqacha qilib aytganda rolimiz “Asosiy” hisoblanadi. Shu o’rinda bilishimiz kerakki innovatsiya o’zi nima? Innovatsiya-ilmiy tadqiqot, tajriba-konstruktorlik va texnologik ishlarning natijasida jamiyat ehtiyojlari va yoki takomillashtirilgan mahsulot (tovar, ish, xizmat va boshqalar), ishlab chiqarish jarayoni, yangi marketing usuli, yangi ish o’rinlari yoki tashqi aloqalar hisoblanadi. Prezidentimiz innovatsiya to’g’risida quyidagicha fikr bildirganlar: “Zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g’oyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi”. Prezidentimiz yangilik yaratishga, innovatsiyani

qo’llab-quvvatlashga qaratilgan bu fikrlarini tasdig’i sifatida O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 721-son 11-sentabr 2018-yildagi “Innovatsion faoliyatni yanada qo’llab quvvatlash chora tadbirlari to’g’risida” qarori misol bo’la oladi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida rivojlanishning bosqichma-bosqich o’tish davrida davlatning ilmiy-texnika siyosati mohiyati shundan iboratki, u respublika ichki talabini tez qondiradigan, jahon bozorida raqobatbardosh bo’la oladigan, iqtisodiyot tarmog’larini tubdan yangilanishiga imkon beradigan ilmiy va texnologik tadqiqotlarga ko’maklashishdan iboratdir. O’zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimov “O’zbekiston XXI asr bo’sag’asida xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari” kitobida “O’zbekiston innovatsion rivojlanish turining hozirgi zamon modeliga o’tish uchun hamma sharoitlarga ega. Bu model vujudga keltirilgan ilimiy – texnikaviy salohiyatdan keng va samarali foydalanishga, fundamental va amaliy fanning yutuqlarini, chuqur ilm talab qiladigan texnologiyalarni amaliyotga keng joriy etishga, yuqori malakali, iqtidorli ilmiy kadrlar sonini ko’paytirishga asoslanadi” deb ta’kidlagan edi. Darhaqiqat biz bunday iqtisodiyot shoritiga o’tib boshlar ekanmiz xodimlar bilan ishlash ya’ni boshqaruvning sifati juda katta ahamiyatga ega, Biz shu o’rinda motivlashtirish haqida aytib o’tishimiz kerak. Motivlashtirish o’zi nima? U qanday holatlarda va qanday xodimlar bilan ishlaganda o’zining eng yuqori samarasini beradi?

Motivlashtirish-bu o’zini va boshqalarni tashkilot o’zining maqsadlariga erishish uchun faoliyatga qo’zg’atish jarayonidir.

Motivlashtirish asosan korxona misolida ko’radigan bo’lsak ehtiyojlarga tayanib ish ko’rgan ma’qul. Amerikalik ruhshunos Abraxam Maslou XX asrning 40-yillarida o’zining ehtiyojlari ustunligi nazariyasini yaratib, kishilar o’z motivlari jarayonida ehtiyoj va qiziqishning 5 turiga tayanadilar dedi. Uning ehtiyojlar piramidasi quyidagi ko’rinishga ega:



Birinchi o’rindagi ehtiyojlar-bu bazis ehtiyojlar, ya'ni yashashni ta'minlash uchun zarur bo’lgan ehtiyojlar. A. Maslouning fikricha, inson, eng avvalo ana shu bazis ehtiyojlarini qondirish uchun ishlaydi. Bazis ehtiyojlar, ya'ni oziq-ovqatga, kiyim-kechakka, uy-joyga, uyquga bo’lgan ehtiyoj qondirilsa, boshqa darajadagi ehtiyojlar ham asta-sekin ahamiyat kasb etib boradi. Masalan, xavfsizlikka, ya'ni tinchlik, tartib, himoyaga bo’lgan ehtiyoj ham birlamchi bosqichdagi ehtiyojning yangi darajasidagi zaruriyatdir. Biron ijtimoiy guruhda bo’lish, boshqa kishilar bilan aloqaga kirishish ehtiyoji ierarxiyaning uchinchi bo’g’iniga kiradi. Bu guruhdagi ehtiyojlarni ijtimoiy ehtiyojlar deb ham yuritiladi. Hurmatga bo’lgan ehtiyoj ehtiyojlar piramidasini to’rtinchi bo’g’inini tashkil qiladi. Bu ehtiyojlar kishining boshqalar tomonidan tan olinishiga bo’lgan ehtiyoj, ya'ni mavqe, nufuz, shon-shuhrat, muvaffaqiyat, diqqat-e'tibor. O’zligini isbotlash ehtiyoji, ya'ni Maslou ierarxiyasidagi eng yuqori daraja yashirin imkoniyatlarning haqiqatga aylanishi, nimaga erishish mumkin bo’lsa, shunga erishish. Bu ehtiyojlar shaxsning o’sishida o’z aksini topadi. A. Maslou, odamlar-qonmagan ehtiyojlarini qondirishga intiluvchi "ochko’z maxluq"lardir, degan edi. Birlamchi ehtiyojlar qondirilgach boshqa zaruriyatlar kishilarni yuqori darajadagi ehtiyojlarga qarab harakat qilishga majbur qiladi. Bu ehtiyojlarni qondirish uchun rahbar quyidagi usul va yondoshuvlarni qo’llashi kerak.

1. "X" (iks) , "Y" (igrek) nazariyasi;
2. kutish nazariyasi;
3. boisiy (gigienik) tozalanish nazariyasi;
4. adolatlilik (haqqoniylik) nazariyasi;
5. ehtiyojlar ustunligi nazariyasi.

Ushbu nazariyalarning hozirgi iqtisodiy sharoitimizga eng maqbuli bu “X”, “Y” nazariyasi hisoblanadi. Ushbu nazariya insoniy munosabatlar maktabi namoyondasi D. Mak-Gregor nazariyasi hisoblanadi.

X (iks) nazariyasiga ko’ra, na’munaviy yollanma ishga – tabiatan yalqov bo’lgan kishi, shu sababli u topshirilgan ishdan bo’yin tovlashga urinadi, unda izattablik, ma’suliyat sezish, fahm-farosat etishmaydi. Bunday holatda xodimni doimo majburlash, nazorat qilish, jazolash va jarima solish qo’rqitib turish zarur.

Y (igrik) nazariyasi birinchisiga qarama-qarshi: yollanma ishchilar tabiatan faol, ularga tashabbuskorlik va uddaburonlik, o’z zimmasiga ma’suliyat olish salohiyati xosdir. Bunday holda menejerning vazifasi kishilar o’z maqsad va manfaatlariga g’oyat maqbul tarzda erishadigan shart-sharoitni yaratishdan iborat bo’lgan. Kompaniyaning siyosati va istiqboli esa xodimlarning xulq-atvoriga asoslangan holda tashkil etilishi kerak. Bu nazariyaga muvofiq keluvchi xodimni rag’batlantirish va unga qulay muhit yaratib berishgani kifoya qiladi.

Xulosa qilib aytganda, umuman bozor iqtisodiyoti sharoitida xususan innovatsion iqtisodiyot sharoitida korxonalarni boshqarish va ijobiy natijalarga erishishda motivlashtirish bevosita ahamiyatga ega. Korxonalarni, shu jumladan xodimlarni boshqarish jarayonida xodimlarning ijodiy imkoniyatlarini, innovatsion g’oya

tashabbuslarni yetarlicha rag’batlantira olish, sharoitga muvofiq qarorlar qabul qila olish har bir rahbar faoliyatida asosiy me’zon bo’lib xizmat qiladi.

Boshqaruvning amaliyotida agar xodimlar rag’batlantirishni to’g’ri olib borilishiga ishonmas ekan, ular mehnatning unumdorligini oshirishga harakat qilmaydilar. Bu esa ishlab chiqarishning rivojlanishiga, korxonalar faoliyatining kengayishiga, ayni vaqtda innovatsion iqtisodiyot sharoitining yuzaga kelishi va taraqqiy etishiga to’sqinlik qiluvchi omillardan biriga aylanishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati:

1. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 721-son 11-sentabr 2018-yildagi “Innovatsion faoliyatni yanada qo’llab quvvatlash chora tadbirlari to’g’risida” qarori
2. “O’zbekiston XXI asr bo’sag’asida xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari” I.A.Karimov
3. www.lex.uz

М.А.Шодманова – СамИСИ “Менежмент” йўналиши магистранти
А.Н.Холиқулов – СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: *мазкур мақолада мамлакатимизда қишлоқ хўжалгида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг таҳлили ва қишлоқ хўжалигидаги экин ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ қилинган.*

Калит сўзлар: *табиий ресурслар, ер, ер майдони, экин майдони, қишлоқ хўжалиги, фойдаланиш, самарадорлик, унумдорлик, табиий унумдорлик.*

Аннотация: *В статье анализируются показатели эффективного использования земельных ресурсов в сельском хозяйстве нашей страны и рассматриваются вопросы повышения эффективности использования земель сельскохозяйственного назначения.*

Ключевые слова: *природные ресурсы, земля, площадь земель, посевные площади, сельское хозяйство, использование, эффективность, продуктивность, естественная продуктивность.*

Annotation: *This article examines the analysis of indicators of efficient use of land resources in agriculture in our country and the issues of improving the efficiency of agricultural land use.*

Keywords: *natural resources, land, land area, crop area, agriculture, use, efficiency, productivity, natural productivity.*

Кишилик жамияти вужудга келгандан буён табиий ресурслар ичида ер айниқса катта иқтисодий - ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб қолаверган. Чунки ҳар қандай мамлакат иқтисодий ривожланишида ер энг асосий ресурс ҳисобланади.

Бизнинг мамлакатимиз ривожланишида ҳам ер ресурслари асосий омил сифатида иштирок этмоқда. Берилган расмий маълумотларга қараганда мамлакатимиз умумий ер майдони 44896,9 минг.га ни ташкил этади. Ушбу ерларнинг қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар 45,48 фоизни, ўрмон фонди ерларини 21,72 фоизни, саноат, транспорт, алоқа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар 2,02 фоизни, сув фонди ерларини 1,85 фоизни, аҳоли пунктларининг ерлари 0,49 фоизни, табиатни мухофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар 0,17 фоизни, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар 0,02 фозни, заҳира ерлар 28,28 фозини ташкил қилади[1]. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ер майдонларининг 50,0 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар экан. Ер ресурслари республикамизнинг миллий бойлигидир.

Ерни ҳар томонлама яхшилаш, унинг унумдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини доимо ошириб бориш лозим. Чунки – бу, биринчидан, қишлоқ хўжалигини юритишнинг илмий тизими асослари ва ердан юқори маҳсулдорлик билан фойдаланишдир. Шу жиҳатдан ҳам ердан тўғри фойдаланишни ташкил этишга йўналтирилган давлат ер кадастри, ер тузиш, ер мониторинги, ер ҳуқуқи, ер солиғи, ерлардан фойдаланишни давлат назоратини ўрнатиш каби тадбирларнинг туб моҳиятини билиш ва уларга риоя қилиш катта амалий аҳамиятга эга бўлади[2]. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигини жадал равнақ топтиришнинг муҳим шарти, фаровон ҳаётимиз пойдеворидир бўлиб ҳисобланади.

XXI аср бошидан бошлаб, жаҳонда юз бераётган глобал иқлим -ўзгаришлари, ерларнинг яроқсиз ҳолатга келиши, биологик хилма-хилликнинг камайиб бориши нафақат иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб боришига, балки аҳоли турмуш даражасининг фаровон келажагига ҳам жиддий хавф солмоқда.

Сўнгги бир неча ўн йилликларда дунёдаги кўпгина мамлакатларда ерларнинг шўрланиб яроқсиз ҳолатга учраши каби муаммоларини бошидан ўтказмоқда, оқибатда дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер майдони яроқсиз аҳволга келгани масаланинг нечоғли долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Жахон миқёсида ана шундай мураккаб вазият бўлиб турган вақтда, юртимизда ер ресурсларини асраш, ундан самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётгани диққатга сазовордир. Ўзбекистон иқлим ўзгаришлари, шўрланишга қарши курашиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, бутунжаҳон маданий меросни муҳофаза қилишга доир конвенциялар ҳамда бошқа экологик йўналишдаги халқаро шартномаларга қўшилганки, бу мамлакатимизда мазкур йўналишда салмоқли ишлар олиб борилаётганидан далолат беради. Буларнинг натижасида ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ошиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг ҳозирги босқичда энг асосий вазифалардан бири аҳолига зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, қишлоқ

[1] Қайимов А, Бобожонов А.Р. “Ер ресурсларини бошқариш ва унумли фойдаланишда мевали экинларнинг хилма-хил навларини жойлаштириш”. Т. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» 2020.

[2] Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Давлат ер кадастри тўғрисида”. Т., Адолат, 2004.

хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уларни замонавий техника ва технологиялар асосида қайта ишлаш ва сақлаш ҳамда шу орқали ҳам янги узилган ҳолда, ҳам қайта ишланган рақобатбардош маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини ошириш ҳисобланади. Мана шу йўналишда ҳукуматимиз томонидан 44тадан ортиқ қонунчилик ҳужжатларини қабул қилган.

Айтиш жоизки, соҳа мутахассислари томонидан ерга оид қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг изчил ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ тушунтириш бўйича жойларда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш анъанага айланди. Натижада аҳолининг ер ресурсларига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Энг муҳими, деҳқон ва фермер хўжаликларида ердан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишга бўлган масъулияти янада ошди.

Ҳақиқатдан ҳам, мустақилликнинг дастлабки йилларида соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилиб, унинг ривожига янада жиддий эътибор қаратила бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ҳамда “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Ана шу ишлар натижасида қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлиги йилдан йилга ортиб бормоқда.

1-жадвал

Мамлакатимизда 2011-2020 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари[1]

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020[2]
Қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони, минг гектар	3601,6	3628,1	3658,6	3678,2	3694,2	3706,7	3474,5	3396,0	3309,4	3373,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд.сўм.	45285,9	55750,0	66435,3	81794,3	99604,6	115599,2	148199,3	187425,6	216283,1	249754,5
Шу жумладан:										
деҳқончилик	25874,6	30592,3	36237,4	43194,3	55429,2	61755,1	83303,4	98406,4	111904,8	123556,0
чорвачилик	19411,3	25157,7	30197,9	38600,0	44175,4	53844,1	64895,9	89019,2	104378,3	126198,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш-нинг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан фоизда	106,2	107,2	106,6	106,3	106,1	106,3	101,0	100,2	103,3	102,8
Шу жумладан:										
деҳқончилик	104,9	107,1	106,1	105,9	105,5	105,7	98,2	95,8	104,8	103,4
чорвачилик	108,0	107,4	107,3	106,7	106,9	107,0	104,1	105,7	101,6	102,1

[1] Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

[2] 2020 йил учун дастлабки маълумот

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигидаги ер майдонлари 2010 йилга қараганда, 2020 йилда Қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони 228,5 минг гектарга, ёки 6,3 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. Қишлоқ хўжалигида ер майдонларининг қисқариши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етказишга салбий таъсини ўтказмаган. Аксинча экин ер майдонларининг қисқаришига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ана шу давр мобайнида 5.51 марта ошганлигини кўришмиз мумкин. Бу давр мобайнида деҳқончилик маҳсулотлари 4,78 баробар, чорвачилик маҳсулотлари 6,5 баробар ошган. Бу кўрсаткичларни ердан самарали фойдаланганлигимиздан далолат беради. 2010 йилда ҳар гектар жойга 12,57 млрд.сўмлик маҳсулот етиштирилган бўлса, 2020 йилда 74,0 млрд.сўмлик, 2019 йилда бўлса 65,4 млрд.сўмлик маҳсулот яратилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш-нинг ўсиш суръати кўрсаткичларига ҳам эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йил қараганда ҳар йили ўсиш тенеденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Демак, бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, тизимда ҳаётга татбиқ этилаётган изчил чора-тадбирлар туфайли муайян ютуқлар қўлга киритилди. Энг аввало, ҳар бир қарич ернинг ҳисоб-китобини юритиш имконини берадиган электрон хариталар яратилди. Шулар натижасида йилдан-йилга ердан фойдаланиш самарадорлиги ошиб бормоқда.

Албатта, бугунги ижобий натижаларга осонликча эришилгани йўқ. Сабаби, собиқ иттифоқ даврида қишлоқ хўжалигида экин майдонларимизнинг 90 фоизида пахта экилиб, алмашлаб экиш деган қоидага мутлақо амал қилинмаган. Бунинг натижасида тупроқ кучсизланиб, қишлоқ хўжалигидаги ер майдонларининг “тинкаси қуриб” бораверган. Энг ачинарлиси, қишлоқ хўжалигига бундай номақбул ёндашув туфайли унумдор ерлар ва ажойиб табиий-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистонда аҳоли гўшт ҳамда сут маҳсулотлари, ғалла ва ҳатто мева-сабзавот, картошка билан тўлиқ -таъминланмаган.

Мамлакатимиз мустақиликка эришгач, қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш тубдан ислоҳ қилиниб, маъмурий ҳамда режали-тақсимот тизимидан воз кечилди ва бозор муносабатларига ўтиш йўлидан борилди.

Энг асосийси, бугунги кунда ҳар бир экин майдонинг эгаси ўзи фойдаланаётган ер майдонида тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ва табиий унумдорлик даражаси тўғрисидаги муҳим кадастр маълумотларига эга. Шу маълумотлар асосида қишлоқ хўжалиги экинлари илмий асосланган ҳолда жойлаштирилмоқда. Натижада маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайин кўпайиб, аҳолининг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилаяпти. Айни чоғда кўп миқдорда боғ ҳамда дала неъматлари экспорт қилиниб, соҳада самарадорлик ошиб бормоқда.

МУНДАРИЖА

I ШЎЪБА. “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ МУҲИТИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ЖАРАЁНЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА”		
Асланова Д.Х. Алимова М.Т.	Модели развития агроэкотуризма: международный опыт и предпосылки применения в Узбекистане	4
Якубов Б. Алимова М.Т.	“Кластер” тушунчасининг моҳиятини изоҳлашга назарий ёндашувлар	7
Яхьяева И.К.	Саноатда “тежамкор ишлаб чиқариш” концепциясининг назарий мазмуни-моҳияти	11
Бободустов З.Н. Абдунабиев Б.З.	Понятие фьючерсы и основы торговли фьючерсами	16
Азизкулов Б.Х. Абдуллоев З.	Пандемия ва ундан кейинги даврда хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли технологияларни қўллашнинг афзалликлари	19
Сиддиқов А.А.	Хизмат кўрсатиш соҳасида агротуризмни бошқариш ва ривожлантиришга инвестициялар жалб қилиш имкониятлари	23
Узакова К.Б. Усмонова Ш.	Инвестицион мухит ва уни иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ахамияти	27
Абдусаидова Ш.Я.	Международный опыт применения умных технологий в гостиничной индустрии	30
II ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ”		
Асланова Д.Х. Алимова М.Т.	Анализ правовой политики Узбекистана по развитию агроэкотуризма	36
Тошназарова Н.	Ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувида қиймат занжиридан фойдаланиш	40
Насимов А.Р.	Образовательный кластер – действенный механизм реализации концепции «Университет-3.0» в Узбекистане	43
Ахтамова М.Э. Рустамова Ш.	Вопросы повышения занятости, благосостояния, качества и уровня жизни населения Республики Узбекистан в условиях инновационной и цифровой экономики	47

Абдусаидова Ш.Я.	Ўзбекистонда меҳмонхона индустриясининг ривожланиши: тенденциялар ва хусусиятлар	51
Мадаминов И.О.	Иқтисодиётда инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаш масалалари	57
Асланова Д.Х. Насимов А.Р.	Предпосылки формирования регионального туристского образовательного кластера в Самарканде	64
Бахронов Ш.А. Бахоромов А.О.	Хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш истиқболлари	67
Urazov S.Sh. Vaxobov Z. Tugalov E.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida kadrlarni to'plash va tanlashning innovatsion yondashuvlari	71
Асланова Д.Х. Насимов А.Р.	Структура регионального туристского образовательного кластера Самарканда	75
Махмудходжаев А.	Давлат инвестиция харажатларини самарадорлигини такомиллаштириш масалалари	80
Tashmatov Sh.U. Shukurov M.F.	The role of electronic trade in the development of the economy	84
III ШЎЪБА. "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ"		
Асланова Д.Х. Алимова М.Т.	Природный потенциал посёлка Миронкуль, как фактор развития агроэкотуризма	87
Usmanova Z.I.	Formation of a tourist and recreation cluster in the regions	90
Бахронов Ш.А.	Зиёратчилик туризмини ривожланишининг халқаро тажрибаси	93
Бердикулова И.Р.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туризм хизматлар бозорига таъсир қилувчи асосий омиллар	99
Ахмеджанова Ф.А. Каримова Ш.М.	Основные направления обеспечения качества высшего образования в подготовке высококвалифицированных специалистов	103
Курбанов А.М.	Хорижий инвеститцияларни жалб килишда тижорат банкларининг роли	107
Usmanova Z.I. Pardaeva K.	Problems of the development of agro-ecotourism in Uzbekistan in the context of digital economy	110
Хамракулова О.Д. Умирзакова Ш.Ф.	Проблемы управления банковскими рисками	113

Имомқулов Т.Б.	Инвестицион фаолиятни молиявий тартибга солишнинг хусусиятлари	118
Бобокулов С.Р.	Тижорат банкларини инвеститция фалиятини моделлаштириш	122
IV ШЎЪБА. “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ МУҲИТИДА ТУРИЗМ, БУХГАЛТЕРИЯ, БАНК, МОЛИЯВИЙ ВА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ”		
Гайбуллаев Р.М.	Тадбиркорлик тузилмаларининг рақобатдошлик муҳитини яратиш ва ривожлантириш	126
Турсунов Ф.У.	Рақамли платформаларнинг ривожланиш тенденцияси	129
Бахронов Ш.А.	Samarqand viloyatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanish tendentsiyalari	132
Бобокулов С.Р.	Тижорат банкларини инвеститция фалиятини моделлаштиришни ўзига хос хусусиятлари	135
Юсупов Я.	Тижорат банклари даромадларнинг ўзига хос хусусиятлари	139
Абдиев Ж.А.	Тижорат банкларини бошқаришнинг замонавий моделларини жорий этиш	142
Хамракулова О.Д. Умирзакова Ш.Ф.	Тижорат банкларининг инвестиция портфелини тақсимотини такомиллаштириш	147
Юсупов Я.	Тижорат банк даромадларининг аҳамияти ва роли	150
Алимова М.Т.	Умные технологии в развитии паломнического туризма в Узбекистане	153
Ахмедов Э.Т.	Тижорат банки филиаллари фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари	156
Xudoyberdiyev S.I. Urazov.S.Sh. Ziyatova O.O.	Talab va taklif modellarini sodda funksiyalar orqali ifodalash	161
Махмудходжаев А.	Инвестицион фаолиятини молиялаштириш истиқболлари	163
Urazov S.Sh.	Ta'limdagi raqamli texnologiyalar	166
Бахронов Ш.А.	Samarqand viloyatida turizm va dam olish sohasi rivojlanishining asosiy ko‘rsatkichlari	170
Уразов С.Ш.	Рақамли иқтисодиёт муҳитида нодавлат таълим хизматларининг ўрни	174
Қуватов Э.Ж.	Кичик бизнес субъектларини имтиёзли кредитлаш борасидаги хориж тажрибаси	177

Уразов С.Ш. Ташматов Ш.У.	Рақамли иқтисодиёт шариотида Ўзбекистонда world skills тизими асосида касбий таълимни ривожлантириш масалалари	181
Urazov S.Sh. Shodiyev J.G’.	Ta'limdagi raqamli texnologiyalar iqtisodiyot rivojlanishining asosiy omili sifatida	184
Мирзаев А.А.	Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фаолиятини ривожлантиришда тижорат банкларнинг аҳамияти	188
Urazov S.Sh. Tashmatov Sh.U.	Innovatsion iqtisodiyot sharoitida korxonalarni boshqarishda motivlashtirishning o’ziga xos xususiyatlari	194
Шодманова М.А. Холиқулов А.Н.	Мамлакатимизда қишлоқ хўжалгида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг таҳлили	197